

ОДИЛЖОН САЛОҲИДДИНОВ

УМР
ЗАРВАРАҚЛАРИ



ОДИЛЖОН САЛОХИДДИНОВ

**УМР
ЗАРВАРАҚЛАРИ**

Андижон 2020

Муаллиф: Одилжон Салоҳиддинов

Андижон Давлат тиббиёт институтининг ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори

Такризчи: З.С.Салоҳиддинов

Андижон Давлат тиббиёт институтининг 1-УАШТ кафедраси мудир, профессор

Рисолада муаллифнинг ўзи ва унинг оила аъзолари ҳақидаги эсдаликлар ҳаётий мисоллар орқали баён қилинган. Уларнинг ҳар биридан ўқувчи ўзи учун маълум сабоқларни олади, деган умиддаман.

Ўринли, ахлоқли ва адолатли яшамай
туриб, яхши умр кечириб бўлмайди, яхши умр кечирмай
туриб, ўринли, ахлоқли ва адолатли яшаб бўлмайди.

*Эпикур, юнон
файласуфи*

СЎЗБОШИ

Донишмандлар умрни оқар дарёга киёслашиб, ундан кимдир сузиб, кимдир оқиб ва яна кимлардир чўкиб ўтишади, дейишади.

Дарҳақиқат, ҳаётга теран кўз билан назар солсангиз, инсоннинг дунёга келиб яшаб, умр ўтказишидан мақсади фақат ўз манфаати йўлида ҳаракат қилишигина эмас, балки чин инсон номини олишлик учун шу номга яраша ҳаёт кечириб, фаолият кўрсатиши, фарзандларига гўзал тарбия бериши, инсонларнинг оғирини енгил қилиши, уларга хушмуомалада бўлиши, қалбларига сурурни бахш этиши ҳам эканлигининг гувоҳи бўласиз.

Ҳаёт дегани бир текисда ўтмаслиги ҳаммага аён. Кун тунга алмашгани, қиш ўрнини ёзга бўшатганидек, ҳамма нарса ҳам навбати билан алмашиб туради.

Инсон туғилган чоғида пешонасига тақдири азал қалами ила нелар ёзилганини билмас экан, биров ундай, биров бундай яшар экан. Кимгадир бахт кулиб боқаркан, кимдир аччиқ қисмат зарбаларига дош бериб, умргузаронлик қиларкан. Албатта, бу дунёдан қанд еган ҳам, панд еган ҳам ўтаркан.

Шу боис, мавлоно Жалолиддин Румий: “Дунё – Тангрининг даласи. Одамзодни ўша даладаги гиёҳларга киёсласак, қай бири не бўй таратади, бу энди Аллоҳ синовидан қандай ўтаётганига боғлиқ бўлади”, деган экан.

Шу ўринда шоир Ҳабибий ҳам:

*Дунёда ҳеч одам беғам эмасдур,
Ақлли ҳар бир одам хуррам эмасдур,
Беғам бўлса ёки одам эмасдур,
Ё ул одам аҳли олам эмасдур,*

деган экан.

Дархақиқат, ҳаёт – бу ўқилмаган китоб. Унда битилган ҳар бир сатр, унда муҳрланган ҳар бир лаҳза ҳикматдир.

Ҳаёти давомида ҳар бир инсон бобо-момосидан, ота-онасидан, қавм-қариндошларидан, қўни-қўшниларидан, ёру биродарларидан ва хатто ўз фарзандларидан ниманидир ўрганаркан.

Бундан ташқари, инсон табиатдан, Коинотнинг ҳар бир заррасидан ҳам қандайдир илмни ўзлаштираркан.

Масалан, кузда дарахт барглари ерга тўкилар экан, бу ҳолат инсонга умрни ўткинчилигини уқтираркан, мевасидан қадди букилган дарахтга отилган тошлар ҳаётнинг гоҳо бешафқатлилигини кўрсатаркан. Булут ўз сувини экинларнинг унуми учун сочганлиги туфайли у юксакликка кўтариларкан ва аксинча, дўл дов-дарахтлар мевасига зарар етказгани учун қора тупроққа қориларкан ва ҳоказо.

Китоблардан ўрганилган маърифий илм қаторида, юқорида келтирилган ҳаётий илмлар ҳам инсон учун ҳаво ва сувдек зарур экан.

Хуллас, инсон ҳаёти давомида барча нарсалардан ненидир ўрганаркан. Бу сабоқларнинг ижобийлари сабр, қаноат ва чидам туфайли бўлса, салбийлари шошқалоқлик ёки айрим ҳолларда нодонлик туфайли бўлиши мумкин экан. Мана шу сабоқлардан чиқарилган хулосалардан кексаларда ҳаёт ўғитлари пайдо бўларкан.

Донишмандлар: “Одамийлик – фақат билимдонликдагина эмас, балки бизлар келажак авлодлар учун нима қолдира олишликдадир”, деган эканлар.

Шу боис, инсон ёши ўтиб борган сари ортига назар ташлаб, ўтган умрининг воқеа ва ҳодисалари ҳақида теран фикр юритиб, ютуқ ва хатоларидан керакли сабоқлар чиқаришга, ибрат олишга майл кўргазар, дилдошларини турмушнинг турли “мушт”ларидан огоҳ этишга, ўзи билган ҳақиқатларни уларга англантишга тараддудланиб қоларкан.

Худди шу ниятда ёзувчиликка даъво қилмаган ҳолда, мен ўзим ва оила аъзоларимиз ҳақидаги эсдаликларни баҳоли қудрат қоғозга туширдим, зеро бундаги сабоқлар фарзанд, набира ва чевараларга ҳаёт йўлларида яхшиликка асқотар, деган умиддаман.

Турмушдаги хатолар қанча тез тузатилса, ўтмиш маданият учун ҳам, келгуси тараққиёт учун ҳам шунчалик катта савоб ишлар қилинган бўлади, деб ўйлайман.

Муаллиф

Ким агар ҳаётдан олмаса таълим,
унга ўргатолмас ҳеч бир
муаллим.

Абу Абдулло Рудакий

ОТА-ОНАМ, БОБОМ, МОМОМ, АКАМ ВА КЕЛИНОЙИМ ҲАҚИДА

Отам Салоҳиддин 1909 йилда Андижон шаҳрида таваллуд топган. Отамнинг отасининг исми Насриддин, онасининг исми эса Роҳила бўлган. Мен бобомиз Насриддинни кўрмаганман, у мен тугилгунча вафот этган эканлар. Роҳила момомизни яхши биламан, у жуда меҳнатқаш, серғайрат ва камтар аёл бўлган.

Отамнинг оиласи касибчилик билан шугулланишган. Отамнинг акаси, яъни амакимнинг исми Олимжон бўлиб, у маҳалламиз оксоқоли бўлган. Унинг рафикаси Омон буви бўлган. Улар 10 нафар фарзанд кўришган. Дадамнинг битта опаси бўлиб, исми Хайринисо бўлган. У Абдували деган зиёли инсонга турмушга чиқиб, 3 та фарзандли бўлган.

Отам эски мактабда Ўринбой домлада ўқиган. Ўринбой домла жуда ўқиминчили, тақводор одам бўлган. Айтишларича, отам домлада ўқиётганлар ичида тиришқоқ, билимли бўлгани боис,

домла уни ҳурмат қилиб ўқиётганларга сардор этиб тайинлаган ва қизи Робияхонни(онамизни) отамга турмушга узатган экан.

Отам Ўринбой домлада ўқиш билан бирга Асака шаҳридаги ҳисобчилар тайёрлаш техникумида ҳам ўқиб, уни битирган экан. Ўша пайтлари шу техникумни битирганларни туманлардаги пахта пунктларига ҳисобчи қилиб жўнатаркан. Отам бир неча йил Андижон вилоятининг Пахтаобод, Асака, Избоскан, Олтинкўл туманларидаги пахта пунктларида фаолият кўрсатган.

Оилада 9 фарзанд туғилган. Тўнғичи акам Қобилжон 1930 йилда туғилган.Акамдан сўнг учта акам ва битта опам туғилган экан, улар 2-3 ёшларидаёқ вафот этган эканлар. 1942 йилда мен туғилганман. Мендан сўнг ҳам 3 та укам ўпка шамоллашидан вафот этган. У пайтлари врач ва ҳамширалар етишмас эди, беморлар етарли даражада муолажа ололмасдилар. Албатта бу фарзанд йўқотишлар изсиз кетмаган. Ота ва онамда гипертония, яъни хафақон касаллиги келиб чиққан.

Отам Асака туманининг Сегазақум пахта пунктида ишлаб юрган даврларида (1932 йил) пунктга босмачилар бостириб кирган экан. Шунда отам онамни пункт деворидан ошириб, икки ёшли акамни бағрига босиб, девор тагидаги ариқдан ўтиб, уларни Пахтаобод туманида ҳисобчи бўлиб ишлаётган поччаси Абдували аканинг уйига олиб бориб қўйиб, сўнг орқага қайтибди. Пунктга келса, босмачилар пунктга ўт қўйиб, қочиб кетган эканлар, лекин пунктдаги ҳеч қандай ҳужжатларга тегмаган эканлар.

Отамни 1935 йилда Избоскан туманининг Тўрткўл кишлоғидаги пахта пунктига ишга жўнатишибди. 14 йилдан сўнг, яъни 1949 йилда отамни Тўрткўлдан Олтинкўл пахта пунктига сафарбар қиладилар. У ерда 1966 йилгача ҳисобчи лавозимида фаолият кўрсатган. Сўнг уни Андижон шаҳридаги 3-пахта тозалаш заводида қарашли пахта пунктига ўтказишган. 1969 йилда шу ердан у нафақага чиққан.

Нафақага чиққач, 1993-йилгача, яъни 24 йил давомида маҳалла оқсоқоли бўлиб хизмат қилган. Отам каттага ҳам, кичикка ҳам

бирдек ширин муомалада бўларди. У жуда хушчақчак инсон бўлган, маҳаллада обрўси жуда баланд эди. Тўй-маъракаларда отам доимо бош-кош бўларди. У ҳеч кимга каттиқ гапирмасди. Кимдир ёрдам ёки маслаҳат сўраб келса, албатта уларнинг ишини битириб берарди. Бозорларда кечки пайт туманлардан келиб ётоққа жой тополмай қолган инсонларга (ўша пайтлари шаҳарда ётоқхоналар кам эди) бошпана бериб, уларни овқатлантирарди. Чунки ўзи туманма-туман юриб, мусофирчилик захматларини яхши биларди-да. Отам билан гаплашган инсонларнинг дарди енгиллашарди. Отам кирган йнғинда доимо шоду-хуррамлик юзага келарди. Отамни бирор кимсадан нолиб гапирганини эшитмаганман. У хаммани “сиз”ларди.

Отам маҳалла аҳлининг бир-бирига меҳрли бўлиб яшашларига кўп жон куйдирган. Шу боис, бизни маҳалла тинч-хотиржам эди. Отам маҳаллани газлаштириш, электрлаштириш ва кўчаларни асфальтлатишда кўп тер тўккан.

Отам нафақага чикқандан сўнг беш вақт намозни масжидда ўқирди. Масжидимиз имом хатиби республикада таникли бўлган Ҳабибулло хожи ака отамни жуда ҳурмат қиларди.

Отам ҳаёти давомида ҳалоллик, поклик, интизомлилик, масъулиятлилик тамойилларига катъий амал қилиб яшаган. У мен ва акамга (оиладаги 9 нафар фарзанддан иккаламиз қолганмиз) қарата: “Мен ҳисобчи бўлсамда, ҳалол яшаб кам бўлмадим, юзим барчанинг олдида ёруғ, доимо инсонлар кўзига тик қарайман. Сизлардан ҳам ҳалол, пок бўлиб яшашларингизни талаб қиламан”, дерди.

Пунктларнинг бошқа ҳисобчилари қошона ҳовлиларда яшардилар. Дадам 40 йилдан ортиқ ҳисобчи бўлиб ишласаларда, биз ўртаҳол, оддий уйларда яшардик. Отамнинг отаси, яъни бобомиз Ҳасридинни қосиб оиласидан эканлигини юқорида айтиб ўтдим. У маҳси тикиб, тирикчилик қилар экан. У камбағал яшаган экан. Бойдан бир танга олиб, ўзи маҳси тикиб, уни 3 тангага сотар экан, бир тангани бойга қайтараркан.

Кўчамиздаги битта уйни маҳалладаги кексалар намозхона қилиб олган эканлар. Шу ерда бобомиз намозга азон айтиб, шу ховлини супириб-сидириб ҳам юрар экан.

Бир куни бамдод намозидан сўнг, бобомиз намоз ўқиган жойдаги ховлида тўқилган дарахт баргларини тозалаб, уйга келибди. Момомиз: “Ие, ковушингизга барг ёпишиб қолибди-ку?!”–дебди. Бобомиз баргни ковуш тагидан олиб: “Бай-бай, бу барг масжидинки-ку!”–деб уни намоз ўқийдиган ховлига олиб бориб, қўйиб келган эканлар. Ўйланг! Ҳозирда бирор кимса шундай қилармикан? Ана сизга ҳалоллик, поклик!

Ҳалол инсоннинг фарзанди отамга ҳалол яшаш бобомдан ўтган экан, деб ўйлаймиз.

Отам онамни жуда ҳурмат қиларди. Онам 1991 йилда 79 ёшида вафот этди. Онам вафотидан сўнг акам бизникига (акам алоҳида хонадонда яшарди) ҳар куни тушликка келиб, отам билан бирга овқатланиб кетарди. Эрталаб ва кечкурун мен отам билан овқатланардим.

Отам артериал қон босимини ҳуш кайфият ва парҳез билан, дорисиз меъёردа ушлаб юрарди.

1993 йил 24 апрель куни (жума) кечкурун мен институт топшириғи билан Тошкент шаҳрига боришимни отамга айтдим. Отам: “Боришингиз зарурми?”–деб сўради. Авваллари бундай саволни ҳеч бермаганди. Мен отамнинг саволига хайрон бўлиб: “Бормайми?”–дедим. Отам: “Агар Тошкентга борсангиз қачон қайтасиз?”–деб савол берди. Мен: “Шанба куни эрталаб кетиб, якшанба куни 10³⁰ларда уйда бўламан”,–дедим. Отам: “Ундай бўлса, бориб келавринг”,–деди ва дуо қилди.

Якшанба куни эрталаб 8⁰⁰ларда отам рафикамга мурожаат қилиб: “Ўғлим келмаяптику?”–дебди. Рафикам: “Соат 10³⁰ларда келаман дегандику?”–деб жавоб берибди.

Мен якшанба куни 10³⁰ларда уйга етиб келдим. Отам ховлимиз айвонида маъюс ўтирибдилар. Мен: “Ота, соғлигингиз яхшими, нима гап?”–дедим. Отам: “Ҳеч гап йўқ, соғлигим яхши”,–деди ва

“Сизга мастава тайёрлатиб қўйдим, уни ичиб олингда, бир ухланг, чарчаб келгансиз”,–деди. Мен хайрон бўлдим, неча марталаб Тошкентга борган бўлсам, отам ҳеч қачон бундай демаган эди. Отамнинг айтганини қилиб, маставани ичиб, ухлаб қолибман. Соат 14⁰⁰ларда уйқудан турсам, яна отам айвонда ўтирибди. Маҳалламизда тўй, маъракалар учун стол-стуллар бўларди. Улар уйимизнинг ташқарисида турарди. Уларни занжир билан боғлаб, қулфлаб, “бу маҳалланинг мулки”, деб эҳтиётларди.

Маҳалламизда биттаси тўй қилиб стол-стулларни олиб кетиб, вақтида олиб келиб бермабди. Отам унинг уйига 3-4 марта борибди. Отам: “Ўғлим, ҳозир тўй қилган йигит стол-стулларни олиб келади, сиз шу ерда бўлиб туринг”,–деди.

Стол-стуллар келди. Уларни санаб, занжирлаб: “Ўғлим, мана калит, уни мана бу ерга илиб қўяяпман”,–деди. Мен: “Биламан-ку!”–дедим. У: “Шундай бўлсада айтиб қўйдим-да, бу маҳалла мулки-ку!”–деди. Мен яна хайрон бўлдим. Сўнг отам кўчага чиқиб кетди.

Бирор соатдан кейин кириб: “Ўғлим, мен маҳалламизнинг барча хонадонларига кириб чиқдим, ҳаммаси тинч экан, фалон эшикда сумалак бўлаяпти”,–деди. Сўнг ўз ётоқхонаси томон отланди. Мен яна хайрон бўлдим. Мен: “Ота, овқат тайёр бўлибди, сузаверсинми?”–деб сўрадим. У: “Ҳа!”–деб жавоб берди. Мен отам билан бирга, отам уйининг даҳлизида овқатланардик. Келин овқатни олиб киргач, отамни ичкари уйдан чақирдим. Жавоб бўлмади, телевизор овози эшитилиб турибди. Уй ичига кирсам, отам кроватда ётибди, вафот этган экан. Мен хайратдан дод солдим, кўни-кўшнилар дарров йиғилишди: “Ҳозир бизникига кирган эди-ку, бу қандай ҳол?”–деб хайрон бўлишди. Мўмин, беозор, ҳалол, пок отамдан сониялар ичида айрилиб қолдим, охириги сўзларини эшита олмадим. Шунда менда, “отамга 2-3 кун аввал вафоти хақида “вахий” келган эканда”, деган гумон пайдо бўлди.

1993 йил 26 апрель куни пешинда отамнинг жанозаси бўлди. Жанозага тумонат одам йиғилди. Кўчамизга машиналар сигмай

кетди. Имомликка отамни доимо хурмат қилувчи, Жомеъ масжиди имом хатиби Ҳабибулло хожи ака ўтди. Отам 84 ёшида оламдан ўтди. (Охиратлари обод бўлсин!)

Онам Робияхон 1912 йилда Андижон шаҳрида такводор, билимли инсон Ўринбой домла хонадонида туғилган. Онам жуда оқила, билимли инсон бўлган. Қўлидан ҳеч қачон Қуръони Карим тушмасди. У ўта пазанда, меҳрибон, саҳоватпеша бўлган. Барча қариндош-уруғлар ундан маслаҳат олиб яшаганлар. Биз ўртаҳол яшаганмиз. Шундай бўлсада, ота-онам бировларга бу борада “тишларининг оқини” кўрсатишмаган. Онам, “рўзгорга ёрдам бўлсин”, деб пиджак тикиб сотарди.

Онанинг 7та фарзанддан жудо бўлишини бир тасаввур қилин-чи? Онам сабр, каноат билан буларга ҳам шукр келтириб яшаган.

Ҳамма нарса ўткинчи, аммо она учун фарзанд доғини юракдан ўтказиб бўлмас экан. Шу боис онам ҳам хафакон (гипертония) касаллиги бўйича мунтазам даволаниб юрган.

Онамнинг пазанда аёллигини айтиб ўтдим. Агар уйимизга меҳмон келса, онам ярим соатда меҳмон олдига ошни олиб қирарди. Ҳамма бунга хайрон қоларди.

1970 йилда онамни катаракта бўйича кўзини операция қилдирганмиз. 5-6 кундан сўнг шифохонадан уйга жавоб бўлди. Уйга келгач, кўшнимиз уни кўргани манти қилиб чиқибди. Онамга у: “Енг!”–дебди. Онам: “Ҳозир овқатландим, бир пас туриб ерман”,–деса, у: “Йўқ, биттасини ейсиз”,–деб зўрлабди. Онам унинг гапини қайтаргиси келмай, битта мантини зўрга ебди. Кўшни аёл чиқиб кетгач, онам бир неча бор қайт қилибди. Бошида оғриқ пайдо бўлибди.

Мен ишдан кеч қайтибман. Азонда онам мени уйғотиб, қаттиқ бош оғриғи безовта қилаётганини айтди. Онамни кўриб, унда **глаукома**, яъни кўзининг босимини ортиши касаллигига гумон пайдо бўлди. Артериал қон босими меъёрада эди, уни дори билан жиловлаб юрарди. Мен тезда онамни операция қилган жарроҳнинг уйига бориб, уни уйга олиб келдим. У “Катаракта операциясидан

сўнг глаукома ривожланмайди, агар ривожланса ҳар ўн мингта одамдан бирида бўлиши мумкин. Онангизда шу ҳол бўлибди”,–деб у ҳам глаукома ташҳисини қўйиб, муолажаларни ёзиб берди. Онам бу касаллик бўйича 21 йил даволаниб юрди. Ҳар куни унинг кўзига дори томизиб юрдик. Касалликлар ўз асоратини бера бошлади ва онам ҳамма оила аъзоларимиз бор пайтда, 1991 йил 18 ноябрь куни оламдан ўтди. Унда у 79 ёшда эди. (Охиратлари обод бўлсин!)

Акам Қобилжон 1930 йил Андижон шаҳрида таваллуд топган. 1933 йилда отамизни Избоскан туманининг Тўрткўл пахта пунктига ишга жўнатишган. Акам шу ерда ўрта мактабда ўқишни бошлаган. У ерда акам кўп вақт отам ишлайдиган ҳисобчилар хонасида бўларкан. Уларнинг ишларини кузатаркан.

Маълумки, немис фашистлари 1941 йилда юртимизга уруш эълон қилган. Ҳаммани фронтга жалб қилина бошланган давр. Шулар қатори отамни ҳам Избоскан туманининг маркази Пойтуғдаги темир йўл вокзалига Тўрткўл қишлоғидан олиб келишган. Шунда туман раҳбарияти “Тўрткўл пахта пунктида ҳисобчи бўлмайдими”, деб отамни фронтга жўнатишдан олиб қолган эканлар. Бу ҳол кеч соат 22⁰⁰ларда юз берган. Дадамга жавоб беришгач, дадам пахта пунктига шошиб етиб келган, чунки пахта йиғими тўғрисида вилоятга хабар берилиши зарур экан. Дадам “кеч қолдим, энди нима бўлади”, деб куйикиб, хонага келгач, акам 11 ёшли бола: “Дада, куюнманг, мен ҳисоботни вилоятга бериб бўлдим”,–дебди. Дадам хайрон бўлибди. Дадам ҳисоботни текширса, ҳаммаси тўғри ҳисобланган экан. Дадам акамдан: “Бундан қандай уддаладингиз?”–деб сўраганда, у дадам ҳисоб-китоб қилаётганларида кўп бора кузатиб юрганини айтган. Дадам беҳад хурсанд бўлиб, шундай ўғил вояга етаётганидан жуда-жуда қувонган эканлар.

1950 йилда акам ўрта мактабни битириб, Тошкентдаги текстиль институтига ўқишга боради, деб дадамга маслаҳат солибди. Дадам: “Ўғлим, мен 67 сўм маош билан оилани зўрға тебратаяпман. Сизни Тошкентда ўқита олмайман”,–дебди. Чунки 1950 йилга қадар

бизнинг авлоддан ҳеч ким Тошкент шаҳри азимда ўқимаган экан. Шунда дадамнинг акаси-амаким: “Бизнинг авлоддан ҳеч ким Тошкентда ўқимаган, ўғлингиз ўқийман, дебди, унга рухсат беринг, ҳаётни бир амал қилиб ўтказарсиз?”-деб отамни кўндирибди. Дадам акамга: “Сизга ҳар ой 10 сўм жўнатаман, мен 57 сўм билан рўзгорни тебратиб тураман”,-дебди. Акам бунга рози бўлибди.

Акам институтга кириб, талабалар касаба уюшмаси раиси бўлиб, озгина маош ҳамда стипендия ола бошлабди. Ҳар ойнинг 26-куни почта орқали мунтазам 10 сўмни олиб ҳаёт кечира бошлабди. 1-курсни тугатиб, 2 ойга Андижонга келиб, мени ёнига ўтказиб, ёш болалар учун этик тикиб сотиб, 2 ойда маълум бир сумма йиққан. Бизнинг рўзгоримизга ҳам ёрдам қилган. Бу ҳол акам институтни битиргунча давом этган. Онам ва мен ҳар ойда акамга кўлимиздан келганча кичиккина “посылка” тайёрлаб, унга егуликлар солиб Тошкентга жўнатардик. Шу тариқа акам 1955 йилда институтни мувафакқиятли тугатиб, Андижонга қайтди. Акам Андижон пахта трестига диплом билан ишга кириш учун келса, уни Пахтаобод туманининг Чуама қишлоғидаги пахта пунктидаги “сушилка”га мастер қилиб жўнатамиз, дейишибди.

Шунда акам: “Мен инженер-техник дипломига эга бўлсам, сушилка механиги 10-синфни битирган бўлса, мен унга “мастер” бўлиб бораманми?”-деб норози оҳангда дадамга мурожаат қилибди. Дадам индамай, эрталаб туриб ,бозорга бориб, 1 та пиджак ва 1 та “казённый” этик олиб, акамга кийдириб Чуамадаги пахта пунктига обориб: “Сизга шу лавозимни айтган экан, шуни бажарасиз”,-деб у ерга акамни ташлаб келган экан. Акам индамай у ерда ишлай бошлабди. 5 ойдан сўнг ўша сушилкага акамни механик этиб тайинлашибди. Сўнг йиллар ўтиб акам Пойтуғдаги пахта заводида механик, оддий инженер, бош инженер лавозимларида фаолият кўрсатган.

1967 йилдан 1981 йилгача Андижондаги 1-пахта тозалаш заводида директор лавозимида, 1981-2000 йилларда пахта трестида фаолият олиб борди.

Акам дадам васиятига содик бўлиб ҳалол, пок яшади. У ўта интизомли, масъулиятли эди. У жамоат ишларида фаол бўлган. Шаҳар партия кўмитасида бюро аъзоси, бир неча бор шаҳар депутати бўлган ва бир нечта медаллар, фахрий ёрликлар билан тақдирланган. У қандай лавозимда ишламасин, адолатли иш юритган. У юзлаб инсонларга ёрдам қўлини чўзган. У шаҳар, вилоят шифохоналарини ободонлаштириш, кўчаларни асфальтлаш, шифохоналарни техник воситалар билан жиҳозланишига ҳомийлик қилган. Ўзи эса, хом гиштда қилинган 3 хонали уйда яшаган.

Шу ўринда бир воқеани айтиб ўтишни жоиз деб билдим.

Акам бир куни мен ишлаётган шифохонага эрталаб кириб келди-да: “Сиз билан бир кўришиб ўтиб кетай дедим”–деб қолди. “Саломатлигингиз яхшими?”–деб сўрадим. У: “Яхши”,–деб жавоб берди. Мен дадам, онам ва акамда артериал қон босимлари ортиб туришини инобатга олиб, унинг қон босимини бир ўлчаб кўяй, дедим. Юрагини ЭКГ қилдирдим. Буни қаранг-ки, акамда миокард инфаркт касаллигини оғриқсиз тури кечаётган экан. Уни зудлик билан шифохонамизнинг реанимация бўлимига ётқизишимни айтдим. У унамади, “ишим кўп, яхшиман, менда шикоят йўқ”,–деди. Лекин мен кўнмай, мажбурлаб уни реанимация бўлимига ётқизиб, керакли муолажаларни бошладим.

Акам шу йиллари ҳар куни гоҳ эрталаб, гоҳ тушда, гоҳ кечқурун ота-онамдан хабар олишни одат қилган эди. Шифохонага ётганлиги туфайли шу куни бизникига келмади. Шунда онам кечқурун: “Акангиз келмади-я, тинчликмикан?”–деб қолди. Мен уни шифохонада ётганлигини айтмай: “Иши чиқиб қолгандир?”–дедим. У: “Иши чиқса, албатта, қўнғироқ қилар эди, қўнғироқ ҳам қилмади”,–деди. Бу вақтда акам реанимация бўлимида даволанишни давом эттирарди.

Менинг шифохонадаги кабинетимдан реанимация бўлими оралиғи 80 метрча эди. Менинг кабинетимда шаҳар телефони бор эди. Реанимация бўлимида шифохона ички телефони бор эди, холос. Мен 100 метрча сим топиб келиб,

реанимация бўлимигача менинг телефонимдан уладик. Акам телефон оркали ота-онам билан суҳбатлашди, тўсатдан иш билан Тошкентга кетганлигини, ҳозирда ҳам Тошкентда эканлигини айтди.

Кечкурун уйга келсам онам: “Акангиз телефон килди, Тошкентда экан, мен бунга ишонмайман, унга бир нарса бўлган, сизлар мендан бир нимани яширяпсизлар”,–деди. Мен ўйланиб қолдим. Акамга ўтиришга рухсат берган эдик, аҳволи яхшиланаётган эди. 4-куни онамга асл воқеани айтишга мажбур бўлдим, чунки онам ухлай олмай, артериал қон босими орта бошлаган эди. Кўрдингизми, она фарзандига хатто зирапча кирганини ҳам сезаркан.

Ота ва онамни шифохонамизга олиб бордим. Уларни акам билан кўришаётган ҳолатларини таърифлай олмайман.

Акам пахта заводига директор бўлган пайтлари бир одам акам устидан ҳар хил жойларга аноним хатлар уюштира бошлаган экан. Шу жойлардан вакиллар келиб, заводни тафтиш қилиша берган. Шунда акам бу хатларни ким ёзаётганилигини яхши билса ҳам, унга озор бермай бошқа ходимларга қилаётган яхшиликларини унга ҳам қила берган.

Акам ҳалол, пок инсон бўлганлиги тафайли келган тафтиш аъзолари жиддий хатолар топиша олмаганлар. Акам завод директори бўлса ҳам дадамнинг ҳалоллик ҳақидаги насихатларига қаттиқ амал қилиб ишлаган. Бошқа пахта заводи директорларининг кўша-кўша иморатлари, машиналари бўлганда, мен аввал айтиб ўтганимдек, у хом ғиштли 3 хонали уйда яшаган, машинаси бўлмаган.

Саксонинчи йилларда юртимизга ташриф буюрган терговчилар (Гдян ва Ивановлар раҳбарлигидаги) барча пахта заводларининг директорларини тергов қилганлар, лекин акамни чақирмаганлар. Ана кўрдингизми, ҳалоллик мевасини?!

Акам устидан аноним хат ёзаётган завод ишчиси бир куни акамнинг хонасига кириб: “Аноним хатни ҳар сафар мен ёзардим,

сиз доимо барча қатори менадан ёрдам қўлингизни аямадингиз, менинг ёзганимни билмасангиз керак-а?”–дебди. Акам уни билишлигини айтиб, унга: “Сиз заводимиз камчиликларини ёзсангиз яхшида, биз уни вақтида тўғирлаб борсак, ишимизда ривож бўлади, сизга бунинг учун мен раҳмат айтаман”,–дебди. У йиғлаб юбориб: “Менинг аноним хат ёзган қўлларим синсин, мени кечиринг, энди бундай ҳол кайтарилмайди”,–деб хонадан чиқиб кетган экан.

Акамнинг ҳаётида эзгулик бекатлари кўп эди. Акамни Ҳизрга дуч келган, дейишади.

Акам 11-12 ёшли бола бўлган пайтлари Тўрткўл қишлоғидан шаҳардаги уйимизга вақти-вақти билан велосипедда келиб, амакимларникида ўйнаб кетар экан. Бир куни у йўлда Майгир қишлоғидан кесиб ўтаётганида икки томони қамишзор бўлган жойдан ўтиши керак экан. У шу ерга келганида қамишлар ичидан оппоқ узун кўйлакли, оппоқ пойабзалли нуроний бир чиройли инсон чиқиб, акамни тўхтатибди. У: “Сен бу шайтон аравада қаерга кетаяпсан?”–деб сўрабди. Акам: “Шаҳардаги уйимизга”,–деб жавоб берибди. Шунда чол: “Бўлмаса, сен бу аравада шаҳаргача борда, қайтишингда буни минмай кел”,–деб таъкидлабди. Акам унга: “Хўп бўлади”,–деб жавоб берибди. Сўнг акам 3-4 қадам юриб орқага қараса, чолдан дарак йўқ экан. Буни ота-онамга акам айтиб берган экан.

Мен акамга яккаю-ягона ука бўлганим боис, у менга эътиборли бўлган. Мен кўп бора акам ўғитларига қулоқ тутганман. Менинг номзодлик, докторлик диссертациямни ёклашда менга кўп маънавий ва моддий ёрдамлар берган.

Акам нафақага чиққач, вилоят фахрийлари кенгаши акамни кўп бора шаҳардаги, туманлардаги турли хил тадбирларга чақириб турган. 2002 йил 21 март (Наврўз байрами куни) акамни шаҳарда ўтказилаётган байрам тантанасига таклиф этишган. Уерга акам эртароқ борган. Тадбир бошланишига оз вақт қолганида, акам ўзини ноҳуш сеза бошлаган ва ёнидаги дўстига айтиб, бир “Тико”

машинасида уйига йўл олган. Эшикдан кириб, ховлидаги сўрида ўтириб, бандаликни бажо келтирган экан.

Мен шу куни ўша тадбирга таклиф қилинган бўлсамда, нима учундир у ерга боргим келмаган эди. Менга акамларникидан кўнгироқ қилиб: “Тезда келинг, акангизнинг тоби қочиб қолди”, дейишди. Мен тезда етиб келдим. Келсам, акам вафот этган экан. Шунда акам 72 ёшга кирган эди. Шу куни акам эрта уйғониб, 2 та жойга фотиҳага ҳам бориб келган экан.

Мен меҳрибонларим: отам ва акамнинг насиҳатлари, васиятларини эшитолмай армонда қолганман. Иккаласига ҳам осон ўлим насиб этди.

Маҳалла аҳли мендан жаноза вақтини сўрашди. Наврўз байрами куни қариндошлар уйларида йўқ, ҳамма байрамда.

Акам аямга “агар мен вафот этсам Бобосаъдин қабристонига, онамизнинг отаси Ўринбой домла қабрига қўйинглари”, деб васият қилган экан.

Қариндошлардан бирини қабристонга жўнатдик. Ўринбой домла қабри ёнида янги бир қабр қавланибди. Агар оппоқдадамиз қабри очилса, у ўпирилиб кетар экан. Шунда қариндошимиз: “Отаси, онаси ёнларидан жой топинг”, деб гўрқовдан илтимос қилибди. Жой онамиз оёғи остидан чиқибди. Акамни қабрга қўйдик.

Акам вафот этгач, бир ҳафтадан сўнг уйдан бир васиятнома топиб олдик. Унда акам: “Фарзандларим! Агар мен вафот этсам, онам оёғи остидан менга жой беради”, деб ёзиб қўйибди. Буни ўқиб, мен додлаб юбордим. Акам одамларга кўп эзгуликлар улашиб, уларнинг дуоларини олиб қолган инсон экан.

Акам ва аям 6 нафар фарзандли бўлишган (Абдуманноб, Салтанатхон, Обиджон, Анваржон, Марҳабохон, Акрамжон). Улар ҳозирда оилали, фарзандли, набирали бўлишган. Ҳаммалари олий маълумотли, эл-юрт хизматида, яхши ҳаёт кечирмоқдалар.

Акам ва аям 2001 йилда муқаддас Ҳаж амалларини бажаришган. Акам вафот этгач, қирқ кунгача уйларидан фотиҳачилар аримаган.

2019 йили акам вафотига 18 йил бўлди. Ҳозирда қайси бир йиғинда бўлмай: “Сиз Қобилжон аканинг укаси бўласиз-а, акангиз олижаноб, ҳалол, адолатли, инсонларга фақат эзгулик улашувчи, камтар инсон эди”, деган сўзларни эшитиб, мен кувонаман ва шундай инсоннинг укаси бўлганимдан фахрланаман. Акам ўзига эзгулик ҳайкалини ўрнатиб кетди. Акам ҳақиқатдан ҳам исми-жисмига монанд “Қобил” инсон эди. (Акамнинг охиратлари обод бўлсин!)

Келинойим Мунисхон ая 1930 йилда Андижонда қосиб онасида таваллуд топган. У жуда чакқон, пазанда, акамга меҳрибон инсон эди. Акам вафотидан сўнг 15 йил яшаб, 85 ёшида вафот этди.

Аям тириклигида рафикам билан тез-тез ундан хабар олиб турдик. Унинг кўплаб дуоларини олдик. Аям меҳмондўст, бировнинг ҳақидан кўрқадиган, тўғрисўз аёл бўлган.

Уй бекаси сифатида онамдан кўп нарсани ўрганиб, қариндош-уруғлар ичида ўз обрўсига эга бўлган. (Аямнинг охиратлари обод бўлсин!)

ОТАМ ЎГИТЛАРИ

1.*Отам акам ва менга: “Фарзандларим! Ёшликнинг кадрига етинглар, илм олинглар” бахтнинг бир ёғи меҳнат бўлса, иккинчиси маърифат ва одоб-ахлоқдир. Илмли инсон дунёда хор бўлмайди. Ҳеч қачон туғилган уйингиз, юртингизни унутманглар, шунда хурмат топасизлар!”–деб насиҳат қилардилар.

2.*Ўғилларим! Доимо Аллоҳ амрига итоат этинглар! Қаерга борсанглар, озода бўлиб боринглар. Катталардан доимо дуо олишга ҳаракат қилинглар. Дуо – илоҳий неъмат, дуо бу – сеҳр, дуо бу – ихлос, дуо бу – бало-қазоларни қайтаргувчи куч. Дуо олган инсон ҳеч кам бўлмайди, доимо иши юришади. Дуо билан эл кўқарар,

ёмғир билан ер кўқарар, деб донолар бежиз айтишмаган. Буни доимо Ёдингизда тутинглар!–дердилар.

3.*Ота-она тириклигида уларни хушнуд этиш, вафотларидан кейин эса тирикликларида айтган насихатлари ва маслаҳатларига амал қилиш, уларнинг яхши ҳислатлари билан ёдлаб туриш – содиқ, солиҳ ва вафодор фарзандларнинг энг яхши фазилатларидандир!–деган.

4.*Акам ва мен раҳбар бўлган чоғларимизда: “Фарзандларим! Ўз сирини сақлайдиган, лаёқатли кадрлар топа оладиган, яхши ишлайдиганларни тақдирлайдиган ва кадрига етадиган, гуноҳкорларнинг ўз вақтида адабини бериб турадиган, кексалар билан маслаҳатлашиб иш кўрадиган, тадбирли раҳбарнинг ҳокимияти узоқ бўлади. Одоб – раҳбарнинг безағи. Одоб бор жойда ҳалоллик бўлади. Қайсики раҳбар нафсига эрк берса, оқибати яхши бўлмайди. Унга фойда берадигани- бу унинг эзгу ишлари. Буни доимо ёдда тутинглар!”–дер эди.

5.*Ўғилларим! Камтарликни ўзларингизга ошно қилинглар! Мағрурлик ақлсизлик оқибатидир. Кибрланиш, мағрурланиш инсонни ҳалокатга етаклайди. Гарчи мағрур, такаббур инсонлар бой, мансабдор бўлсалар-да, жамият ўртасида ҳеч қандай кадрлари бўлмайди, уларни эл кўр-кўрона ҳурмат қилади. Бундай инсонларни ҳаётда кўраяпмиз. Охирида бундайлар хорликда, ёлғизликда яшашга маҳкум бўлмоқдалар,–деган.

6.*Эркак кишида орият бўлиши керак. Уйдаги бор-йўқлик мусулмон одамнинг сирини ҳисобланади. Эркак киши уйдаги ишни кўча-куйда дoston қилиб юрмайди. Оиланинг ички сирини, бори-йўгини ўзингизники. Уйингда тош тишлаб ўтирсангиз ҳам кўчада ош егандай юрган маъқул, деганлар.

Отам бир кунни “беш” нарсалар ҳақида ёзилган ҳикматларни бизга берган эди. Мана ўшалар:

Беш нарса беш нарсага сабаб бўлади:

- 1) Кўзни харомдан тиймаслик – зинога;
- 2) Таъмағирлик – пушаймонликка;

- 3) Қаноат – Аллоҳнинг тақдиридан рози бўлишга;
- 4) Кўп сафар қилиш – маърифат ва илмга;
- 5) Ҳаддан ортиқ тортишиш – хусумат, адоватга.

Беш нарса беш нарсани олиб келади:

- 1) Истиғфор – ризқни;
- 2) Кўзни харомдан тийиш – фаросатни;
- 3) Ҳаё – яхшилиқни;
- 4) Юмшоқ гапириш – эҳтиёжларни битиришни;
- 5) Ғазаб – пушаймонликни.

Беш нарса беш нарсадан сақлайди:

- 1) Мулойимлик – ғазабдан;
- 2) Аллоҳдан паноҳ сўраш – шайтоннинг ёмонлигидан;
- 3) Шошилмаслик – пушаймонликдан;
- 4) Тилни тийиш – хатодан;
- 5) Дуо – қадардаги ёмонликдан.

Беш кишининг борлиги бахтдир:

- 1) Ота-онага яхшилиқ қилувчи фарзанд;
- 2) Солиҳа рафиқа;
- 3) Вафодор дўст;
- 4) Мўмин қўшни;
- 5) Фақиҳ олим.

Беш нарса беш нарса билан катталашади:

- 1) Гулхан – ўтин билан;
- 2) Шубҳа – гумон билан;
- 3) Қўполлик – ёмон муомала билан;
- 4) Хусумат – хатоларни ўзаро кечириб юбормаслик билан;
- 5) Яқинлар ўртасидаги алоқаларнинг узилиши – ҳол-аҳвол сўраб турмаслик билан.

Беш нарса беш нарса билан ёқимли бўлади:

- 1) Соғлиқ – яхши ҳаёт билан;
- 2) Сафар – яхши ҳамроҳ билан;
- 3) Чирой – гўзал хулқ билан;
- 4) Уйқу – хотиржамлик билан;

5) Тун – Аллоҳнинг зикри билан.

Қуйидагиларнинг қандайлиги беш ҳолатда билинади:

- 1) Дарахт – меваси пишганда;
- 2) Аёл – эри камбағаллашиб қолганда;
- 3) Ростгўй киши – қийинчилик вақтида;
- 4) Мўмин – синов келганида;
- 5) Саҳий – унга одамларнинг ҳожати тушганда.

Мен ва акам дадамнинг бу ўғитларига доимо содиқ бўлдик.

ОНАМ ЎГИТЛАРИ

1.*Фарзандларим! Бу дунёда нимаики олсанглар, барисини қарзга оласизлар. Бу дегани яхши, ёмон қилган амалларингиз ўзингизга албатта қайтади. Фақат қачон ва қай тарзда қайтишини инсон боласи билмайди. Буни биргина Аллоҳ билади. Оламдаги, оиладаги, кўча-қуйдаги ёвузликни бир дақиқага тўхтатиб қўювчи қурол – бу яхшиликдир, яхши сўз, яхши муомаладир. “Фалончи яхши одам” дегани, бу Аллоҳ Таолонинг ўша учун берган буюк неъматидир. Қўлларингдан келганича яхши амаллар пайида бўлинглар. Сизларнинг ортингиздан яхшилик доим қувиб юрсин, шунда сизларнинг атрофингизда доимо пок ниятли инсонлар бўлади. Кимки эзгуликни, яхшиликни қурол қилиб олса, демакки у Жаннат томон йўл топади, деган эдилар.

2.*Ўғилларим! Доимо шукрона айтиб яшашга интилинглар! Сабр қилиб, нафсни тия билиш керак. Сабр ва чидам барча мушкул ишларни енгиш калитидир. Кимки буларга кодир экан, хушбахтлик ва саодат эшиклари унга очилади, дерди.

3.*Онам кўп китоб ўқир эди. Кунлардан бир куни у бизга: “Китоб инсон рухиятининг озукаси, таом билан тана озикланса, китоб ўқиш билан рух озикланади. Кўп китоб ўқиш одамни гуноҳ ишлардан тўсади”,–деган эди.

4.*Онам: “Ҳалол билан ҳаром қандай ажратилади?”–деди. Ўзи бу саволга жавоб йўллаб: “Ҳалоллик – бу тоза қўл, соф виждон, ёруғ юз, самимий нигоҳдир. Ҳаромлик бўлса, бунинг акси, ифлос қўл, боткок виждон, қора юз ва жирканч кўзлардир. Ҳалоллик билан топилган битта дон бутун бир хирмонга, ҳаром йўл билан топилган бир уй нон эса битта ушоқча ҳам татимайди. Бу янги гап эмас, жуда эски ибора. Демак, ҳақиқат, ҳалолликни соғиниб яшаган инсоннинг у дунёси ҳам, бу дунёси ҳам нурафшон бўлгусидир. Баъзи бир одамлар ҳалолликдан жирканишлари мумкин. Буни ҳаёт дейдилар. Лекин сизлар ҳалоллик сари интилаверинглар. Аллоҳ барибир бундайларни қўллайди”,–дердилар.

5.*Бир куни онам фарзанд ва набираларни йиғиб, қуйидаги шеърини мисраларни тақдим қилган эди:

Қадрига етинг-е бўлса акангиз,
Кўлини тутинг-е бўлса укангиз.
Бир куни қуриса мадор, тинкангиз,
Бегоналар томон чопа олмайсиз,
Улардан бошқани топа олмайсиз.

Бошингизда тутинг, мушфиқ синглингиз,
Кўтарар шу қизча бир кун кўнглингиз.
Ғамли кун келганда шуни билингиз,
Ташвишлар эшигин ёпа олмайсиз,
Улардан бошқани топа олмайсиз.

Агар ёнингизда бўлса опангиз,
Пойини эмаклаб, суйиб ўпингиз.
Мусибат чоғида ҳар ён чопингиз,
Бозордан бошқа бир опа олмайсиз,
Улардан бошқани топа олмайсиз.

Яхши кунда кадрин билинг ёрингиз,
Дард келса шу бўлар ҳамбеморингиз,
Тарқалиб кетганда йўғ-у борингиз,

Кўз ёшни бировга сеп олмайсиз,
Шу ёрдан бошқани топа олмайсиз.

Бугун шўх югурган жажжи болангиз,
Артади бир куни кўзда ёшингиз.
Суйкалиб келса гар бошин силангиз,
Бировнинг боласин ўпа олмайсиз,
Улардан бошқани топа олмайсиз.

Ох, каттиқ авайланг, бўлса онангиз,
Дуосини олинг, бўлса отангиз.
Тузатинг шу бугун айб-у хатоингиз,
Кейин кеч бўлади, хафа бўлмайсиз,
Улардан бошқани топа олмайсиз.

БОЛАЛИК ВА ЎҚУВЧИЛИК ЙИЛЛАРИМ

Мен 1942 йил 25 январда Избоскан туманининг Тўрткўл кишлоғидаги пахта пункти ичидаги давлат биносида (отам шу пунктда бош ҳисобчи бўлиб ишлагани учун пункт ичидаги давлат уйида яшаганмиз) туғилганман.

Пункт ёнида фақат битта хонадон бўлиб, унда мен тенги Муқимжон исмли бола яшаган. Мен у билан бирга ўйнардим. Ўша пайтда мен бир кучукча боқиб олганман. Отам узунлиги 10 метрча келадиган ингичка занжир олиб келиб берган. Унинг бир учини кучукнинг бўйнига боғлаб, Муқимжон иккаламиз етаклаб юардик.

Ўша пайтлари уруш йиллари, озиқ-овқатлар танқис эди. Биз яшаган уйимизга сандал қуриб олинган эди. Кечки овқат пайтида отам ҳисобхонада банд бўлганлиги туфайли у кеч (соат 23⁰⁰-24⁰⁰ларда) овқатланар эди. Отамга бир косада овқат олиб, совуб қолмасин, деб сандал четига жойлаштириб қўйишарди. Айрим ҳолларда отам ишдан чарчаб келиб овқатни ҳам емай ухлаб қоларкан.

Мен беркинмачоқ ўйинини Муқимжон билан кўп ўйнардим. У уйимиздаги сандалга кўп беркинадиган одат чиқарди. Мен бошқа ерга беркинардим.

Эрталаб дадам уйғонгандан сўнг овқатини сандалдан олиб караса, у камайган ҳолда бўларкан. Шунда онам: “Сен дадангинг овқатини еб қўйдингми?”–деб мени ўдагайларди. “Мен емадим”, десам ишонмасди. Кейинчалик билсак, ўртоғим Муқимжон сандалга бекорга беркинмас экан. Овқатдан у еб қўяр экан.

Шуни билгач, беркинмачоқ ўйинини ўйнамай қўйганмиз. Лекин Муқимжонга бу ҳақда ҳеч нима демаганмиз.

Биз Муқимжон билан 7 ёшга тўлгач Тўрткўлда 1-синфга бордик. Унда алоҳида мактаб йўқ эди. Биз бўшаб қолган биноларда ўқирдик. Битта бинонинг ичини бўз мато билан бўлиб, мато орқасида 1-синф, унинг иккинчи томонида 2-синф болалари ўқирдик. Ўқитувчиларимизнинг гаплари бемалол эшитилиб турарди.

У пайтлари ҳозиргидек портфель (сумка) бўлмаган, китоб, дафтарлар солиш учун онамиз латтадан тўрт бурчакли халта тикиб беришарди. Халтани қайси матодан, қайси шаклда тикилишининг андозаси бўлмас, ҳар ким ўз билганича тикар, тепасига ушлаб юриш учун латта тутқич тикилар эди. Унга сиёҳдон жойлашадиган жой ҳам қилинарди. Пероли ручкани сиёҳга ботириб, хат ёзардик. Қоғозни таталайдиган ёки таталамайдиган, нозик, чиройли, ялтироқ, “чумчуқ тили” деб номланган перолар бўларди. Бундай ноёб перо ҳамма ўқувчиларда ҳам бўлавермас эди. **Ҳозирда-чи?**

Бир куни Муқимжон билан ўйнайвериб дарс тайёрлашни унутибман. Математикадан **қўшиш** мавзусида уйга вазифа берилган экан. Мен кеч қолаётганлигим сабабли отамга куйидаги сонларни бир-бирига қўшиш ўринга **олиб беринг**, дебман. Отам дарров сонларни бир-бирдан олиб берди. Мен дафтаримга кўчириб олдим. Мактабга борсам ўқитувчимиз: “Бу сонларни олиш эмас, қўшиш керак эди, сен уларни олиб ҳисоб чиқарибсан”,–деб

журналига “бир” баҳо кўйган. Шу пайтгача бу менинг эсимдан чиққан эмас.

Икки ой ўқиганимиздан сўнг, 1949 йил ноябрь ойида отамни Тўрткўл пахта пунктдан Олтинкўл пахта пунктига ҳисобчи этиб кўчирадиган бўлибдилар. Олтинкўл марказидаги мактабда 1-синф йўқ экан. У ерда 2-синфдан бошланган синфлар бор экан. Мен 2-синфга кириб, “болалар уйи” (детдом) болалари билан ўқий бошладим. Икки ой 1-синфда ўқиган бола учун 2-синфни ўзлаштириш қийин кечди. Мен 1 ой ўқиб қийналдим, баҳоларим жуда паст эди. Буни сезган отам мени пунктдан 3 километр узоқда жойлашган 1-синф ўқитадиган жойга ҳар куни эрталаб қоронғуда олиб бориб қўядиган бўлди. Йўлларда чироқлар йўқ, кўчалар лой, қор эди. Чунки бу давр 1949 йилнинг декабрига тўғри келган эди. У ерда бир тепалик жойда 3та 1-синф болалари ўқирдик. Томдан чакка ўтиб, китоб, дафтарларимиз хўл бўлиб кетарди. Шу синфлар олдида 1 та тол дарахти бўлиб, унга 1 та рельс (темир)ни осилтириб боғлаб қўйилган эди. Дарснинг 45 минути тугагач, ўқитувчимиз ташқарига чиқиб, шу рельсни темир билан урарди. Бу ҳол танаффус бўлганидан дарак берарди. Агар дарсдан чиқиб ўқитувчимиз уни 3 марта урса, бу дарс тугаганидан далолат эди. Мана шундай шароитда ўқиб, мен ҳам, отам ҳам (мактаб узоқлиги 3 км, уйга қайтиш яна 3 км, жами 6 км йўл босиларди) зерикдик. Менинг ўқишим учун дадам оиламизни 1950 йил декабрь ойида Андижон шаҳридаги уйимизга кўчириб олиб келди.

1950 йилнинг март ойидан шаҳардаги 29-сон ўрта мактабда 1-синфдаги ўқишимни давом эттирдим. Демак, мен 1-синфни учта мактабда ўқиганман.

Отам ҳар куни велосипедда Андижондан Олтинкўлга бориб, ярим кечада яна шаҳарга қайтиб келарди. У пайтлари йўллар тор, қоронғу, автомашиналар кам, чанг йўллар эди. Отам ўша пайтда 41 ёшда экан. Мен биринчи синфни тугатганимдан сўнг, уч ой таътил берилди. Биз оиламиз билан уч ойга (июнь, июль, август) яна

Олтинкўл пахта пунктидаги уйга кўчиб келиб яшадик. Сентябрдан эса яна шаҳарга кўчилди.

Мен таътил ойлари пунктидаги уйимиз олдида жойлашган яна бир уйда яшовчи Шавкат ака (мендан 4 ёш катта) ва унинг синглиси (Раиса опа, у мenden 2 ёш катта) билан ўйнардим. Уларнинг отаси шу пунктида омборчи бўлиб ишларди. Улар ҳам биз каби пункт ичидаги уйларда яшардилар. Пункт мудирини, Сарой кишлоклик бир тоға бўлиб, у ёшларга, ишчиларга меҳрибон инсон эди. Унга “уста ака” деб мурожаат қилинарди. У синиқчилик билан ҳам шуғулланарди. Кимнинг қўли ёки оёғи синса, лат эса, бўғимидан чиқиб қолса у тузатарди. У пайтида ҳозиргидек мутахассислар бўлмаган.

У одамнинг ўғли Мамажон Ҳамроев райондаги Коммуна колхозидан бир неча йиллаб раислик қилди, вилоятда катта обрў-эътиборга сазовор бўлди. Уста аканинг қизи Сиёсатхон Абдуллаева эса Ўзбекистон Қаҳрамони бўлди, узоқ йиллар фермер хўжалигини бошқарди.

У пайтларда пунктидаги пахта бунтлари қўл меҳнати билан тайёрланарди. Станоклар бўлиб, унга аёллар қанор қопни айлантириб тикиб чиқардилар. Қопга қўл кучи билан пахта тўлдириларди. Пункт ишчилари Шавкат ака, Раиса опа ва мени қанор қоп ичига тушириб қўярдилар. Биз қопга тушган пахталарни тепалардик, натижада қоп зич пахтага тўларди. Сўнг тўлган қопни станокдан ажратиб, оғзини боғлаб, шотида ишчилар қопни елкаларида кўтариб (қоплар 60-70 кг келарди) бунтга олиб чиқардилар. Шотидан йиқилиб оёғи, қўли синганлар кузатиларди. Ҳозирда бу ишни трансформаторлар бажаради. Биз 10-15та қопдаги пахтани босиб берганимиздан сўнг чарчардик. Ишчилар, пункт мудирини, уста ака бизга раҳматлар айтардилар. Биз ҳар куни ишчиларга ёрдам берганимиздан хурсанд бўлардик. Бу ишларимиздан сўнг бунт ораларида тешиклар (пахтани шамоллатиш учун махсус қилинган) бўларди. Шу ерларда беркинмачоқ ўйнардик.

Шу ўрнида бир воқеа эсимга тушди. Ишчилар орасида пакана, озгин бир чол бўларди. У жуда абжир эди. Бунт ёнларида ёнгиннинг олдини олиш учун мўлжалланган ховузчалар бўларди. Унда бақалар кўп эди. Кунлардан бир кун ўша чол бизни ховуз олдига чақириб, “Кўринлар”, деб битта бақани тутиб, калласини уздида, қолганини еб юборди. Биз кўрқиб кетдик. Унинг оғзи қувур шекилли.

Бир куни пункт ёнига бир кампир бир тоғора шафтолини сотгани олиб келибди. Биз у кампир олдида ўтирардик (Шавкат ака, Раиса опа ва мен). Шунда шу чол чиқиб, кампирга қараб: “Мен шафтолини шу ерда, олдингизда ейман, данак сонига қараб пул тўлайман”,–деди. Кампир рози бўлди. У битта шафтолини еб, данагини кампирга кўрсатиб, ерга қўйди. Иккинчи шафтолини ҳам еб, данагини кампирга кўрсатиб, уни ҳам ерга қўйди. Кейин чол битта шафтолини еб, данаги билан ютиб юборди. Тўртинчи шафтолини еб, данагини кўрсатди. Кампир чолга ишонди. Шу тариқа чол ўн бештадан кўп шафтолини есада, данак сони кам эди. Кампир хайрон. Чол данакларни санаб, пулини тўлаб, пунктга кириб кетаверган.

Ҳақиқатдан ҳам оғзи қувур одамлар бўлар экан. Шафтоли данаги бемалол томогидан ўтиб кетавераркан.

У пайтлари районларда клублар кам эди. “Шаҳардан Оқтепа кишлоғига кино келибди”, деса биз уччаламиз ўша ерга кетардик (ораси 3 км). Йўллар кечкурун қоронгу, электр чироқлари йўқ. Оқтепада битта уйнинг орқаси сувалиб, оқлаб қўйилган экан. Кинони шу ерда кўрсатиларди. Бошқа жойларда деворлар гувала девор, сувалмаган, айрим уйлар сувалган бўлсада, лекин оқланмаган бўларди. Кино кўрсатадиган жойда ҳамма тупрок устида ўтириб, кино кўрарди. Ҳозирда-чи?!

Оқтепада кинони кўриб бўлиб, соат 23⁰⁰ларда пунктга қайтардик. Шундай бўлсада, биз кино кўрганимиздан хурсанд бўлардик. Ёзги таътил тугагач, бизнинг оиламиз яна шаҳардан

уйимизга кўчарди. Шу ҳол мен 10-синфни тугатгунимча давом этган.

Мен шаҳардаги 29-сон ўрта мактабда биринчи синф охирида бўлган воқеани ҳам айтиб ўтмоқликни лозим топдим, балки бу ҳам сабоқ бўлар.

Синф раҳбаримиз С.Пўлатов (охирати обод бўлсин) бизга: “Катталарни кўрсангиз кўлингизни кўксингизга қўйиб, “Ассалому алайкум” дейсизлар”,–деб таълим берган. Биз бунга каттик амал қилганмиз. Менинг онамининг отаси, яъни Ўринбой домла шу мактаб ёнида олча сотадиган чол ёнида кундуз кунлари гаплашиб ўтирарди. У менга ҳар куни 1 сўм берарди. Унга 1та музқаймоқ олардим. Дарсимиз тушдан кейин бўларди. Бир куни оппоқдадам олдига келиб салом бердим. У саломга алик олди-да, пул бермади. Мен бир айланиб келиб, яна салом бердим, яна пул бермади. Мен бу ишимни учинчи бор такрорладим. Шунда у 3 сўм пулни олча сотаётган одамдан майдалаб, бир сўмини менга берди. Мен унга музқаймоқ олиб, мактаб томон юрдим. Мактаб ҳовлисига киришим билан мактаб ичидан Пўлатов домла чиқиб қолса бўладими?! Ҳали музқаймоққа тил ҳам теккизмаган эдим. Мен мактаб ҳовлисидан ўтаётган ариқ олдида эдим. Оқаётган ариқ сувига музқаймоқни ташладим-да, кўлимни кўксимга қўйиб Пўлатов домлага “Ассалому алайкум” дедим. У алик олди. Музқаймоқ сувда оқиб кетди. Ориниб берилган пул ўз кучини кўрсатди. **Бу бир ҳаётий сабоқ бўлди.**

Энди мактаб ёшимда бўлган бир нечта воқеаларни ҳам айтиб ўтсам, зеро улар ҳам нимадандир сабоқ берар.

Биринчи воқеа:

Мен ёшлигимда бир кучукни бокиб олганимни айтиб ўтдим. Биз Андижонда яшаётган пайтимизда у анча катта бўлган, бизнинг буйруқларимизни тушуниб турарди. Ўша пайтлари “8 март – паранжини торт ” деган мборани кўп ишлатардик. Кўчамиздан паранжи ёпиниб олган аёллар ўтаётганда, кўчамиздаги болалар шу итга қараб “8 март – паранжини торт” деса аёлларнинг

паранжисини тортган вақтлари бўлган. Итни вафодор дейишади. Ўша пайтлари итлар орасида қутурганлари пайдо бўлиб қолган. Шунда кўчаларда махсус машиналарда “ит тутувчилар” юрган. Бизнинг итимизни ҳам тутиб кетишганини менга кўчадаги болалар айтди. Лекин кечкурун соғ-саломат итимиз уйимизга келган. (Ушлаб олинадиган жойдаги катта девор оркали у бир амаллаб қочган экан.)

1952 йилда мен отам билан ёзги таътилда Олтинкўл пахта пунктида бирга эдим. Онам икки ёшли укамга қараб Андижондаги уйимизда эди. У вақтда телефонлар ҳам яхши ишламас эди. Биз 1-2 ҳафтада отам билан шаҳардаги уйга келардик. Бир куни азонда Олтинкўл пахта пунктидаги уйимизда отам билан бирга ухлаб ётсак, эшик таккилагандай бўлди. Отамга қараб, қўрқиб “эшик таккиллади” дедим. Отам тўнни елкасига ташлаб эшикни очса, итимиз хансираб турибди. Отамнинг тўнини тишлаб, ўзига тортибди. Отам: “Ўғлим туринг, Андижондаги уйимизда бир ҳодиса бўлибди, шекилли, Андижонга кетдик”,–деди.

Шу вақт пахта юкланган юк машина пунктдан Андижонга кетишга шай турган экан. Мен, отам ва итимиз машинага чиқиб, Андижонга келиб олдик. Уйга келсак, укам вафот этган экан. Укам вафот этгач, ит алоқа чатоклигини билгандек Олтинкўлга–бизга ҳабар бергани Андижондан жўнаган экан. Ана сизга итнинг вафодорлигига мисол.

Иккинчи воқеа:

Мен кўчамизда Нўъмонжон, Ҳалимжон (уни Парпибой ҳам дейишарди, у амакимнинг ўғли эди), Маҳмуджонлар билан бирга ўйнар эдим. Бизнинг ёшимиз тенг эди.

Мен Парпибой билан унинг холасиникига кўп борардик. Улар Жалабек деган жойда туришарди. Бу хола амакимнинг катта ўғли Фуломқодир аканинг оиласи Саодатхон опанинг онаси эди. Уларнинг уйларида ўрик, олма, нок, жийда каби мевалар бўларди. Биз у ерга ўриқнинг пишмаганини, яъни гўра олиб келгани, ўриқнинг пишигида эса ўриқ егани ва данак тергани кўп борардик. Бир куни

шу холанинг ўгли уйланадиган бўлди. Биз шунда иккинчи синф ўқувчиси эдик. Тўй декабрь ойида, қор ёққанда бўлган. Ҳовлида қорни кураб, ерга похол ёзиб, устидан шолча ёзиб, ерга жой килинган. У пайтлари электр чироклари бўлмаган. Иккита сим тўр қилиниб, уларнинг ичини латтага тўлдириб, керосин сепиб ҳовлининг иккита ерига осиб қўйишган. Шунинг ёруғида тўй бўлган. Тўй жуда кеч тугар эди.

Мен ва Парлибойнинг уйқумиз келганини кўрган қариндошлар шу холамизнинг қўшнисиникига бизни олиб чиқиб қўйди. Эшикни ташқарисидан беркитиб кетишди. Эшикда ярим метр қор. Уйи бир уй ва дахлиздан иборат экан. Бизни катта уйга ётқизишиб, чирокни (лампа чирок) ўчириб кетишди. Хона зим-зиё. Орадан 1-2 соат ўтгач “мў” деган кўпол овозни эшитдик. У қайталанаверди. Биз унинг нималигини билмадик. Овоз дахлиздан чиқар эди. Биз бўри деб кўрқдик. Қочиб кетайлик, десак деразалар берк. Биз деразага чиқиб олганмиз, бакира олмаймиз, уй эгаси тўйда. Шу тарзда дир-дир титраб иккаламиз деразага ёпишиб турибмиз. Ғалати овоз дахлиздан келяпти, шарақа-шуруқ овозлар ҳам.

Қанча вақт ўтганини билмаймиз, уй эгаси келди, чирокни ёқди. Биздан нима бўлганини сўради. Биз бўлган воқеани айтдик. У кулиб юборди. Уй эгаси қорда моли совқотиб қолмаслиги учун уни дахлизга боғлаб кетган экан. У пайтлари шунақа шароитлар эди (1950 йиллар). **Ҳозир-чи?!**

Учинчи воқеа:

Парлибой билан Отчопар деган қишлоққа қариндошимизникига бордик, унда 4-5-синфларда ўқирдик чоғи. У ерга Храбек қишлоғигача поездда, сўнг пиёда учта адирнинг қалин тупроғини кечиб борардик. Тупроқ иссиқ, оёғимиз куйса даладан тутзор ичидан ўтган ариққа оёғимизни солиб турардик, сўнг яна тупроқ кечиб, йўлни давом эттирардик. Қариндошимиз адирга қовун, тарвуз экарди. Биз қовун сайлига борардик.

Бир боришимизда адир устидаги қовун-тарвуз экилган жойга қариндошимиз ўгли Собиржон ака билан чиқдик. У ов милтигини

хам олволди. Адирга чикиб битта қовунни сўйиб едик. У чумчукка қараб битта ўқ узди. Мўлжалга тегмади. Кейин Парпибой отиб кўрди, у ҳам тегмади. Кейин мен отдим, милтиқ тепар экан, мен йиқилиб тушдим. Шунда ўқ овозидан сўнг пастки кишлоқда йиғисиғи бошланиб кетди. “Милтиқни ким отди?”—деган овозлар эшитилди.

Биз (Парпибой ва мен) кўркканимиздан бир чуқурга беркиниб, дир-дир титрардик. Собиржон ака пастга қараб югуриб тушиб кетди. Орадан ярим соатча вақт ўтгач, Собиржон аканинг “Қаердасизлар, кўркманглар, беркинган жойдан чиқинглар”, деган овози эшитилди. Биз унга кўриндик. Мен отган ўқ бир оиланинг баланд сўриси устидаги похолга тегибди. У ерда ари уя бор экан, у тўзиб кетиб шу оиланинг бир боласини чақиб олган экан. Биз “Хайрият-э”, деб ўша ердан биттадан қовун ва тарвуз олиб, “Андижон қаердасан?” деб йўлга тушиб, уйга зўрга қийналиб етиб келганмиз.

Мактабда ўқиш чоғларимизда биз болалар бир-бирларимиз билан иноқ, меҳр-оқибатли эдик. Қишин-ёзин бугун биттаминикида, эртасига иккинчимизникида мактаб вақтигача ўйнаб, ўша хонадонда тушлик қилиб, мактабга чопардик. Қиш пайтларида ҳар бир хонадонда уйнинг ўртасида сандал бўларди. Ёнига кўрпачалар солиниб, иссиқ сандалда ўтириб, овқатланиб дам олардик. Шунда бобо-момоларимиз, ота-оналаримиз бизларга эртак айтиб берардилар, савоб нима, қарғиш нима, увол нима, ота-она ва катталарни ҳурмат қилиш борасида ўғитлар берардилар. Биз уларни диққат билан тинглардик. Мактабда яхши ўқиган болалар, қизлар қалок ўқувчиларга доимо ёрдам кўлини чўзардилар. Бир-биримизнинг уйларимизда ташкил қилинган ҳашарларда қатнашардик. Мактабдаги тўғаракларда ҳам фаол эдик. Мен тўрт йил давомида шаҳардаги маданият уйидаги тўғаракка ҳам қатнаб, оркестрда чалинадиган барритон асбобини чалишни ўрганганман.

Мен 29-ўрта мактабда 5-синфни битиргунча ўқидим. Сўнг бизни шаҳарда янги қурилган 15-ўрта мактабга кўчириб юборишди.

29-ва 15-мактабларда ҳам мен аъло баҳоларга ўқидим, айниқса, адабиёт, кимё ва математикага қизиқишим юқори бўлган.

Абдулла Қодирининг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, Ойбекнинг “Қутлуг кон” романларини бир-икки кунда ўқиб чиққанман. Китобдаги воқеа, ҳодисалар шундай ўзига тортардики, ҳатто уйку ҳам эсга келмай қоларди. Ҳозирда яхши, қулай шароитлар бўлишига карамай, ёшлар китоб ўқимасдан, қулогига сим тақиб плеердан хорижий мусика тинглаб, компьютер ўйинларини томоша қилиб, қўл телефонларига шармандали видеотасмаларни тушириб юрганларини кўрамиз. Булар албатта уларнинг маънавий дунёсига путур етказиб, онгини қашшоқлаштиради. Китоб ўқимаган ўқувчи ўзининг ўтмишини, миллатимизнинг, аجدодларимизнинг келиб чиқиш тарихини бутунлай унутадилар. Улар эътиқодсиз ўсадилар.

Хайриятки, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев бу масалага катта эътибор қаратди. Ҳозир ҳар бир ташкилотда кутубхоналар очилди, одамлар туғилган кунларда китоблар совға қилишга одатлана бошлади. Кутубхоналардаги ўқувчилар сони ортиб бормоқда. Машҳур рус ёзувчиси А.М.Горький “Ўзимдаги барча ижобий ҳислатлар учун китобдан миннатдорман”, деганида минг бора ҳақдир. Китоб инсоннинг дунёқарашини кенгайтиради, билимини оширади.

Мен 10-синфни ўқиётганимда февраль ойида мактаб материалларига оид математика дасрлигидаги барча мисол-масалаларни ечиб бўлган эдим. Мен математика ўқитувчимизга “дарсга келмай қўя қолай, ҳамма масалаларни ечиб бўлдим”, десам у олий ўқув юртига оид китобни олиб келиб, “шулар билан шуғулланасан, лекин дарсга албатта қатнашасан”, деган.

Шу ўрнида битта воқеани эслаб қолдим. 10-синфда ўқиётганимизда синфимизда парта эмас, битта стол ва уч киши ўтирадиган мослама бўларди. Мен ўртада, ёнларимда Ҳалимжон ва Абдуллоҳон деган дўстларим билан биринчи каторда ўтирардик. Бизга педагогика институтининг математика факультети

битирувчилари амалиёт ўтишарди (бир йил давомида.) Улар математика ўқитувчимиз билан бирга дарсга киришар, айрим ҳолларда бизга ўқитувчимиз ўрнига дарс ўтишарди. Улар анча билимдон эдилар. Айрим масалаларнинг ечими 2-3 доска ҳажмида ечиларди.

Бир куни педагогика институтидан факультет декани, 2-3та доцентлар келиб, шу битирувчиларнинг ўтаётган дарсларини таҳлилига бизнинг синфимизга киришди.

Битирувчи талаба, бизга дарс бериб турган шахс, бир масалани ечишни бошлади. Битта доска тўлди, уни ўчирди, иккинчи доскани тўлатаётди, бир ерида адашиб кетди. Биз олдинги қаторда ўтирган иккита дўстим билан унинг хато қилганини кўриб турибмиз. У ҳаяжонланди, ечимини топа олмаяпти. Дам доска олдига келади, дам конспекти олдига келади, лекин масаланинг ечимини давом эттира олмай, уялганидан терлаб кетди. Вақт ўтиб бораёпти. Шунда уччаламиз келишиб, шерикларим мени доскага чиқиб шу масаланинг давомини ечишимни таклиф қилишди. Мен қўл кўтариб: “Масалани ечишни мен давом эттирайми?”–дедим. У рухсат берди. Мен адашган жойни ўчириб, масалани ечишни давом этиб, уни тугалладим ва домладан “жавоб тўғри чиқдимми?” –деб сўрадим. У “ҳа” деб жавоб берди. Шу пайт кўнғирок жиринглаб, дарс тугаганлигини билдирди.

Ярим соатдан сўнг мени директор хонасига чақираётганликларини айтишди. Мен кўрқиб ҳаяжон ила директор хонасига кирдим. У ерда педагогика институтидан келган ва дарсни таҳлил қилган домлалар бор экан. Улар менга: “Сиз бизнинг институтнинг математика факультетига ўқишга кириш, сизда бу фанга кизиқиш бор экан”,–дейишди. Мен мактабни битириб, политехника институтига ўқишга боришимни уларга баён қилдим. Улар норози бўлгандек туюлди менга.

Мен 10-синфда ўқиб юрганымда 7-синфларга домлаларимиз ўрнига математика, кимё фанларидан бемалол бир неча маротаба дарс ўтиб чиққанман. Домлаларимиз менинг илмимга ишонишарди.

Бир куни кимё фани домламиз бизга дарсга кириб, менга: “Сен hozир 7-синфга кириб дарс ўт. Мавзу: кислота ва ишқорлар. Шароит шунини талаб қилиб қолди”,–деди. Мен 7-синфга дарсга кирдим. Гуруҳда йигирма тўртта бола бор экан. Барчасига қаторма-қатор бу дарс бўйича саволлар бериб чиқдим. Болалар дарсга яхши тайёргарлик кўрмай келишган эканми, уларнинг жавоблари мени қониқтирмади ва йигирма тўртта боланинг ҳаммасига “2” баҳо қўйиб чиқдим ва ўзим бу мавзунини оддий ҳолда уларга баён қилиб чиқдим. Дарс тугади. Журнални домлага топширдим. Ярим соат ўтар-ўтмас мени ўқитувчилар хонасига чақиртиришди. Кимё ўқитувчимиз менга дўқ қилиб, “журнални расво қилибсанку, ҳаммага “2” баҳо қўйибсанку?!”–деди. Мен эса: “Болалар яхши билмаса, нима қилай, “2” қўйдим”,–деб жавоб бердим. Шу-шу бу домла мени синфга дарс бергани бошқа чақирмай қўйган.

8-синфда машинасозлик фани бўлиб (тўғарак бўлса керак), ҳаммамизни дарсдан кейин келишга мажбур қиларди. Ўқитувчимиз каттиққўл домла эди. Бир куни шу тўғаракка бизнинг синфдан ҳеч ким келмабди. У домла синфимизга кириб, бирма-бир дарсга келмаганимиз сабабини сўраб, ҳар бир ўқувчини тарсаки билан ура бошлади. (Авваллари шунақа эди. **Ҳозир-чи?!)**

Ҳар бир ўқувчи калтак еб турибди. Шунда педагогимиз бир қиз олдига келиб: “Сен нега келмадинг?”–деса, у шошиб баҳона топа олмай: “Келаётгандим, эсимдан чиқиб қолди”,–деди. Педагог хайрон бўлиб,: “Қанақасига келаяпсану, эсингдан чиқади?”–деб кулиб юбориб, қолганларимизни урмади. Биз шунақа қизлар билан ҳам ўқиганмиз.

10-синфни бошлаганимизда 10та болани йиғиб, директор ва синф раҳбаримиз: “Сизлар медалга даъвогарсизлар, яхши ўқинглар!”–деди. Улар ичида мен ҳам бор эдим. Ўқишлар давом этди. Учта 10-синф бор эди.

Йил охирида давлат имтиҳонларини топширдик. Эртасига медалистлар масаласи ҳал бўлиши керак. Шу куни мен туш кўрдим. Тушимда кўчамизда бир кичкина ҳовуз бор эмиш, унда тўла балик.

Балиқни қармоқда эмас, қўлда ушлаб олса бўладиган даражада кўп экан. Мен, балиқ ушлайман, деб қўлимни сувга яқинлаштирганимда, эртақлардагидек, битта тилла балиқ атрофга нур таратиб келиб, менинг қўлимга кирди. Уни сувдан кўтариб олсам, атрофга чиройли нур таратди. Мен уйғониб, тушимни ота-онамга айтиб бердим. Улар: “Бу яхшиликка!”–дейишди.

Эрталаб мактабга келсам, йил бошидаги учта синфдан танлаб олинган ўнта медалга номзодлардан битта мен қолибман. 1959 йилда 15-мактабни битта мен олтин медал билан тугатганман. Мен математикани, адабиётни, кимёни яхши кўришимни юқорида айтиб ўтдим. Мен дадамга “математикаси бор, Тошкентдаги политехника институтига ўқишга борсам”,–дедим. Дадам: “Ўғлим, акангизни зўрға Тошкентда ўқитдим. Сиз шахримиздаги институтларнинг бирига кира қолсангиз?!”–деди.

Шаҳарда шу даврда учта институт: педагогика, кишлоқ хўжалиги ва тиббиёт институти бор эди. Мен “ҳеч қайсисига қирмайман”, деб хафсалам пир бўлиб юравердим. Кейин ўйланиб қолдим. Мен мактабни битта ўзим олтин медалга битирсаму, “у институтга қирмади”, деган гап бўлмайдим, деб ўзимга-ўзим савол бердим. Маълум муддат ўтгач, мендан кейин учта укам шифокорлар кам бўлганлиги учун вафот этганлигини ўйлаб, тиббиёт институтига қирай, деб институтга хужжатларни топширдим.

Тўртта имтихондан (иншо, химия, биология, физика) 19 балл олдим. Кимё фанидан рус аёл домлага имтихон топширдим. Имтихон тугагач, кимёдан имтихон раиси у рус домладан “бу йигит билет саволларига қандай жавоб берди?”– деса, у: “яхши”,– деб жавоб берди. Домла журналга “яхши” деб баҳо қўйди. Мен: “яхши баҳога қаршиман, менга савол беринг, мен бу фанни яхши биламан”,–десам, “сен олтин медал олгансан, балинг 19, сен албатта институтга кирасан, боравер”,–деди. Дарҳақиқат, мен институт талабаси бўлдим.

Шу ўринда иншо ёзганимда бўлган воқеани эслаб ўтишни жоиз деб билдим. Иншо ёзиш эрталаб соат 8⁰⁰да бошланиб, соат 14⁰⁰да тугаши керак. Иншони аввал “черновикка”, кейин “беловикка” кўчирилар эди. Агар имтихон топширувчи ҳожатга чиқиши керак бўлса, 5-10 дақиқага рухсат берилар эди.

Мен Ҳамид Олимжоннинг “Зайнаб ва Омон” дostonидан иншо ёздим. “Черновик” ва “беловик”ларга соат 10⁰⁰да ёзиб бўлдим. Қўлимни кўтарсам, имтихон олувчилар: “ҳожатга чиқасизми?”– деди. Мен иншони ёзиб бўлганимни айтдим. Улар: “Йигитча, сизни иншо баҳоингиз ҳаётингизни ҳал қилади, шошилманг!”– дейишди. Мен уни тугатганимни, бошқа ёзмаслигимни айтдим ва иншони уларга топширдим.

Имтихон олувчилар уч кишидан иборат эди. Уларнинг бошлиғи Фаҳриддин Исақов деган устоз эди. У иншони қўлига олиб, биринчи бетига кўз югуртириб чиқиб, уни ёнидаги устозларга ҳам кўрсатди. Унда битта жумла нақ ярим бетни ташкил қилар эди. Мана ўша жумла, уни 77 ёшда бўлсам ҳам ёддан биламан: “Улуғ Ватан урушигача бўлган беш йилликлар даврининг қайноқ ҳаёти билан бирга ўсиб, камолотга эришган Ҳамид Олимжон халқимизни қаҳрамонликка ундайдиган, озодлик ва башарият душманларига нисбатан ўтли нафрат билан суғорилган шундай асарлар яратдиким, бу асарлар ўзбек поэзиясида мукамал ўринни эгаллайди”.

Ҳайъат аъзолари: “Сиз шу ерда ўтириб туринг, биз иншоингизни шу ерда текшираемиз”,–деб, уччаласи ёнма-ён туриб уни ўқиб чиқишиб, бирорта хато топиша олмади ва иншога “5” баҳо қўйишди. “Яшанг, сиз педагогика институтига кирсангиз бўларкан”,–дейишди. Залдан чиқиб, тўпланиб турганларга “мен 10³⁰да “5” баҳо олиб чиқдим”,–десам ишонишмаган.

Одатда ҳайъат аъзолари ёзилган барча иншоларни йиғиб олишиб, алоҳида, ҳеч ким кирмайдиган хонага тўпланишиб текширишарди. 3-4 кундан кейин натижасини доскага чиқариб

кўйилардида. Шу сабабли атрофдагилар менинг гапимга ишонишмаган.

Орадан 40 йилча вақт ўтиб, менинг иншоимни текширган Ф.Исаков домла профессор даражасига етиб, шаҳримизнинг тиллар институтида кафедра мудирини бўлибди. Уни институтимизда маънавий ва маърифий руқнда ўтказилган анжуманга таклиф қилишибди. Мен ҳам шу даврда профессор даражасига етиб, кафедра мудирини, даволаш факультетини партия ташкилотини котибини эдим.

Тадбирдан сўнг бир пиёла чой устида мен иншо текшириш воқеасини унга айтдим. Профессор Ф.Исаков жуда хурсанд бўлиб: “Сиз ўша абитуриентмисиз? Бундай ходиса менинг узок йиллик фаолиятимда фақат бир марта бўлган, холос. Шунда биз институт маъмуриятидан иншонини имтиҳон залида текширганимиз учун огоҳлантириш олганмиз. Биз иншо текширувчилар ўшанда қоидадан четга чиқиб тўғри иш қилган, институтга бўлажак профессорни қабул қилган эканмиз”, –деган.

ТАЛАБАЛИК ДАВРЛАРИМ

1956 йилда институтнинг янги биноси йўқ эди. Шаҳар ижроия қўмитасини биносининг ярмини институтга ажратиб берилган эди. Дарсликлар кам, барчаси рус тилида. Гуруҳдаги ўқитиш талабага ҳар бир фандан фақат битта дарслик бериларди. У гуруҳ сардори (староста) қўлида бўларди. Кечки пайт гуруҳимиздаги талабалар чироғини бор столба тагига бориб, чироқ нурида староста ўқиб берган мавзунини тинглардик. Агар сал тушунмасак, ундан мавзунини яна бир бора ўқиб беришини илтимос қилардик. Маърузаларни қолдирмай ёзардик. Шу тариқа илм эгаллардик. Дарсларга уч-тўрт киши бўлиб тайёрланардик.

Имтиҳон даврларида эрталаб соат 6⁰⁰дан 8³⁰гача билетга жавоб қайтарардик. Сўнг 9¹⁵гача нонушта қилардик. Кейин яна тайёрланардик. Соат 13⁰⁰ – 14⁰⁰гача тушлик қилиб, 14⁰⁰дан 16⁰⁰гача дам олардик. 16⁰⁰дан 18⁰⁰гача яна билетга тайёрланардик. Соат 18⁰⁰

– 19⁰⁰гача кечки таом ва 19⁰⁰дан 21⁰⁰гача яна имтихонга тайёргарлик эди.

Соат 21⁰⁰дан сўнг мияга дам берардик. Шу тариқа тайёрланишдан сўнг имтихонга икки кун қолди деганда, билетнинг барча саволларига жавоб тайёр бўлар эди. Мен чортоқлик дўстим Эркинбой Арифбоев, Андижон туманлик Иброхимжон Хўжаев билан дарс тайёрлардик. Эртасига талабалар ётоқхонасига бориб, мен ва Эркинжон имтихон билетларининг ҳаммасига жавобимизни гуруҳимиздаги талабаларга айтиб берардик. Эртасига билетни олиб, тайёрланмасдан устозларга жавоб бериб, аъло баҳо олардик.

Бизнинг стипендиямиз бошқаларникидан баландроқ эди. Кўпчилик талабалар камбағал яшардилар. Дарсга этик, махсикалиш, пиджакларда келинардик. Олган стипендиямизни ҳаммамиз бир ойга етказишга ҳаракат қилардик. У пайтда битта пирожки тўрт тийин турарди. У ҳам ҳаммага етмас эди. Шундан бир амаллаб тўртта олиб ердик, шу тушлик эди. Айрим пайтлари чой ичишга улгурмай, совуқ водопровод сувини ичиб олардик. Ортиқча пул сарфламай, сабр-қаноат билан ўқиганмиз. Ўйин-кулгу, кино-театрга боришга пул ҳам, вақт ҳам етмас эди. Асосий ва ягона мақсадимиз астойдил ўқиб, яхши мутахассис бўлиш эди.

Учинчи курсда ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасида ташкил қилинган тўгаракка аъзо бўлганман. Учинчи курсдан сўнг ҳамширалик амалиётини Андижон шаҳридаги онкологик касалликлар шифохонасида ўтаганман.

Тўртинчи курсдан сўнг амалиётни Избоскан тумани Пойтуғ шаҳридаги туман шифохонасида ўтказганман. Тўртинчи курсда терапия (ички касалликлар), жарроҳлик ва педиатрия (болалар касалликлари) кафедраларида таҳсил олганмиз. Амалиётни учинчи куни туман бош врач, Улуғ Ватан Уруши қатнашчиси Ж.С.Сиддиқов мени хонасига чақиртирди. У: “Мен суриштирдим, сен институтда яхши ўқир экансан, бугундан бошлаб амалиётни соат 14⁰⁰гача ўтаб, сўнг 18⁰⁰ларгача пахта заводи яқинида

жойлашган совхознинг ҚВП (қишлоқ врачлик пункти)да врач бўлиб, беморларни қабул қиласан. У ердаги врач бемор бўлиб қолди, икки ой ишга чиқмайди”,–деди. Мен ҳали талабалигимни айтсам, у: “Терапия, жарроҳлик ва педиатрияни ўтгансан, беморларни қабул қилаверасан, тушунмаганинг бўлса, туман поликлиникасига жўнатасан”,–деди.

Мен ҳар куни тушликдан сўнг шу ҚВПда беморларни кўра бошладим. Тушунмаган ҳолатларни амалиёт ўтаётганимдаги врачлардан сўраб бордим. Доимо ёнимда ички касалликлар, жарроҳлик ва педиатриядан китобларим турди, уларни мунтазам ўқиб бордим.

Бир неча кундан сўнг ота-оналар кўзи оғриган, қулоғи оққан болаларни ҳам кўриққа олиб келдилар. Мен бу фанларни ҳали ўтмаган эдим. Уларни туман поликлиникаларига жўнатиб, қайтаётганларида менга учраб ўтишларини сўрардим. Кўз оғриғи, қулоқ оқиши касалликларидаги даволаш муолажаларини ўргана бошладим. Бу китобларни ҳам институт кутубхонасидан олиб кетдим. Бу беморларни икки кундан сўнг менинг олдимга олиб келишларини ота-оналардан илтимос қилдим. Бу ёш болаларнинг яхши бўлаётганини кўриб қувонардим.

Шу тариха мен, яъни тўртинчи курс талабаси туманда икки ой врач лавозимида фаолият кўрсатдим. (Ўша пайтлари туманда врачлар етишмас эди.)

Бешинчи курс амалиётини чортоқлик дўстим Эркинжон яшаган туманда ўтамоқчи бўлдик. У ерга келсак, Эркинжонни ота-онаси уни бир қизга унаштириб қўйишибди, яқинда тўй бўлар экан. Буни Эркинжон билмаган. Аввал шунақа бўларди-да, **ҳозир-чи?**!

Шунда дўстим Эркинжон: “Сен амалиётни Чортоқ туманига қўшни бўлган Янгиқўрғон туманида яшовчи курсдошимиз Ёқубжон Юнусов билан ўтагин”,–деди. Мен наилож кўндим. Бунақалигини билганимда 5-курсдан сўнг ҳам амалиётни Пойтуғдаги шифохонада ўтаган бўлар эдим. Наилож Ёқубжон Юнусов билан Тўрақўрғон туманининг Бирлашган деган қишлоғига бордик. Бу ер Янгиқўрғон

туман марказидан учта адирдан ўтиб борадиган жой экан. Марказдан бу қишлоққа боргунча очик юк машинасида чангдан тегирмончи бўлиб қоласиз. Машинадан тушиб, юз-қўлни ювиб, одам афтини оласиз. Бу 1962-63 йилларга тўғри келади.

Биз амалиётни шу қишлоқнинг ер сатҳидан 100 метр баландликда жойлашган 30 ўринли қишлоқ участка шифохонасида ўтайдиган бўлдик. Амалиёт муддати 18 кун. Бу шифохонанинг деворлари оқланган холос. Бу бино шифохона учун мослашмаган, электр чироклари йўқ, ҳар бир хонада пиликли фонарлар бор эди.

Мен Эркинжоннинг гапига кириб, шу жойга амалиёт ўтагани келибман. Мен буни Андижон шаҳрида ўтасам ҳам бўларди. Лекин наилож, бўлар иш бўлди. Бош врачга учраб, “Эртага ишни бошлаймиз”, деб Ёқубжоннинг уйига келдик, жойлашдик.

Ёқубжоннинг отаси вафот этган, оилани акаси бошқарар экан. Акаси адирда бригадир бўлиб ишлаб, уйига ҳафтада бир келиб кетар экан. Биз борган куни акаси келди. У мenden қаердан келганимни, амалиёт неча кун бўлишини сўради. Мен 18 кун эканлигини айтдим. У: “Ўх-хў...”–деди. Менга бу сўз оғир ботди. “Сен бизнинг уйда 18 кун турасанми?” дегандек туюлди.

Эрталаб китоб ва бошқа нарсаларимни олиб, шифохонага бордим ва у ердан менга ётишим учун жой сўрадим. Бош врач менга жой йўқлигини, лекин амбулатор касалларни кўрадиган хонада 1 та қушетка борлигини, у ерда ётиб туришимни айтди. Мен кўндим, бошқа илож йўқ.

Мен иш бошладим. 30 нафар беморни кўриб, уларга касаллик тарихи, кундаликлар ёзаман. 1-2 кундан сўнг бош врач барча ишни менга ташлаб, ўзи касал бўлиб қолди. Энди менинг яшашимга бир эътибор беринг! Шифохонадаги завхоз, ҳамшира, фельдшерлар, бош врач менинг овқатланишим билан қизиқишмади. Тушликда овқатга таклиф қилишмайди, ортикча овқатларни тўкиб юборишади. “Менга овқат беринглар”, дегани уяламан, ўзларининг фаросатлари етмайди. Бу қишлоқда емакхона (столовое), нонвойхона йўқ эди. Яхши ҳам шифохона ёнида битта универсал

магазин бор экан. У ерга кириб пряник олдим. Ҳар куни эрталаб, обедда, кечкурун шу пряник билан бир стакандан сув ичаман. Чой ҳам беришмайди, ўзларини билиб, мен ўзим сўрамайман. Ўзимда пиёла, стакан йўклиги учун термометр турадиган стаканни ювиб, уни ишлатаман. Шу тариқа иссиқ овқат юзини кўрмай ҳафта тугади, магазиндаги пряник тугаб, печеньеюсига ўтдим. Шанба куни уйга келиб, бир ҳафтага етадиган ёғли нон ёптириб, битта чойнак, пиёла, қанд, курук чой олиб келдим. Обедларда ҳалиги нонни еб, чой дамлаб ичиб оламан. Чой дамлаётганимни кўраётган ошпазлар ҳам “у тушликда нима еяпти”, деб кизиқишмайди ҳам. Мен овқат сўролмайман.

Кейинги ҳафтада ҳам шу ҳол қайтарилди. Иш фаолиятим: эрталаб соат 5⁰⁰да тураман, соат 6⁰⁰дан беморлар кўрикка келади, 5-бта беморни кўраман, кейин 30та касални кўриб чиқаман. Барча ишларни ўзим қиламан. Шу кунлари Аллоҳ менга сабр-қаноат берди. (Ишни қилган бошқа, ҳолвани еган бошқада.)

Ўн саккиз кун ҳам ўтди. Мен кундаликларимни, ҳисоботни ёзиб, бош врачга “имзо қўйиб беринг”,–десам, у: “дарров 18 кун тугадими?”,–деб кундалигимга имзо чекиб, “бугун бизникида ош қилиб, сизни кузатаман”,–деди. Мен раҳмат айтиб, 18 кун оч-наҳор яшаганимни айтиб: “Мендан кейин амалиётга келганларнинг озиқ-овқатларини, яшашларини суриштириб туринг”,– дедим. У бу ҳолни билмаганлигини айтиб, завхоз, бош ҳамшира, ошпазларни чақириб, уларга каттиқ танбеҳ берди, мендан узр сўради. Бўлар иш бўлганди. Мен яна бир кун йўл босиб, 3та адирдан ўтиб, Янгикўргон туман марказидаги анҳорда ювиниб, одам афтига кириб, икки соатлаб автобус кутиб, кечга яқин СОҒ-САЛОМАТ уйга келиб олдим.

Бу 18 кун менга катта сабоқ бўлди! Балки сизларга ҳамдир?!

Шу ерда бўлган бир воқеа эсимга тушди:

Бош врач ҳафтанинг шанба куни шу амбулаторияга қарашли 4та фельдшер-акушерлик пункти мудирларини, шифохонадаги ҳамшира, фельдшерларнинг малакасини ошириб бориш мақсадида

хар бирига мавзулар ажратиб бериб ва уни шу кунни муҳокама қилишар экан. Унда бир сафар мени ҳам қатнашишимни айтди. Шу кунни бир фельдшер-акушерлик пункти мудирининг гастрит мавзуси бўйича маъруза қилди. Мавзу бўйича савол-жавоблардан сўнг бош врач фельдшерларга қараб: “Ўзларингга тегишли участкаларда уйма-уй обход қиляпсизларми? Унда тушунмаган беморларингиз бўлдимми?”–деб сўради. Шунда бир фельдшер: “Менинг обход қилиш чоғимда бир чол бугун оёғим оғриди, деса эртасига қорним, дейди, индинига бошим айланади, хотирам паст, дейди. Нима ташхис қўйишни билмадим”,–деди. Бош врач: “Э, ўйлаиб ўтирасанми, россияиний склероз, деб қўйди”,–деди. Фельдшер: “Сиз дарров топдингиз, яшанг, у Россияда кўп бўлган”,–деди. Мен хайрон бўлдим. Фельдшерлар тарқалишди. Шунда у: “Қаранг, айрим фельдшерларнинг билими пастда”,–деди. Мен: “Сиз талаффузни нотўғри қилдингиз, россияиний эмас, рассеянный дейшингиз керак эди”,–дедим. У индамай қолди. Бош врач бизни институтимизнинг биринчи йили битирувчиларидан бўлиб, ўзининг илми етарли эмас экан.

Фалакнинг гардиши билан орадан 15 йил ўтиб мен Наманган вилояти терапевтларига тонфа берадиган аттестация раиси этиб тайинландим. Аттестация топширувчилар ичида шу бош врач ҳам I-категорияга имтиҳон топширишга келган экан. Мен уни таниб, хайъат аъзоларига қараб: “Бу бош врач менинг устозим бўлади, унда амалиёт ўтаб, кўп нарса ўрганганман, у I-категория олишга лойик”,–деб аттестациядан савол бермай ўтказдим.

Шунга айтсалар керакда, тоғ- тоғ билан учрашмайди, аммо одамлар учрашишлари мумкин, деб.

Биз институтда ўқиган чоғларимизда бир-биримизга оқибатли бўлганмиз. Тўйларга борар эдик. Амалиёт тугагач, Эркинжон дўстимнинг тўйига бордим. Ўша қишлоқ удумига кўра бутун қишлоқ тўйга айтиларкан. Бунинг учун кўп нон ёпилиб, битта отга иккита қопдаги нонни ортиб, тўйга айтиш учун ҳар хонадонга биттадан нон тарқатилар экан. Тўйга йигитлар дастурхон қилиб

келар экан. Бир чорсига магазиндан печенье, канд, пряник кабилардан олиб, тўйга кўтариб келарканлар. Андижонда эса ўша пайтларда бирор материални ўраб келар ёки пул берилар эди. Уларда эса емак нарсалар олиб келинарган.

Келинни автобусда олиб келишди. Мен куёв – Эркинжонни истаб, чақирдим, келин келди, деб. У томда юрибди. Мен унга: “Келин келди, уни кўтариб уйга олиб кирмайсанми”, десам у томдан тушмади. Улар удумига кўра, келинни қайнона машинадан етаклаб олиб кираётганида куёв “турмушимиз ширин бўлсин”, деб томда туриб, канд сочаркан. Мана шунақа удумлар бор экан ўша пайтлари. **Ҳозирда-чи?!**

5-курсда ўқиётганимизда Турсунбой деган наманганлик дўстимиз шу гуруҳимиздаги Мавлюдахон деган қизимизга уйланадиган бўлди. Биз аввал Наманганга – Турсунбой уйига йиғилиб, у ердан Мавлюдахонлар уйига – Марғилонга куёвнавқарга боришимиз керак эди.

15 нафар талаба йиғилишиб Андижон вокзалига келдик. Наманганга поезд икки соатдан сўнг жўнар экан. Ҳали касса очилмабди, одамлар кўп. Биз бир беғамроқ дўстимиз Иброҳимжонга барча талабалар йўл кирасини йиғиб, билет олиш учун уни кассага навбатга қўйиб, ўзимиз ўша вокзал атрофини айлангани чиқдик. Айланиб келсак, у бизга: “Қаёқда юрибсизлар? Поезд кетишига 10 дақиқа қолди”, –деб бўғилиб, биздан хафа бўлди. Ҳаммамизга билет 17-вагонга берилган экан. 17-нчи вагон узокда эди. Поезд силжишига оз вақт қолган. 17-нчи вагон томон югурдик. Йиғитлар: “Олдинроқдаги вагондан билет олмабсан”, деб уни сўкишди. Югуриб вагон охирига борсак, 17-нчи вагон йўқ. Поезднинг охиригиси 16-нчи вагон экан. Поезд юришига хуштак чалинди. Биз яна Иброҳимжонни сўккач: “Йўқ вагонга билет оласанми”, деб ўзимизни 16-,15-,14-,13-нчи вагонларга уриб, зўрга ҳаммамиз поездга чиқиб олдик. Унгача провўдниклар бизни поездга қўймасликка уринишди, лекин уддалай олмадилар. Кейин шу биз чиққан вагонларга поезд бригадири келиб, вазиятни билгач,

бизни талаба эканлигимизни инобатга олиб, бизни поезддан тушириб юбормади. Эсон-омон Наманганга етиб келиб, тўйни ўтказганмиз.

Бизнинг бир-биримизга оқибатимиз яхши, деб юқорида айтиб ўтдим.

Биз 2-курсда ўқиган чоғимиздаёқ ўз курсимизда ўқиётган 250та талабани ҳамда 1-ва 3- курс талабаларини ҳам яхши билардик. **Ҳозирда-чи?!**

1та гуруҳда 4 йил ўқиб, гуруҳдаги 20та бола (ўғил ва қиз) бир-бирларини яхши танишмайди. Инсонлар бир-бирларига меҳрли, оқибатли бўлишлари керак! **Шундай эмасми?**

Биз стипендия олган кунларимизда, 4-5-курсда ўқиб юрган чоғларимизда, бир гуруҳдаги 20-30та (ўғил-қиз) талабалар бир-биримизнинг уйимизда йигилиб, ўйин-кулгу қилиб, дам олардик. Бизда ёмон ният бўлмасди. Ака-ука, опа-сингил каби бир-биримизга меҳрибон эдик.

Янги йилни бир-биримизнинг уйларимизда 10-15 киши кутиб олардик. Шу боис бўлса керак, биз ўқиган гуруҳларнинг биридан 4та оила вужудга келган. Уларнинг ҳар бири яхши яшашади, орзу-ҳаваслар кўришди.

1965 йилда Андижон давлат тиббиёт институтини тамомлаб, институт йўлланмаси билан Андижон вилоятининг Избоскан тумани Пойтуғ шаҳри шифохонасига ишга жўнатилдим.

ШИФОКОРЛИК ДАВРЛАРИМ

Туман шифохонасининг бош врачлари Ж.С.Сиддиқов менга район марказидаги амбулаториядан 0,5 ставка врач-терапевт ва туман шифохонасининг терапия бўлимида 0,5 ставка жой бериб, у ердан 2та 4 та койкали палата беришди.

Эрталабдан 12³⁰ларгача амбулаторияда, тушликдан сўнг шифохонада ишлайдиган бўлдим. Бош врач ўта талабчан, интизомли ва қаттиққўл инсон эди. У :“Сен ёш мутахассиссан, сенинг 4-курсда бизда ишлаганингни биламан, шундай бўлсада

сендан қуйидагиларни каттиқ талаб қиламан: сенинг бир қўлингда терапиядан справочник, иккинчи қўлингда рецептурадан справочник, бўйнингда фонендоскоп, эгнингда тоза халат ва бошингда тоза колпачок бўлиши шарт. Агар мен сени иш пайтида шуларсиз кўрсам, сени ишдан четлаштираман”, –деган шарт билан мени ишга қабул қилган. Мен доимо унинг айтганларини қилдим ва у менга ҳаётда кўп нарсани берди.

Амбулаторияда ва шифохонада бир пайтда ишлашим менга жуда қўл келди. Мен тушунмаган, ташхис қўя олмаган беморларим тўғрисида ҳеч уялмай ўзимдан катталардан сўрардим, уларнинг маслаҳатларига қулоқ тутардим.

Менга бу борада мендан икки йил аввал институтни битирган амбулатория мудирини Бокижон ака Махмудов кўп нарса ўргатган. У мен қачон ёрдам сўрасам эринмай менга ёрдам қўлини чўзарди. Мен Бокижон акани тиббиётдаги устозларимдан бири деб биламан ва уни доимо ҳурматлайман. Ҳозиргача бир-биримиздан хабар олиб турамыз. Унинг оила аъзолари мени яхши билишади.

Уч ой ичида мен оёққа турдим. Мени ҳамма ҳурмат қила бошлади. Амбулаторияда қабулимга туман раҳбарлари ҳам келарди. Тажрибам орта борди. Энди раҳбарият мени участка шифохоналарига беморлар кўригига жўнатиб тура бошлади, навбатчиликларда кўп турдим.

Бош врачимиз Ж.С.Сиддиқов 1967 йилда вафот этди, ўрнига жаррохлик бўлим мудирини, Тўйчибой Ўролов бош врач бўлди. У қўпол, кибри инсон эди.

Мен амбулаторияда, стационарда катта ҳурматда ишлаб юрдим.

Куларнинг бирида шифохонада бир воқеа бўлди. Туман шифохонаси терапия бўлимидаги бир врач касал бўлгани туфайли мени амбулаториядан у ерга чақириб қолди. Бу мен институтни битириб, ишга кирганимнинг учинчи куни эди. Ҳали кўп врачларни танимайман. Шу пайт шифохонада тўполон бўлиб қолди. Ташқарига чиқсак, юк машинасида 15 ёшли ток урган бир болани

олиб келишибди. Уни барча катта врачлар (жаррох, терапевт, инфекционист, лор) ўраб олган. Унга биринчи ёрдамни кўрсатишди, лекин бола ўлган эди, ҳаракатлар зое кетди. Боланинг ўлгани ҳақида милицияга хабар бергани врачлар хонага кириб кетишгач, болани қариндошлари уни ёриб кўйишади, деб олиб кочишибди.

Шунда соат 10⁰⁰лар эди. Ўша пайтлари врачлар оз бўлганлиги учун шифохона ичида жойлашган тез ёрдамда фельдшер навбатчиликда турарди. Айрим чақирувларга унинг ўзи борарди. Врач лозим бўлган ҳолларда эса хоҳлаган врачига учрашишга ҳаққи бор эди. Врач у билан чақирикқа бирга бориши шарт эди. Шифохона маъмуриятдан шундай буйруқ бор эди.

Соат 17⁰⁰ларда шифохонадан чиқиб кетаётсам тез ёрдам фельдшери мени йўлда тўсиб: “Сиз терапевтсиз-а, бирга чақирикқа бориб келамиз”,–деди. Кетдик. “Красный мост” деган жойга бордик. Тумонат одам. Одамларнинг йиғи-сигиси кўкларга кўтарилган. Хонадонга киришимиз билан: “Духтир келди, йиғини тўхтатинглар”, деган овоз келди. Йиғи бироз тинди. Бола ётган хонага кирдик. Беш-олтита чол атрофида, бола ўртада ётибди, устига кўк беда сепилган. Бедаларни йиғиштиришди, қарасам, эрталаб ток уриб, шифохонага келтирилган, уни ўлик деб айтган бола экан. Мен уни “ўлган, эрталаб кўрганмиз”, десам улар “йўқ бу тирик, унинг елкасидаги томири урди”, дейишди. Ана энди унинг ўлик ёки тириклигини аниқлаш мен, яъни учинчи кун врач бўлиб ишлаётган докторга тушди. Шу пайт 5-курсда суд тиббиёти фанидан ўтган “Уй шароитида инсоннинг ўлик-тириклигини аниқлаш” деган мавзу ёдимга тушди.

Мен гугурт чақиб боланинг бурни олдига олиб бордим, аланга тўғрига кетяпти, демак, нафас олиш йўқ, дедим. Катта пиёлада сув олиб келиб, боланинг қорнига кўйдим, сув ҳаракатга келмаяпти. Сўнг болани тўнтардим, унда ўликдан хабар берувчи доғлар кўринди, кейин унинг оёғини кўтарганимизда бутун тана кўтарилди. Шундан сўнг: “Бола ўлган”,–дедим. Бирдан кулоқларни

гангитадиган йиғи бошланди. Ўшанда мен улар кўзига энг ёмон инсон бўлиб кўринган бўлсам керак, улар менинг “тирик” дейишимни кутишардида.

Ташқарига чиқсам, ўлган боланинг акаси бўлса керак, “энди онамни кўриб кўйинг, доктор”,–деди. Онаси қаттиқ изтироб туфайли хушидан кетган эди. Уни шифохонага олиб келдим, керакли муолажалар қилгандан кейин у ухлаб қолди. Соат кечки 10⁰⁰ эди. Мен Андижонга, уйимга бора олмадим. Унда уйда телефонлар йўқ эди. Онам эрталабгача мени кутиб, тонг оттирибди, энсирабди, ҳар хил ўйларга борибди.

Эрта тонгда хушдан кетган кампир олдига кирсам, у чой ичиб ўтирибди. Ҳолати яхши. “Мен яхшиман, доктор, сизга раҳмат, ўғлим тирик экан, ҳозир хабар беришди”,–деса бўладими. Хонага кириб диванда ўтириб қолдим, энди нима бўлади, деб. Шу пайт хонага битта терапевт кириб келди. “Нега рангингиз оқариб кетди?”–деди. Мен воқеани айтиб бердим. У: “Оббо, энди бизда комиссия босиб кетади, Избоскан врачлари ўлик-тирикни ажрата олмайди, дейишади, ёмон бўлибди”,–деди. Менинг аҳволим янада ёмонлашди, ваҳимада қолдим. Нега? Мен тўғри хулосага келгандим-ку!

Шу пайт кампирнинг ўғли менинг олдимга келиб: “Раҳмат, доктор, онамни яхши қилиб қўйибсиз”,–деди. Мен унинг укасини сўрадим. У: “Ҳозир эрталаб уни қабристонга олиб чиқиб кетишди, онамизга атай уни тирик дедик”,–деди. Айтишларича, эски удум бўйича от тепган, авария бўлган, ток урган каби ҳолатларда “тирилиб қолар”, деб 2-3 кун уларни сақлар эканлар. Чунки шундай ҳолатлар ҳаётда учраган экан, яъни клиник ўлим ҳолатлари.

Кўрдингизми, врачлик касби қанчалик масъулиятли эканлигини? Мен ўз тажрибамда яна бир бор исботини кўрганман.

Шу ўрнида яна бир воқеа ёдимга тушди:

Районда ишлаганимга бир йил бўлган эди. Ўша пайтда Пахтабод тумани Избоскан тумани билан бирлаштирилган бўлиб, маркази Пойтуғ шаҳри эди. Чуама қишлоғидан тез ёрдамга бир

чакирув тушибди. Унга мен борадиган бўлдим. Чуаманинг бир чеккасида комсомол ёшлар бригадаси ташкил топган экан. Унинг бригадири ўта фаол, турмушга чикмаган 22 ёшли қиз экан. Уни Тошкент шаҳрига комсомол Қурултойига делегат қилиб жўнатишибди. У ерда ангинаси кўзголибди. У ерда бир ҳафта туришларига тўғри келибди. Уйга қайтгач, барча бўғимлари шишиб, юролмай қолибди. Уни кўрдим, ташхис “ўткир ревматик иситма” касаллиги. Мен уни “шифохонамизга олиб кетамиз”, дедим. У кўнмади. Мен унга: “Зелёный мост” деган жойдаги раҳбарлар учун мўлжалланган шифохонада ётинг, бўлмаса”, – дедим. У кўнмади, “мен уйда даволанаман, дори ёзиб беринг”, деди. Мен “бу касаллик асорат бериши мумкин, сизнинг бу ҳолатингизда амбулатор даво фойда бермайди”, дедим. У “боринг кетаверинг, менга бошқа врач келади”, деди. Мен унинг дўқини эшитиб, хонадондан чиқиб кетдим. Шуми врач бўлишлик, деб ўйладим. Хафсалам пир бўлиб, шифохонага келсам, кўнғирок бўляпти. Уни олсам, “сен Салоҳиддиновмисан, мен райком секретари бўламан, нега у бригадирни уйда унга дори ёзиб бермадинг?” – деб дўқ урди. Мен вазиятни тушунтирсам ҳам у укмади. “Сен бунақада бу районда ишлай олмайсан”, – деди ва трубкани кўйиб кўйди.

Шу пайт хонага бош врач Т.Ўролов (жаррох) ва бош врач ўринбосари терапевт Собиров кириб келиб, “нега беморга дори ёзиб келмадинг”, деб дўқ уришди. Мен изоҳ бердим, лекин улар гап уқишмади. Тушундимки, улар мен туфайли райком секретаридан сўқиш эшитишган. Улар иккаласи шу беморни кўргани кетишди.

Орадан икки кун ўтди. Мен амбулатор касалларни кўриб бўлиб, тушликдан сўнг шифохонадаги палатамга келсам, палатамдаги бўш жойда ўша мен кўрган бригадир қиз ётибди. Мен: “Ҳа, нега келдингиз?” – десам, у: “кечиринг, доктор, мен сизнинг маслаҳатингизга кўнмабман, кейин борган врачлар дори ёзиб беришди, лекин аҳволим яхшиланмади, кейин тез ёрдам чакириб, келишга мажбур бўлдим”, – деди. Буни каранг, келиб-келиб у

менинг палатамга тушибди. Уни 45 кун режа бўйича даволадим, у асоратсиз тузалиб чикди. Кейинчалик у турмушга чикди, фарзандлар кўрди. Мен уни 55 ёшларга кирганда яна бир бор кўрдим, бошқа кўрмадим. Ана шунақа воқеалар ҳам бўлган.

1967 йилнинг февраль ойи эди. Мен катта обрў-эътиборда районда ишлаб юрардим. Барча шифохона ходимлари, райондаги кишлоқ врачлик амбулатория врачлари ҳам, аҳоли ҳам ҳурмат қиларди. Мен Андижондан қатнаб ишлардим. Амбулаторияга ҳаммадан аввал, хатто фаррошлардан ҳам аввал етиб келардим. Тезроқ тонг отса-ю, мен туманга бориб, беморларни даволасам, деб юрардим.

Мен амбулатория мудирини Бокижон ака Маҳмудовдан бир кунга маълум сабаб туфайли жавоб олдим. Шу куни ишга келмадим. Шу куни медсовет бўлиб, бош врач Т.Ўролов менга қаттиқ “хайфсан” эълон қилибди. Эмишки, мен амбулаторияда қабул қилган бир беморни таксида вилоят шифохонасининг терапия бўлимига шифокор назоратсиз жўнатибман. Вилоят марказидан шундай хат бизнинг шифохона маъмуриятига келибди. Мен ҳеч кимни жўнатмаган эдим. Мен райздравда кадрлар бўлими бошлиғига учраб “хатни кўрсатинг”, дедим. Хатда “Сайдалиев деган врачни вилоят шифохонасига муҳокамага шу масала бўйича жўнатишлар” деб ёзилган. “Сайдалиев” фамилияси ўчирилиб, устига ручкада “О.Салоҳиддинов” деб ёзиб қўйилибди. “Буни ким ручкада ёзди?”– деб кадрлар бўлими бошлиғи бўлган аёлдан сўрасам, у “марказдан шундай келган”, деди. Мен: “Бу нотўғри, марказдан бундай тўғирланган хат келмайди”, дедим Кейинчалик маълум бўлишича, бизда “Сайдалиев” деган врач йўқ, “амбулатор қабулида О.Салоҳиддинов ўтиради”, деб “Сайдалиев” деган фамилияни ўчириб, менинг фамилиямни кадрлар бўлими бошлиғи ёзиб қўйган экан. Бош врач бўлса, мени чақириб масалага оидинлик киритмай, медсоветда менга “хайфсан” эълон қилибди. Менинг обрўимни тўкибди.

Мен хатни олиб вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига бордим, учрадим. “Хатдаги фамилияни биз ўзгартирмадик, биз Сайдалиев деб ёзганмиз”, дейишди. “Районда Сайдалиев деган врач ишламайди”,–дедим. Кейин шу жўнатилган бемор ётган вилоят шифохонасининг терапия бўлимига кирдим. Бемор ва унга қараб турган хотини билан гаплашдим. Уни Пахтаободдан инфекционист бўлиб ишлайдиган Сайдали исмли врач таксида жўнатган экан. Қабулхонадагилар “сени ким жўнатди” деса, бемор “Сайдали” дебди. Қабулхонадаги рус врач аёл “врачнинг фамилияси Сайдалиев” деб вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига хабар қилган экан. Т.Ўролов ўтказган медсоветда ўша кунни Сайдали деган врач ҳам ўтирган бўлсада, у “гинг” демаган.

Шундан кейин мен шундай пала-партиш, масъулиятсиз, инсонни инсон деб тушунмайдиган бош врач билан ишлашни ўзимга эп кўрмадим. Мен соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Н.У.Усмонов (у бир гапли, интизомли, адолатли, талабчан раҳбар эди) хузурига кириб, воқеани тушунтирдим. Мен ундан ўша районда ишламаслигимни, мени хоҳлаган бошқа районга жўнатишни илтимос қилдим. У мени диққат билан тинглади, раҳбар бундай бўлмаслигини айтди ва “сен вилоят шифохонасининг терапия бўлимида ишлайсанми?”–деди. Мен жон-жон деб рози бўлдим. У ўша жойнинг ўзидаёқ мени перевод сифатида райондан шаҳарга ўтишим ҳақида буйруқ ёзиб, ўзи имзо чекиб, менинг ишларимга муваффақият тилади.

Мен Т.Ўролов олдига районга келдим ва бу ерда энди бир минут ҳам ишламаслигимини айтдим. У эса “ишлайсан, нима “хайфсан” олсанг олибсанда, сен ҳали ёшсан, бунақа “хайфсан”лардан ҳали кўп оласан”,–деди.

Мени уни бу раҳбарлик лавозимида қандай чиққан экан, деб қолдим. Собиқ бош врач С.Ж.Сиддиқов ва уни солиштирдим. От билан туядек фарқ бор. Мен ётиқлик билан облздрав мудирини буйруғини унга кўрсатдим. У қотиб қолди. Облздрав мудирига

менинг олдимда кўнгирак килди. Шунда облздрав мудирини унга каттиқ танбех бериб, трубкани кўйиб кўйди.

Мен ундан кейинги медсоветда “шу масаламни кўйиб, менамдан ҳамманинг олдида кечирим сўрайсиз”, дедим. Н.У. Усмонов ҳам телефонда унга шундай деган эди.

Тумандаги кейинги медсоветда менга нотўғри хайфсан берилганлигини, ўз айбини, кадрлар бўлими бошлиғи айбини, Сайдали деган врачнинг айбини такрорлаб ўтибди. Мен бу медсоветига бормадим, врачлардан эшитдим.

Шундай килиб, мен вилоят шифохонасининг терапия бўлимида битта палатани олиб, иш бошладим. Бўлим эски бинода жойлашганди. Битта палатада 30 нафар бемор, ҳар хил ташхис билан ётарди. Мен ишга эрта келардим ва ҳар бир бемордан кечкурун тайинланган муолажаларни навбатчи ҳамширалар қилган-қилмаганликларини сўраб билардим. Сўнг “пятиминутка”да ҳамширалар “ҳамма нарсаларни бажардик”, деган ҳолларида мен палатадаги бирон топширикни бажармаганликларини билсам, “фалон нарса бажарилмабдику”, деб уни улар кетиши олдида албатта бажартирардим. Шу боис, улар (ҳамширалар) менинг палатамдаги кечки муолажаларни биринчи ўринда бажаришарди. Натижада беморлар тезда оёққа турардилар. Мен беморлар олдида эрталаб 7³⁰—ларда, “пятиминутка”дан сўнг, тушлик пайтда ва кетишдан аввал, яъни 4 марта кирардим. Шу боис улар мени даволашимга ихлос кўярдилар ва тез шифо топардилар.

Мен вилоят шифохонасида комсомол кўмитаси котиби вазифасини ҳам бажарардим. У ерда ишлаш жараёнида кўп нарса ўргандим. Кафедра мудирини доцент Шукур Расулович Расулов, профессор Улугбек Акбарович Аскарлар, доцентлар Е.И. Константинов, М.Зиямхўжаева каби тажрибали педагоглар “обход”ларида кўп бора қатнашиб бордим. Жуда кўп навбатчиликларда турдим ва обрў-эътиборга эга бўлиб бордим.

4. Маълумки, вилоят шифохонаси шаҳар ва туман шифохоналари учун услубий марказ ҳисобланади. Шу боис бу шифохона врачлари

вилоят туманларига ўз мутахассислиги бўйича боғланиб, у ерларда оталик ёрдамни ҳар ой бир марта бориб кўрсатиб келардилар.

Мени Асака ва Марҳамат туманларига боғлашди. Биз районга борганда поликлиника, стационарда бўлиб қатор саволларга жавоб олиб, сўнг консультация қилиш керак бўлган беморларни ҳам кўриб келардик.

Мен Марҳамат туманида поликлиникадаги ишни тугатиб, кардиология бўлимига кирдим. Бўлим бошлиғи биздан бир йил аввал институтни тугатган аёл экан. У вилоят шифохонасида, ЭКГ бўлими мудирини Н.И.Банишевская деган аёл қўлида бир ойлик ЭКГдан малака оширган экан. Шу вақтда ЭКГни ўқийдиган мутахассислар жуда оз бўлган. Вилоятда Н.И.Банишевская ЭКГдан ўқиб келган ягона мутахассис эди, холос.

Мен бу опа билан суҳбатлашганимдан сўнг: “Менга кўранадиган беморлар борми?” деб сўрасам, олдимга тўртта касаллик тарихини ташлаб, “ана, кўраверинг” деди. Мен ғалати бўлиб кетдим. У ўзини жуда билагон, кибрли ҳисоблар экан. Унинг мендан афзаллиги у ЭКГдан малака оширгани. **Бу воқеа менга жуда қаттиқ таъсир қилди.**

Шаҳарга келиб, шанба кунга бўлим бошлиғимиздан бир кунга рухсат олиб, Тошкент малака ошириш институтининг функционал диагностикадан дарс берадиган кафедрасига бориб, профессор М.Х.Хамидовага учрашдим ва мен ЭКГдан малака оширишни жуда хоҳлашимни, менга ёрдам беришини сўраб келганимни айтдим. У мени шижоатимга қойил қолиб: “Сизга алоҳида вилоят соғлиқни сақлаш бўлимингизга йўлланма жўнатамиз. Сентябрь ойида ўқишга келасиз”,–деди.

Дарҳақиқат, 1967 йил август ойи ўрталарида менинг номимга бошқармага йўлланма келибди. Улар вилоят шифохонасига йўллангани жўнатишибди. Бош врачимиз И.А.Алимов мени чақириб: “Сенинг номингга ЭКГдан йўлланма келибди, менда ортиқча ставка йўқ, сен ўқиб келсанг, ставка беролмайман”,–деди.

Мен унга: “Менга ставка керак эмас”,–деб мен ўзим учун ўқишга интиланганимни айтдим. У рухсат берди.

Мен Тошкентда 1967 йил ЭКГдан сентябрь, октябрь ойларида, икки ой малака оширдим. Малака ошириш жараёнида ҳар куни уйга биттадан ЭКГни таҳлил қилишга берарди. Мен бизга дарс берган доцентимиздан 10та ЭКГ сўрардим. Шуларни таҳлил қилиб келардим. Камчиликларимни билиб олардим. Шу тариқа доцентлар мени ҳурмат қилиша бошлашди. Мен яхши баҳолана бордим. Имтиҳонда билетни олиб, тайёрланмай оғзаки “5” баҳога топшириб, гувоҳномамни олиб қайтдим.

Ишимга келгач, менга вилоят консултатив поликлиникасидан 0,25 ставка ЭКГни таҳлил қилишни беришди. Икки-уч ой ишлаганимдан сўнг (терапия бўлимида ва ЭКГ бўйича) Н.И.Банишевская ЭКГларни нотўғри таҳлил қилаётганлигини сездим ва унга хатоларини айтиб, бу борадаги керакли адабиётларни кўрсатдим. У аввал хатоларини тан олмади, кейинчалик хато қилаётганини тан олди. “Хатоларимни тўғрилайман, менинг малака оширганимга анча бўлди”,–деб ўзини оқлади. Ҳалиги бир ойда ўқиганларга ҳам шу тариқа ўргатган, демак уларнинг ҳам таҳлиллари айрим ҳолатларда нотўғри.

Вақти келиб мени яна Марҳаматга жўнатишди. Яна ўша бўлимга кириб, суҳбатдан сўнг опага “менга кўрсатадиган беморлар борми?”, деб сўрадим. У яна мени менсимай олдимга 2-3та касаллик тарихини қўйиб, “ўзингиз палатага кириб, хоҳлаганингизни кўриб чиқинг”,– деди. Мен касаллик тарихидаги ЭКГ таҳлилларини кўриб, Н.И.Банишевская қилаётган хатоларни бу ерда ҳам учратдим. Мен бу хатоларни ёзиб, бу касаллик тарихлари бўйича ўз фикрларимни айтдим. Унга: “Сиз ЭКГни нотўғри таҳлил қилганингиз учун таҳлил қилиш ставкасидан сизни озод қиламиз. Сиз ЭКГдан қайта малака оширишингиз керак”,– дедим. У котиб қолди.

Кўрдингизми манманлик оқибатини?!

Орадан икки ой ўтгач, Н.И.Банишевская автохалокатга учраб, оёқлари гипсланди. Бош врач И.А.Алимов мени чақиртириб: “Н.И.Банишевская ўрнига вилоят шифохонаси бўйича ЭКГларни таҳлил қиласиз ва ЭКГ кабинети фаолиятини бошқарасиз”,–деб менга 0,5 ставка кўшиб берди.

Бир ой ишлаганимдан сўнг бу ерда ишлаётган бир хамшира ЭКГни таҳлил учун менга берди. ЭКГ нотўғри ёпиштирилган эди. Мен уни аниқладим. Ундан ЭКГни қайта олишини сўрасам, унамади. Мен ўзим бемордан ЭКГни қайта олдим. ЭКГ бошқача чиқди. Буни хамширага кўрсатдим. Агар иккинчи сафар бундай ходиса такрорланса, уни ишдан кетиши бўйича огоҳлантирдим.

Орадан 10-15 кун ўтгач, у яна ЭКГни нотўғри ёпиштириб берди. Уни ҳам исботлаб бердим ва бош врач уни ишдан бўшатди.

Ҳаётда мана шундай хамширалар ҳам бор экан!

Инсоннинг билими ошган сари камтар бўлиб бориши керак, деган донолар. Кибр, хасадгўйлик инсонни бир кунмас бир кун обрўсини кетказди. Шу пайтда вилоятдаги газетада менга бағишлаб мақола чиқди. Унда: “О. Салоҳиддинов эрталаб 7³⁰да ишга келиб, беморлардан хабар олади, беморлар олдига кунига 3-4 марталаб кириб, улар ҳолидан хабар олади”, деган мазмундаги иборалар ёзилган эди. Демак, халқ сизнинг чин дилдан қилган хизматларингизни биларкан.

Шу ўринда беморларга меҳрибонлик билан қараганликнинг ижобий томони тариқасида бир воқеани ёзишни лозим деб билдим.

Пойтуғда туман шифохонасида ишлаб юрган чоғимда бир бемор аёл Маданият деган қишлоқдан келди. У 5-6 йилдан буён жигар циррози бўйича даволаниб тураркан. Вақти-вақти билан қорнида тўпланган сувни жаррохлар олиб турар экан. Уни менинг палатамга ётқизишди. Уни 15 кун даволадим. Қорнидаги суви озгина қолди. Шунда унинг эри келиб “мен ёш болаларим билан қийналдим, унга жавоб беринг”,–деди. Мен аёлга: “Яна уч кун турунг, қорнингиздаги сув охиригача йўқолади”,–дедим. У

“Қорнимдаги сув бунчалик камаймаган эди, сиз яхши даволадингиз, мени шифохонадан тезда чиқаришиб юборишарди, сиз “яна уч кун туринг”, деяпсиз. Сизга раҳмат, умрингиз узок, ризкингиз улуғ бўлсин, болаларингизнинг орзу-ҳавасини кўринг! Менга жавоб бермасангиз бўлмайди, эрим қийналиб қолибди”,– деди. Унинг қўлига ичадиган дориларини ёзиб бериб, хайрлашдик.

Орадан 17 йил ўтди. Мен вилоят шифохонасида ишлаб юрган пайтларим. Унда мен кафедрада доцент эдим. Бир тўн қийиб олган одам мени истаб келди. У: “Сиз Пойтуғ туман шифохонасида ишлаганмисиз?”–деди. Мен “ха” деб жавоб бердим. У мени шаҳардаги иккита шифохонага истаб борганини, охири шу шифохонага келганини айтди. У: “Хотиним ҳозир оғир аҳволда уйда ётибди. Қишлоқ шифокоримиз уни кўриб, “хотинингизнинг икки кунлик умри қолибди” деди. Дарҳақиқат, аҳволи жуда оғир. Қорнига жуда кўп сув тўпланган. Нафас олиши қийин бўлаяпти. Уни бир кўриб кўйсангиз”,–деди.

Унинг машинаси ҳам йўқ экан. Мен у билан машинада Маданият қишлоғи томон йўл олдим. Йўл олис эди. У йўлда: “Хотиним районда сизда даволанган экан. Мен сизни танимабман. Сиз ўша пайтда унинг қорнидаги сувни бутунлай йўқотаман, яна уч кун қолинг, деган экансиз. Ўша докторни топинг, мен минглаб докторларда даволандим, ҳаммаси менинг камбағаллигим учун шифохонадан тезда чиқариб юборишга шошилишарди. Бу доктор ёш бўлсада, яна уч кун туринг, қорнингиздаги сув бутунлай йўқолади, деган эди. Шу докторни топинг, бу менинг сизга охириги илтимосим. Мен шу врачни бир кўриб ўлсам, розиман, деди”,–деб айтди.

Унинг уйига етиб бордик. Одамлар, аёллар кўп. Мен бемор ётган хонага кирдим. Ҳамма аёллар беморни ўраб олишибди. Мени кўриб тарқалишди. Мен уни кўриб, 17 йил ўтган бўлсада, танидим. Ўша жигар циррози билан даволаган беморим. У ҳам мени таниди. “Бу доктор ўша, энди ўлсам розиман”,–деди. Ҳамма йиғлади. Уни обдон кўриб бўлгач, “сиз ўлмайсиз, сизни мен даволайман”,–дедим.

Унда умид учқунлари пайдо бўлганини сездим. Чунки жигар циррозини декомпенсация даври 25 йил давом этиши кам ҳолларда учрарди. Бу жигар циррози эмас, деган хулосага келдим.

Эртаси эрталаб уни оғир аҳволда вилоят шифохонасига мен тайёрлаб қўйган койкага ётқиздик, ёнида синглиси қараб турадиган бўлди. Мен муолажаларни бошладим. Мен беморда катталашган лимфа тугунларини жигарга кирадиган томирини эзиб, қоринда сув ҳосил қиляпти, деган хулосага келиб, туберкулёз диспансеридаги профессоримиз Али Болтабоев хузурига бориб, аҳволни тушунтирдим. У Асака тумани йўлида жойлашган. “Тубдиспансер бош врачини ҳам топиб кел, бирга кўрамиз”,–деди. Кўрдингизми, у пайтлари шифокорлар бемор саломатлиги учун бир-бирлари билан бамаслаҳат иш кўрардилар.

Мен у ерга бориб уни топиб, олиб келдим ва профессор билан бирга уччаламиз беморни кўрдик. Улар менинг ташхисимга қўшилишди. Унга битта туберкулёзга қарши ишлатиладиган “Фтивазид” дорисини қилинаётган муолажаларга қўшдик. Аёл даволана бошлади. 25 кун деганда аҳволи яхшиланиб, қорнидаги сув камайиб, хансирашлар йўқолди. Бемор бемалол юрадиган бўлди. Ўша пайтда унинг қизи қишлоғидаги ўрта мактабнинг 10-синфини битирибди. “У ҳам сизга ўхшаган доктор бўламан, деб тиббиёт институтимизга ўқишга кирди”,–деди. 7 йил ўқиди. Қиз институтни битиргандан сўнггина ўша аёл вафот этди.

Кўрдингизми?! Даволанишга илинж, врачга ихлос қилиш, икки оғиз ширин сўз (3 кун туринг, қорнингиздаги сув бутунлай йўқолади) беморга яна 7 йил умр берди.

Бу воқеани мен талабаларга ўқиган маърузаларимда, амалий дарсларда талабаларимга айтиб бераман, зеро улар инсон кўнгли гулдек нозиклигини билиб қўйишсин, сезишсин.

1968 йил август ойи. Мени Турсунов Сайфиддин Юнусович (институтимизни 1962 йилда битирган, яқинда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган, ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси ассистенти) истаётганини айтишди. У билан учрашдим.

У: “Институтда педиатрия факультети талабалари учун ички касалликлар курси очилляпти. Унга мени мудир этиб тайинлашди. Ҳозирча штат бўйича иккита ассистент ўрни ажратилди, битта ассистент аёлни олдим. Иккинчисига Пойтуғдаги врачлар сизни тавсия этишди, шу курсга ўтинг”,–деди.

Мен С.Ю.Турсуновнинг онасини Пойтуғда бронхиал астма касаллиги бўйича даволаган эдим. У аёл менга жуда ихлос қўйган эди.

Мен С.Ю.Турсуновга “бу курсга ўтмайман, вилоят шифохонасида ишим яхши, ўрганиб қолдим”, дедим. У хафа бўлди. Госпитал терапия кафедрасида ассистент бўлиб ишлаган Нозим Валиевич Солибоев ва госпитал жаррохлик кафедраси ассистенти Григорян Николай Ашатовичлар менга: “Нега кафедрага ўтмаяпсан, у ерда ўсасан, илминг ошади, қаршилиқ қилма, ўтасан”,–деб мени мажбур қилишди. Вилоят шифохонаси бош врачлари мени яхши ишлаётганимни айтиб, менга жавоб бермади. Шунда С.Ю.Турсунов унинг олдига кириб, “бу ректор Ю.О.Отабековнинг илтимоси, уни менга ассистентликка берасиз”,–деб туриб олди. И.А.Алимов наилож рози бўлди.

Мен 1968 йил август ойида институтга ассистент лавозимига ўтдим. Курсимиз Андижон туманининг Ёрбоши қишлоғида жойлашган туман шифохонасида эди. У ерда иккита ассистент ва С.Ю.Турсунов ўқиш учун хоналар, дарс ўтиш учун эса плакатлар тайёрладик. Қисқа муддат ичида педиатрия факультетининг 3-курсини қабул қилишга тайёр бўлдик.

ПЕДАГОГЛИК ФАОЛИЯТИМ

Ёрбоши шифохонасида тўрт йил ишладик. У ерда педиатрия факультетининг 3-6-курсларига дарс ўта бошладик. Ассистентлар сони ошди, шу жумладан 3-6-курсларга маъруза ўқиш керак. С.Ю.Турсуновнинг ўзи улгураолмасди. У менга маъруза ўқишни буюрди. Мен вилоят шифохонасида ишлаб юрган пайтларимда педагогика институтида 1-2-курс талаба қизларига тиббий

педагогикадан (анатомия, физиология) маърузаларни бир йил ўқиган эдим, шу кўл келди. У ерда гоҳ 3-курсга, гоҳ 4-курс, гоҳ 5-, гоҳида эса 6-курсларга маъруза ўқиб юрдик.

Мен кафедрада ўқув ишлари бўйича масъул эдим. Имтиҳонларни С.Ю.Турсунов ва мен олардик. Биз талабаларни каттиққўллик билан ўқитардик, интизомга каттиқ эътибор қилардик, буни талабалар ҳам яхши билардилар.

Шу ўринда бир-икки воқеани баён қилмоқчиман:

1969 йилда 3-курсда ўқийдиган хоразмлик бир қиз (Санамжон) имтиҳонда “2” баҳо олди. Кейин иккинчи марта топшириб яна “2” баҳо олди. Иккала имтиҳонни ҳам С.Ю.Турсуновга топширган эди. Энди қайта топшириш йўқ эди. Лекин қизнинг отаси Хоразм вилояти бўйича Москвада нашр қилинадиган “Правда” газетасининг Хоразм вилоятидаги вакили бўлиб, унинг обрўси катта бўлган экан. Бу одам Соғлиқни Сақлаш Вазирига учраб, истисно тариқасида қизига учинчи бор имтиҳон топширишга рұхсат беришларини илтимос қилибди. Вазир институтимиз ректори Ю.О.Отабековга қўнғироқ қилиб, қайта имтиҳон олинишини тайинлабди. Ректор С.Ю.Турсуновни чақириб, воқеани тушунтирибди. У: “Мен имтиҳонни олмайман, имтиҳон оладиган бошқа одамни тайинланг”, –дебди. Ректор экзаменатор қилиб мени, аъзолари қилиб 3-курс бўйича декан ўринбосари доцент Т.Р.Абдурахмоновни, комсомол қўмитаси котибини, шу гуруҳ сардорини буйруқ билан тайинлабди.

Қизнинг отаси менинг олдимга келиб, “Агар қизимга “2” баҳо қўйсанг, сени “Правда” газетасига чиқараман”, –деган гапни айтди.

Имтиҳон бошланди. Билетдаги 4 та саволнинг биттасини ҳам билмади. Мен декан ўринбосари, комсомол қўмитаси котиби ва гуруҳ сардорига “талабага биттадан савол беринглар”, дедим. Уларнинг саволларига ҳам қиз ўзини йўқотиб қўйиб, жавоб бера олмади.

Мен унга “2” баҳо қўйдим. Ташқарига чиқсам отаси дўқ қилиб, мени расмга туширди, жаҳл билан хонадан чиқиб кетди. Лекин

вақтлар ўтсада, менинг расмим ҳеч қаерда чиқмади. Қиз курсада қолди. Келаси йили бу қиз-менинг гуруҳимда ўқиди ва имтиҳонни “4” баҳога топширди. Мен вазият оғир бўлса ҳам, виждонимга қарши бормай, “2” баҳо қўйганман.

Иккинчи воқеа: 1970 йилда бир йигит имтиҳондан “2” баҳо олди. Иккинчи топширишда ҳам у “2” олди. Мени ректор хонасига чақиртиришди. У ерга кирсам вилоят ҳокимлигининг идеология секретари ўринбосари – аёл ўтирибди. У ректорга қараб, “Менинг О.Салоҳиддиновда ишим бор, бизни ёлғиз қолдириш”,–деди. Ректор хонадан чиқиб кетди. У аёл: “Сизга қайта имтиҳон топширадиган боланинг отаси бизнинг мактабимиз директори бўлган. Улар мандан илтимос қилди. Уни имтиҳондан ўтказиб юборинг”,–деди. Мен: “У билса, албатта, имтиҳондан ўтади”,–дедим.

Имтиҳон бошланди. Унга ҳам билмагани учун “2” баҳо қўйдим. Чунки биз отамдан адолатли, одил бўлишлик таълимни олганмиз.

Кейинчалик мени ректор Р.М.Нурмухаммедов “даволаш факультети декани бўласан”, деб уч киши номзодини, менинг фамилиямни биринчи ёзиб, ҳокимиятга юборди (аввал шунақа қонда бор эди).

Ҳокимиятдан фамилиям биринчи ўринда турсада, ўчирилибди. Мен ўтмадим. Ректор хайрон. Орадан икки ой ўтиб педиатрия факультети деканлигига ҳам менинг номзодимни биринчи ёзиб яна ҳокимиятга чиқаришди. Менинг фамилиям яна ўчирилибди. Ректор: “Нимага сенинг фамилиянг ўчириляпти? Институт маъмурияти сени танлаган бўлсак”,–деди. Мен: “Билмадим, лойик эмасдирман, мен деканат ишини ёқтирмайман, яхши бўлибди”,–дедим.

Кейинчалик мандан талабани имтиҳондан ўтказиб юборишимни илтимос қилган ҳокимиятдаги идеология секретари ўринбосари бўлган аёл бизнинг кардиология бўлимимизга ревматизм касаллигининг асорати, юрак касаллиги бўйича оғир ҳолатда даволанди. Даво чоралари самарасиз кетарди. Тошкентдан

мутахассислар чақиртиришди. Лекин касаллик чекинмади. Аҳвол оғирлаша бошлади. Шунда ўша аёл мени олдига чақириб: “Мен яхши бўлмайман, шекилли. Сизга бир гапни айтишни лозим топдим. Сизни декан лавозимига тақдим этишганда икки маротаба сизнинг фамилиянгизни, менинг илтимосимни қабул қилмаганингиз учун, мен ўчириб юборгандим, мени кечиринг, мен гуноҳ билан ўлиб кетмай”,–деди. Мен унга: “Минг бора розиман, ўзи декан бўлишга мен қизиққан эмасман, у ректор тавсияси эди, холос”,–деб уни юпатганман.

Мен ўз ишимда ҳеч вақт, ҳар қандай вазиятда ҳам адолатсизликка йўл қўймаганман.

1972 йилда бизнинг кафедрамизни янги қурилган Семашко кўчасидаги бинонинг 3-қаватига кўчиришди. Мен илмий ишни бошлашим керак эди. С.Ю.Турсунов: “Сиз генетикадан илмий иш қилинг”,–деб биология кафедрасига берилган аспирантурага киришимни сўради. Мен кандидатлик имтиҳонларини топширишим керак эди. Мен тарихдан, ўз мутахассислигимдан имтиҳонлардан “5” баҳога ўтдим, лекин хорижий тиллар фанидан “2” олдим. Чунки биз мактабда 9-синфда испан тили, 10-синфда эса латин тилини ўқиганмиз. Мен немис тилидан имтиҳон топширишим керак эди. “2” баҳони олгач, уни бир ҳафтадан кейин қайта топширишимни айтдилар.

Менинг бир жияним тиллар институтининг немис тили факультетида 3-курсда ўқир эди. Ундан ва немис тили ўқитувчисидан битта ҳикояни немис тилида ўқиб, мазмунини айтиб беришни, таржимаи ҳолимни немис тилида айтишни, битта қисқа шеърни немис тилида ёд айтиб беришни ўргандим.

Кейин имтиҳонга келдим. Имтиҳонни профессор И.Г.Мардерштейнга “4” баҳога топширганман. Кўринг, керак бўлса бир ҳафтада мактабда ўқимаган фандан керакли нарсаларни ўрганибман. 1972 йил ноябрь ойида аспирантурага қабул қилиндим. Менга катта ёшли (18 ёш ва ундан юқори) эгизакларда атеросклероз касаллигини келтириб чиқарувчи ёғ алмашинуви ва

конни ивиш ва ивишга қарши кўрсаткичларни ўрганишни устозлар тавсия қилишди. Чунки ўша пайтгача эгизакларда ёғ алмашинувининг айрим кўрсаткичларигина ўрганилган эди, холос. Қоннинг ивиши ва ивишига қарши кўрсаткичлар эгизакларда нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам ўрганилмаган эди. Бу кўрсаткичларни фақат биргаликда ўрганишгина кон-томир касаллиги бўлмиш атеросклероз касаллиги диагностикасида ижобий натижалар берар эди. Бу кўрсаткичларни шаҳримиз миқёсида ўрганилмасди. Шу боис мен бу кўрсаткичларни ўрганиш учун Москвадаги кардиология институтининг лабораториясига бориб ўрганиб, уларни текширишни кафедрамиз лабораториясида йўлга қўйдим.

Бу кўрсаткичларни текширишлар эрталаб бошланса, кеч соат 23⁰⁰ларда тугарди. Начора, бажариш керак. Иккинчи кийин масала, бу катта ёшдаги эгизакларни (18 ёш ва ундан юқори) излаб топиш, уларни текширишга жалб қилиш масаласи эди. Уларнинг иккаласи ҳам тирик бўлишлари керак эди. Чунки таҳлил кўрсаткичларини уларда қиёслаш керак эди. Агар эгизаклар топилса ҳам бири бир шаҳар ёки туманда, иккинчиси бошқа жойда яшарди. Уларни бир жойда текшириш лозим эди. Чунки уларни биргаликда расмини олиш, қон гуруҳларини, резус-факторларини аниқлаш, бармоқ изларини (дактилоскопия) солиштириш, махсус тузилган анкета варақаларини тўлдириш ва ҳоказолар зарур эди. Яна уларнинг ҳар биридан текшириш учун 20 мл қон олиш керак бўларди. Бунга айрим эгизаклар кўнмасди. Ўртача бир жуфт эгизакни текширишга 3-4 кун кетар эди, яна аввал айтганимдек, транспорт масаласи муаммо эди. Бир қўлимда 10 кг дан ортиқ келадиган ЭКГ аппарати (ЭКПС-4), иккинчи қўлимда бармоқ изларини олишда ишлатиладиган асбоб ва бўёқлар, анкета қоғозлари ва ҳоказолар бор катта сумкани кўтариб соатлаб автобус кутардим ва эгизаклар бsr туманга жўнардим. Қорда ҳам, ёмғирда ҳам, жазирама иссиқда ҳам сабр, чидам, қаноат билан бу ишимни ҳеч тўхтатмасдим.

Шу ўринда бир воқеа эсимга тушди:

Избоскан туманининг Лўғимбек қишлоғидаги 2та эгизакни текшириб келишим керак эди. Эслатиб ўтдим, ўша пайтлари машиналар кам. Бизни Лўғимбекда эгизаклар текширишга кутишаётган эди. Мен Избоскандаги шифохонада ишлаганим учун шифохона бош врачидан машинасида мени Лўғимбекка ташлаб қўйишини илтимос қилдим. У машина берди. Шунда эрталаб соат 7³⁰лар чамаси эди. Кун совуқ, қор ёғяпти. Шифохонадан чиқиш эшиги олдига етганимизда қаердандир пайдо бўлган туман бош шифокори Т.Ўролов машинани тўсиб, ундан бизни тушириб юборди. Мен нима қилишни билмай катта кўчага чиқиб турдим. Туманнинг ички ишлар бўлими бошлиғи машинаси олдимга келиб тўхтади ва “нима хизмат”, деб сўради. Чунки мен уни аввал даволаган эдим. Мен вазиятни тушунтирдим. У шаҳарга йиғилишга кетаётган экан. У Т.Ўролов ишидан хафа бўлиб, машинасини шофёрига қараб: “Лўғимбекка ташлаб қўйинг”,–деб тайинлади. Ана олижаноблик! Шундай қийин мураккаб шароитларда эгизакларни 140 жуфтини излаб топдим, улардан 120 жуфтини тўлик текширишдан ўтказдим.

Текшириш натижаларини таҳлил қилиб, диссертация бобларини ёза бошладим. Шунда тўртинчи фарзандим Раънохон туғилган эди. Уни бешикка бўлаганмиз. Қаҳратон киш. Битта уйнинг ўртасига печка қурилган. У кечқурунлари йиғлаб қолганда, онасига ёрдам берай, деб мен ҳам бешик тебратиб диссертация ёзганман. Шу боис бўлса керак, қизим Раънохон шифокорлик касбини танлади. Кўпинча электр чироқлари ўчиб, шамда, керосин лампа ёруғида диссертацияни ёзганман. Шундай бўлсада, бир йилу икки ойда диссертацияни ёзиб тугатдим.

Устозларим Москвадан профессор Б.В.Лебедев, Андижондан доцент С.Ю.Турсунов, М.С.Соатовлар эди. Улар “энди нима қиламиз, ҳеч ким диссертацияни бу қадар тез тугатмаган”, деб менинг ишимни чўзишга ҳаракат қилишди. Мен икки ой С.Ю.Турсунов таклифига кўра Фарғона вилояти туман ва

шаҳарларидаги барча кардиолог врачларни ЭКГдан малакасини оширдим. 10 нафар ҳамширага ЭКГ олиш қондаларини амалий тарзда ўргатдим. Кейин яна бошқа ишларни буюришди. Аспирантуранинг икки йиллик муддати ўтди. “Мен диссертацияни ёқлайман, агар унамасанглар уни йиртиб юбораман”,–дедим. Улар наилож рози бўлишди. Ишимни Москвадаги кардиология институтига топширдим. Менгача у ерда Ўзбекистондан ҳеч ким кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилмаган экан. Улар Андижон шаҳрини умуман билмас эканлар.

Шу ўринда бир воқеани келтириб ўтаман:

Менинг бу номзодлик диссертациямга оппонент қилиб В.И. Метелица (профессор, Собиқ Иттифоқнинг бош эпидемиологи) ва рецензент қилиб АҚШда узоқ тажриба орттирган профессор И.Глазунов тайинландилар. Эшитишимча, бу профессорлар қаттиққўл, билимли, адолатпарвар инсонлар экан. И.Глазуков ҳимоядан аввалги семинарда илмий ишимга ижобий баҳо берди. Оппонент В.И.Метелица менинг диссертациямни олиб қолиб, “эртага соат 12²⁰ га келасиз ва диссертациянгиз бўйича хулосани оласиз”,–деди. Айтилган муддатда унинг олдига кирдим. У менга 22 та савол тайёрлаб қўйибди. Ҳар бир берган саволига жавобимни эшитиб бўлгач, у “диссертациянгиз номини ўзгартиринг”, деди. Мен рози бўлмадим. Унда у “бўлмаса мен сизга салбий тақриз бераман, яхшироқ ўйлаб хулосангизни айтинг ва эртага келинг”, деб менга жавоб берди. Агар тақриз салбий бўлса диссертация ёқланмас эди. Мен аччиқланиб унинг хонасидан чиқиб, устозим доцент С.Ю.Турсуновга қўнғироқ қилиб воқеани тушунтирдим. У ҳам “алмаштиринг”, деди. Мен унамадим. Кейин Москва шаҳридаги устозим профессор Б.В.Лебедевга қўнғироқ қилиб, унга ҳам ҳолатни тушунтирдим. У ҳам “ўзгартиринг бўлмасам”, деди. Мен унамадим. Нима бўлса бўлди, оппонент айтган пайтда унинг олдига кирдим. Агар салбий тақриз берса, диссертациямни йиртиб Андижонга қайтаман, деган хулосага келдим. Шу куни яхши ухлай олмадим.

Эртасига у айтган соатда унинг олдига бордим. У: “Диссертация номини ўзгартирасизми?”—деди. Мен: “Ўзгартириш мумкин эмас, мен тўғри ном топганман, жавобим қатъий”,—дедим. У ёзиб қўйган тақризини менинг қўлимга тутқазди ва “кетаверинг бўлмаса”, деди. Тақризни олиб эшик олдига келганимда “тўхтаг, тақризни менинг олдимда бир ўқиб кўринг, саволингиз бўлса берарсиз”, деди. Мен тақризни ўқидим. У ижобий тақриз эди. Камчиликлар деярли йўқ эди. Мен ҳайрон бўлдим. У: “Мен сизнинг билимингизни текшириб кўрмоқчи эдим. Сиз диссертация ёклагани бу катта даргоҳга перифериядан келгансиз”, деган. **Кўрдингизми ирода, билимни синашини?!**

1975 йилнинг 21 мартада ҳимоя куни белгиланди. Унда бизнинг институтдан Москвага малака оширгани келган профессор, ўқитувчилар ҳамда Москва шаҳрида бизнинг институтдан келиб аспирантурада ўқиётган 21 нафар киши ташриф буюришди. Диссертация ўтказиладиган жой одамлар билан тўла эди. Ҳимоя вақтида менга мавзуим бўйича 21 та савол беришди.

Шу ерда яна бир воқеани сўзлай: мен диссертацияга мавзуни танлаб Москвадаги кардиология институтидан И.А.Рывкин деган генетикадан хабари бор профессор олдига келдим ва унга менга раҳбар бўлинг деб, илтимос қилдим. У: “Йўқ, эгизакларда ёғ алмашинувини Гурузия шаҳрилик бир шогирдим ўрганаяпти”,—деди. Мен: “Қонни ивиш ва ивишига қарши кўрсаткичларни ҳам ёғ алмашинуви кўрсаткичлари билан бирга ўрганмоқчиман”, десам ҳам у рози бўлмади. Шунда мен профессор Б.В.Лебедевни бу кандидатли диссертациямга раҳбар қилиб олганман. И.А.Рывкин мен кандидатлик диссертациямни ёклаётган институтда Илмий Кенгаш аъзоси эди. Мен бу ишимни тез бажарганимни айтиб ўтдим. Унинг шогирди Грузиядаги қиздан аввал диссертация ёклаётгандим. Яна бу диссертантнинг қилаётган ишларидан ҳам хабардор эдим.

Мен 1975 йилда Москвадаги кардиология институтининг Илмий Кенгашида диссертациям бўйича маъруза қилганимдан

сўнг, И.А.Рывкин менга учта савол берди. Менинг жавобим уни кониктирмади. Сўнг у минбарга чикиб: “Сизлар диссертацияни мақтаяписизлар, мен бочкадаги асалга бир қошиқ қора мой соламан, натижада асал қора мойга айланади”,–деб диссертация бўйича камчиликларни баён қилди. Мен бамайлихотир унинг эътирозларини эшитиб, у нотўғри таҳлил қилаётганини, мен тўғри хулосаларни олиб чиқаётганлигимни асослаб бердим. Шунда битта профессор аёл чикиб: “Диссертант жуда тўғри жавоб берди, сиз ноҳақсиз”,–деди. Ундан сўнг яна иккита профессор ҳам сўз олишиб, менинг ҳақлигимни унга тушунтиришди. У рози бўлмади. Шунда 14 та Илмий Кенгаш аъзолари, “сиз залдан чикиб кетинг, диссертант ҳақ, сиз ноҳақсиз”, деб уни залдан чиқариб юборишди. **Ана ҳақиқат, адолатлилик!** Мен 100 фоиз овоз билан диссертация ёкладим. У ҳам чиқиб кетаётиб, наилож, ижобий баҳо бериб чиқиб кетган экан. Орадан уч йил ўтиб у эгизаклар тўғрисида битта рисола чиқарибди ва унинг бир донасини менга бериб юборибди. Унда мен бажарган ишни фанда катта янгилик деб баҳо берибди. **Демак, у виждон азобидан қутулмоқчи бўлибди, шекилли.**

Шундай қилиб мен икки йилу тўрт ойда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилдим. Менинг институтимиздаги меҳнат дафтарчамда “О.Салоҳиддинову отчислить с аспирантуры в связи досрочным завершением кандидатской диссертации” деган ёзув бор. Буйруқ чиқарган кадрлар бўлими мудирини сал саводсиз шекилли, бошқа ибораларни тополмаган.

Номзодлик диссертация бажариш жараёнида мен жуда қийналганман. Отамнинг “Сабрли бўлинг, бир ишни бошладингизми, уни охирига етказинг”, деган сўзларига амал қилдим.

“Энди мен докторлик диссертациясини ҳимоя қилмайман”, деб 5-6 йил юрдим.

1982 йилга келиб устозим С.Ю.Турсунов: “Сиз илмий ишни давом эттиришингиз шарт, сиздан кейин номзодлик

диссертациясини ёклаганлар докторлик диссертациясини бошлаб юборишди”,–деди. Мен ўйланиб қолдим.

Мен яна Москвадаги шу институтдан профессор А.Н.Бритов деган гипертония бўйича лаборатория раҳбарини ва С.Ю.Турсуновни ўзимга консультантликка олиб “Қишлоқ шароитида (ҚВП, фельдшер пунктларида) артериал гипертониянинг тарқоқ аҳоли ўртасида тарқалиши, уни даволаш ва профилактикасини ташкил қилиш” мавзусида докторлик диссертацияси бўйича иш бошладим.

Менгача Собиқ Иттифок республикаларида ҳеч ким қишлоқ аҳолиси ўртасида бундай катта ишни амалга оширмаган эди. Қўпчилик осонроқ, завод ва фабрикалардаги уюшган аҳолини текшириб, диссертациялар ёклаётган пайтлар эди. Менга яна оғир иш тушди. Мен районма-район юриб, 1986 йил охиригача ишнинг 60 фоизини қилиб бўлиб, икки йиллик доктарантурага 1987 йилда кирдим. Туну кун ишладим. Қишлоқларни кездим. Аниқланган беморларни (400 га яқин) уч йил давомида даволадим. 40 000 дан ортиқ аҳолини текширдим. Бу айтишгагина осон, уни бажариш машаққатлари фақат ўзимга аён. Бу ишим Собиқ Иттифокда биринчи бор қишлоқ аҳолиси орасида кенг ўрганилаётганлиги сабабли бизнинг тажрибаларимизни ўрганиш учун уч марта Собиқ Иттифок миқёсидаги кардиологларнинг катта анжуманлари Андижонда ўтди. Улар мен иш олиб борган Шаҳрихон ва Хўжабод туманларига бўлишиб, мен олиб борган ишлар билан бир неча бор танишишди ва уларни ижобий баҳолашди. Улар бу ишлар билан танишиш асносида “Қишлоқ шароитида тарқоқ аҳоли ўртасида артериал гипертонияга қарши кураш” дастурини ишлаб чиқдилар ва унга “Андижон дастури” деб ном беришди. Бу дастурни Собиқ Иттифокнинг барча республикаларига тарқатишди.

Мен ўзим бу ишлар бўйича битта монография ёзиб, республикамиз тиббиёт муассасаларига тарқатдим. Мана, неча йилдирки, артериал гипертония касаллигига дучор бўлган беморлар шу дастур асосида даво олмоқдалар.

Бу ишлар натижасида 1989 йилда докторлик диссертациясини химоя қилдим. Лекин диссертациям ҳали химоя қилган институтдан олиниб, олий аттестация ҳайъатига (ОАХ) келиб тушмай, у ерга аноним хат келибди. Мендан кейин химоя қилган педагогларнинг диссертация тасдиғи келсада, менга келмади.

Мен тушкунликка тушмадим, ота-онам насиҳатларига амал қилиб, сабр қилдим.

Шу ўринда газетада ўқиган бир воқеа эсимга тушди. У куйидагича эди: Нуфузли бир идорада ишлайдиган бир инсон ҳаётни жўшқинлик билан севаркан. Ҳар куни бажарган яхши ишларини ён дафтарга ёзиб борар ва ҳар тонгда туриб шукрона келтиришни ҳам канда қилмас экан. Баъзида иши кўпайган пайтлари бу одат эсидан чиқадиган бўлиб қолибди. Уни доимо ёдда сақлаш учун костюмининг чўнтагига тош солиб қўйишга одатланибди. Шундан сўнг ҳар чўнтагига кўлини солганида бармоқлари шу тошга урилар ва у шукрона келтириб кўяр экан.

Бир куни, чет элдан келган дўстини шаҳар айлантририб юрганида, шу тошлар беҳосдан ерга тушиб кетибди. Дўсти: “Бу нима?”–деб сўраган экан, у: “Нажот тошлари”,–дея ҳазиллашибди. У дўсти маълум вақт ўтгач ўз юртига жўнаб кетибди.

Орадан олти ой ўтгач, дўсти унинг электрон почтасига хат ёзибди. Хатда “дўстим ўғлим бедаво дардга йўлиқди, докторлар нажот йўқ, дейишяпти. Илтимос, ўша нажоткор тошларингни юбор”, дейилибди. Хатни ўқиб, у ўйланиб қолибди. Ахир унинг чўнтагидаги тошлар оддий тошларку! Лекин буни дўстига қандай айтади? Бергиси келмаганидан шундай деяпти, деб ўйласа-чи? Охири ўйлай-ўйлай, дўстига тош юборишга қарор қилибди ва дарёдан тўртта оддий тош олиб, дўстига жўнатибди.

Орадан уч ой вақт ўтгач, ўша дўстидан хат келибди. Хат “Дўстим, ўғлим тузалиб кетди, нажот тошларинг учун сенга катта раҳмат. Ҳозир сенинг нажот тошларинг оиламизнинг энг яқин ҳамроҳига айланган”, деган мазмунда экан. Кўрдингизми, ишонч инсонга қанчалик катта куч беради?! Биз бахтли бўлишимизга,

яхши кунлар келишига қанчалик ишонсак, ички имкониятларимиз шунчалик кенгайarkan. Ичимизда жуда катта илохий қудрат яширинган экан. Фақат биз уни юзага чиқаришни билишимиз керак экан.

Менда ҳам худди шундай бўлди. Мен ОАХга бормадим, тасдиқ албатта келади, деб ишондим. Ҳимоядан беш ойга яқин вақт ўтгач, ОАХдан диссертациянинг тасдиғи тўғрисида хат келди. ОАХга бориб, олий аттестация ҳайъати йигилиш баённомаси билан танишдим. Унда ёзилишича, ОАХ раиси “нега бу диссертацияни кўриб чиқмадинглар”, деб сўраса, ОАХ аъзолари бу борада аноним хат ёзилгани, уни ёзган шахсни тасдиқловчи имзо йўқлигини, уни тасдиқлаб берилишини сўраб институтга мурожаат қилишганда, икки сафар ҳам жавоб бўлмаганлигини айтишибди. Шунда ОАХ раиси “вақт ўтяпти, диссертацияни кўриб, баҳо бериб чиқинглар”, дебди. ОАХ аъзолари диссертацияни муҳокама қилишиб, бу ишнинг долзарблигини, бу иш Собиқ Иттифоқда биринчи бор бажарилганини, яъни калдирғоч диссертация эканлигини инобатга олиб, 100 фоиз овоз билан ижобий тасдиқлашибди.

Аноним хат ёзганларнинг нияти амалга ошмади. Мен иш жараёнимда аноним хат ёзганларни билдим. Лекин уларга буни билдирмадим. Кейинчалик улар институтдан маълум сабабларга кўра ишдан кетдилар.

Яна мен институтнинг назорат инспекцияси бошлиғи, проректор лавозимида ишлаганимда (1997-2007 йиллар) ректор номига 50 тадан ортиқ, менинг номимга эса 4та аноним хат тушган. Қатор текширишлар ўтказилган, асаббузарликлар бўлган. Лекин бирорта аноним хатда кўрсатилган айблар ўз тасдиғини топмаган. Тухматчилар ушланган ва жазосини олишган.

“Ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди” деган ибора шундай ҳолларда айтилган эканда! Инсон ҳаёти ҳамма вақт ҳам биз ўйлагандек текис кетмас экан. Инсонлар орасида бировнинг ютуғига ҳавас билан эмас, ҳасад билан қарайдиганлар ҳам учрар экан. Барибир уларнинг бир куни миси чиқаркан.

- Аллоҳ инсонга дунё, амал бериб уни синовдан ўтказаркан, қилган амалларини кузатаркан. Агар у ҳаддидан ошса, дилозор бўлса, ўз бурчи ва масъулиятини унутса, шунга яраша жавобини оларкан. Уни вақти келиб кўраркан: иши ўнгидан келмас экан, фарзандлари бемехр бўларкан, уйдан барака қочаркан, омади чопмас экан, ҳар ишида ишқал чиқаверар экан. Бунақаларни ҳаётим давомида кўп бора учратдим. Инсон қувончли ва ташвишли кунларга ҳам бирдек шукрона қилиб яшашга ўрганиши керак экан. Шукроналикда катта ҳикмат ва барака, ҳамжихатлик ва ҳамкорлик бор экан.

Институтдаги педагогик фаолиятимда 1968 йилдан буён 3-6-курсларга, клиник ординаторларга, врачларга маърузаларни қанда қилмай ўқиб келдим. Менга бириктирилган гуруҳларда, ҳатто проректор бўлиб ишлаганимда ҳам амалий дарс соатларини тўлиқ бажардим, режа асосида бўлимдаги беморларни кўриб бордим. Бўлим ва клиника миқёсидаги семинарларда маърузалар қилдим. Вазирлар Маҳкамаси буйруғига асосан 1999 йилда Тошкент тиббиёт академиясининг ва Самарқанд давлат тиббиёт институтининг давлат аттестациясида аттестация аъзоси бўлдим. Москва, Куйбишев, Тошкент шаҳарларида ўз вақтида малакамни ошириб бордим. Мен шу вақтгача 3та дарслик, 9 та монография, 200 дан ортиқ ўқув қўлланма ва услубий кўрсатмалар, 40 дан ортиқ рационализаторлик таклифлари, 450 дан ортиқ мақола ва тезислар чоп эттирдим, 6 та номзодлик диссертациясига маслаҳатчилик қилдим, кўп бора диссертацияларга оппонентлик қилдим, тақризлар бердим. Маънавият масалаларига оид 30га яқин рисоалар чоп эттирдим. Бу рисоалардан вилоятимиздаги тиббиёт коллежлари, институтимиз кафедралари ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг малака ошириш курсига Хоразм, Бухоро, Қорақалпоғистон, Самарқанд, Фарғона, Тошкент, Андижон тиббиёт институтларидан келган профессор-ўқитувчилар фойдаланмоқдалар.

Менинг гуруҳимда ўқиган талабалар мени қаттиққўл, талабчан ва адолатли педагог деб хурмат қиладилар. Булар педагог учун катта бахт. Мен ҳеч вақт таъмагир бўлмаганман ва бўлмайман ҳам. Мени икки марта, 1978 ва 1984 йиллари, институтнинг қабул комиссиясига котиб бўлинг, деб ректорлар айтишганди. Мен ҳар икки марта ҳам унамаганман. Шунда улар “ҳамма бу лавозимга интилади, сиз эса бундан қочяпсиз”, дейишган.

Шифокор сифатида устозимиз профессор, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби С.Ю.Турсунов билан биргаликда Фарғона водийсининг тиббиёт муассасаларида фан янгиликларини амалиётга тадбиқ этиб бордик. Москвадаги кардиология институтидан ўрганиб келиб, миокард инфаркт касаллиги билан касалланган беморларни даволашга мўлжалланган жадал даволаш хоналарини водийдаги кўпгина шифохоналарда ташкил қилдик. Устозимиз ташаббуси билан 1976 йилда Наманган вилоятининг “Чортоқ” санаториясида 30 ўринли миокард инфаркт билан хасталанган беморлар учун реабилитация бўлимини очдик. Бир йилда икки ҳафта устозимиз, икки ҳафта мен у ерда реабилитация этаётган беморларга беминнат консултация бериб бордик. Бўлим бошлиғи реабилитация жараёнларини ўрганиб олди. Водий шифокорлари учун кўп марталаб долзарб мавзуларда илмий-амалий анжуманлар ташкил қилиб, ўтказдик. Уларни ўзимиз чоп эттирган касалликларни даволаш ва профилактикаси масалалари ёритилган рисоалар билан таъминладик. Бундай ишлар ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Меҳнатларим ҳукуматимиз томонидан қадрланган. Бир неча бор Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълими Вазирлигининг, Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг, вилоят ҳокимлигининг, вилоят касаба уюшмаларининг, институтимизнинг ФАХРИЙ ЁРЛИҚларини олганман. 2014 йилда “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аъзоси” ва 2017 йилда “Мустақиллик кўкрак нишони” билан тақдирланганман. 2003 йилда турмуш ўртоғим билан муборак Хаж амалларини, 2014 йилда эса

ўғлим Эркинжон билан иккинчи бор Хаж амалларини бажариб келиш насиб этди. Охирги Хаж сафаримиз “Хожи Акбар” йилига тўғри келди. Аллоҳга беадад шукрлар бўлсин! Бу ҳам балки менинг шиорим: “Ҳалоллик, тўғрисўзлик, масъулиятлилик бўлиш” бўлганлиги туфайлимикан, деб ўйлайман.

Ҳозирда институтнинг ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси профессори лавозимида ишляяпман ҳамда институт фахрийлари Кенгаши раиси бўлиб ҳам фаолият олиб бораяпман. Шу эсдаликларни ёзиб тугатаётганимда кўлимга фарғоналик шифокор Раҳматжон ёзган “Шукрона” шеъри тушди. Шеър мазмуни менинг ҳаётимга мос келганлиги учун уни сиз азизларнинг эътиборингизга ҳавола этгим келди.

АЛЛОҲГА ШУКРОНА

Шукрким, етмишдан ўтдим, ишда айёр бўлмадим,
Дўстга дўст бўлдим, валеқ ҳеч кимга ағёр бўлмадим.
Меҳри дарё, қалби пок инсонлар наслиданман,
Кенга кенг бўлдим ҳаётда, ҳеч бағри тор бўлмадим.
Отамиз ибрат бўлишган, меҳру-мурувват бобида,
Шул сабаб ҳиммат чоғинда ҳеч қачон тор бўлмадим.
Шукрким, аҳли дониш, аҳли тафаккур наслимиз,
Тиббиёт фикру-ўйим, илм изладим, хор бўлмадим.
Мен амал изламадим, бўлмадим обрўга ўч,
Паст-баланд йўллардан ўтдим, лекин абгор бўлмадим.
Минг шукр тоқат берилган, қалбимда бардошим етар,
Учраса нопок ғанимлар, дўстидан хор бўлмадим.
Аслимиз камтар бўлишган, кибру ҳаводан биз йироқ,
Шул сабаб мен ҳам димоғдор ва дилозор бўлмадим.
Атрофимда набиралар ўйнашиб парвонадир,
Йигирма бор бўлдим бобо, юраги тор бўлмадим.
Шукрким қодир Аллоҳга, берди неки қилсам тилақ,
Озига қилдим қаноат, кўпга талабгор бўлмадим.
Дўст билан обод уйим, даврамиз доим шинам,
Дўстга минг раҳмат, дея безътибор бўлмадим.

ҒАОЛИЯТИМДАГИ АЙРИМ МУҲИМ САНАЛАР

Кафедрада ишлаш билан бир қаторда институтда куйидаги вазифаларда фаолият кўрсатдим:

- 1) 1968-1972 йилларда институт ходимлари касаба уюшмаси аъзоси.
- 2) 1975 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилдим.
- 3) 1976 йилда доцент унвонига эга бўлдим.
- 4) 1976-1982 йилларда институтнинг интернатура бўлимини бошқардим.
- 5) 1980-1986 йилларда даволаш факультетининг партия ташкилоти котиби вазифасида бўлдим.
- 6) 1982-1986 йилларда даволаш факультети пахта штабини бошқардим.
- 7) 1982-1986 йилларда ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси мудир лавозимида фаолият кўрсатдим.
- 8) 1987-1988 йилларда докторантурада таҳсил олдим.
- 9) 1989 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилдим.
- 10) 1991 йилда профессор унвонига эга бўлдим.
- 11) 1990-1997 йилларда педиатрия факультетининг ички касалликлар кафедраси мудир лавозимида ишладим.
- 12) 1994-2004 йилларда кафедрада ишлаш билан бирга институт тиббий Ҳайъати раиси лавозимида хизмат қилдим.
- 13) 1992-1994 йилларда Республика Врачлар Ассоциациясининг вилоят бўлимини бошқардим.
- 14) 1997-2007 йилларда институтнинг ички назорат инспекцияси бошлиғи, проректор лавозимида ишладим.
- 15) 1998-2002 йилларда кафедрада ишлаш билан бир қаторда институтнинг “Тиббиёт гулшани” газетасининг бош муҳаррири лавозимида ишладим.
- 16) 1999-2015 йилларда эксперт-кардиолог вазифасини бажардим.

- 17) 2001-2005 йилларда номзодлик диссертацияси ёқлайдиган ихтисослашган Илмий Кенгаш котиби вазифасини бажардим.
- 18) 2014 йилдан буён институт фахрийлари Кенгаши раиси вазифасини бажараяпман.
- 19) Узок йиллардан буён институт Илмий Кенгаши аъзосиман.

ТУРМУШ ЎРТОҒИМ МУЯССАРХОН ҲАҚИДА

Муяссархон биз билан бир кўчада, яъни Пиллакаш кўчасининг 12-хонадониди таваллуд топган. Унинг отаси ва онаси (Хамиджон ака ва Мунаввархон ая) вилоятимизда биринчи фармацевтлардан эдилар. Улар эски шаҳардаги 2-сон аптекада ишлар эдилар. Муяссархоннинг эгизак: Ҳасан ва Зухра ака ва опалари бўлган. Ҳасанбой ёшлигида автохалокатда вафот этган, Зухрахон эса 1952 йилда вафот этган. Онаси ҳам шу йили вафот этган (фарзанд доғи онани куйдирган). Муяссархоннинг отаси Улуғ Ватан урушида бедарак йўқолган.

Муяссархон хола ва бувиси қарамоғида ўсиб, улгайган. 1960 йилда шаҳардаги 29-ўрта мактабни олтин медалга битириб, шу йили Андижон давлат тиббиёт институти талабаси бўлган. Институтда аъло ва яхши баҳоларга ўқиган. У жуда меҳнатқаш, дўстларига вафодор, уларга эзгулик улашувчи бўлган.

1966 йил 8 май куни бизнинг тўйимиз бўлган. У институтни 1966 йилда битириб, Андижон вилоят тери-таносил касалликлари диспансерига институт йўлланмаси билан келиб, ҳозиргача шу диспансерда фаолият кўрсатади. У ўз фаолияти давомида (1966-1969 йиллар) оддий шифокор, (1969-1979 йиллар) бўлим мудир, (1979-1985 йиллар) институтнинг дермотовенерология кафедраси ассистенти, (1986-2000 йиллар) шу диспансернинг бош врач, (2000-2017 йиллар) бўлим мудир ва нафақада бўлсада, 2017 йилнинг февраль ойидан бошлаб ҳозирги кунгача шу диспансерда врач-ординатор бўлиб ишламоқда.

Жамоа аъзолари унинг ширинсуханлиги, камтарлиги, меҳнатсеварлиги, инсонларга ғамхўрлиги каби фазилатларини катта ҳурмат қилиб, уни эъзозлайдилар. У фан янгиликларини амалиётга вақтида киритиб боради. Уни Республика тери-таносил касалликлари илмий маркази олимлари ҳам катта ҳурмат қиладилар. У Москва, Тошкент шаҳарларида сайёр циклларда ўз малакасини ошириб борди. У олий тонфали шифокордир.

У мен билан бирга юқорида айтганимдек 2003йили Хаж амалларини бажариб келган. Хожи аянинг меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У Президент, Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги, вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшмасининг ФАХРИЙ ЁРЛИҚлари ҳамда “Мустақиллик кўкрак нишони” билан тақдирланган. “Республика ихтисослаштирилгани дермотовенерология маркази”нинг 80 йиллиги муносабати билан таъсис этилган кўкрак нишони билан 2013 йилда тақдирланди.

У кўплаб илмий мақолалар, рационализаторлик таклифлари муаллифидир.

У жамоат ишларида ҳам фаол бўлган. У шаҳар хотин-қизлар кўмитаси аъзоси бўлган. Ҳозирда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг фахрийлар Кенгаши аъзоси.

Муяссархон турмушнинг аччиқ-чучугини мен билан бирга кўтарди. Мен аспирантурада ва докторантурада ўқиган чоғларимда у менга маънавий мадад берди, машаққатларни сабр билан енгди, у ўзининг феъли кенглиги ва жафокашлиги билан тоғдек таянч бўлди. Биз биргаликда уч ўғил ва икки қизни тарбияладик, ўн бешта набирали ва бешта чеварали бўлдик. Ҳозирда ўғил-қизларимизнинг барчаси оилали, фарзандли, турли жабҳаларда эл хизматидалар.

ФАРЗАНДЛАРИМ ҲАҚИДА

Оиламизда уч ўғил ва икки қиз борлигини айтиб ўтдим. Катта ўғлим **Зоквиржон** 1967 йилнинг 30 апрель куни туғилган. У ёшлигида шўх, тиришқоқ бола эди. 9-10-синфда ўқиган чоғлари жисмоний тарбиядан дарс берувчи ўқитувчисининг меҳрини

козониб, ундан ҳар хил гантеллар сўраб, уйга олиб келиб, бир неча кун шуғулланиб, кейин уларни мактабга олиб бориб бериб юрарди. Чиниқиш учун сувда сузишни, турникда тортилишни кўп машқ қиларди.

Мактабни битиргач, Андижондаги енгил саноат ва тўқимачилик институтига ўқишга кирди. Маҳалладош дўстларига ҳарбий комиссариатдан армияда хизмат қилиш учун чақириқ қоғозлари келибди. У бизнинг олдимизга келиб: “Дада, она, нега менга чақириқ қоғози келмаяпти, сизлар мени ҳарбий хизматга жўнатмайсизларми?”—деб сўради. Биз чақириқ қоғозининг нима учун унга келмаётганлигини билмаслигимизни айтдик.

Эртаси куни унинг ўзи ҳарбий комиссариатга бориб, ўзига чақириқ қоғози ёздириб келибди. Шу йили у ҳарбий хизматга “ишчи батальони”га Пятигорск шаҳрига тушди. Унинг баҳонаси билан биз оиламиз билан икки марта у курорт шаҳарда бўлганмиз. Ҳарбий хизматни ўтагач, яна институтда ўқишни давом эттириб, уни тугатди.

Бу касбнинг ҳар хил соҳаларида ишлади. 1998 йилда алоҳида ховлига кўчиб ўтди. Уйланиб, уч фарзандли (икки ўғил ва бир қиз) бўлди. Қизига рафиқам “онам исмини кўямиз”, деб Мунаввархон деб исм кўйди.

Ўғлим Зокиржон ўз кучи билан ҳаётда ўз ўрнини топди, ўртоқлари ўртасида обрў-эътиборга эга. Ўғлим кўнгли пок, кўнгилчан, қўли очик, саҳоватлидир. У укалари, сингилларига меҳрибон, уларни доимо қўллаб-қувватлаб туради. Улар ҳам ўз навбатида у билан маслаҳатлашиб иш кўрадилар.

Ўғлим бизга ҳам жуда меҳрибон, у ҳафтада бир-икки марта уйимизга келиб, икки-уч соатлаб суҳбатлашиб, бизнинг кўнглимизни кўтариб кетади. Бизга доимо моддий ва маънавий кўмак беради. У иккита ўғлини уйлантирди. Ҳозирда унинг набираси бор.

Зокиржоннинг турмуш ўртоғи, менинг синфдош дўстим Ўктамжоннинг қизи, **Моҳидилхон**. У меҳнатсевар, оғир-босиқ аёл.

Учта фарзандни (Жаҳонгирбек, Бекзодбек, Мунаввархон) оқ ювиб, оқ тараб, яхши камол топтиряпти. Келинли, набирали бўлди.

Катта қизим Гулассархон 1969 йилнинг 10 май куни таваллуд топган. У ўрта мактабни тугатиб, тиллар институтининг рус тили факультетига ўқишга кириб, у ерни ҳам тамомлаган.

Зокиржон ўғлимнинг дўсти **Исроилжонга** турмушга узатганмиз. Улар учта (икки ўғил ва бир қиз: Гулшода, Нодирбек, Азизбек) фарзандли бўлишган. Алоҳида ҳовлида яшашади. Қизим озодаликни биринчи навбатдаги шиорига айлантирган. У меҳнатшқаш, оилапарвардир. Ҳозирда қизини турмушга узатиб, иккита набирали бўлишган. Яқинда ўғил Нодирбекни уйлашди.

Ўғлим Эркинжон 1972 йил 11 февралда таваллуд топган. У ўрта мактабни тугатиб, Асакадаги савдо техникумини тугатган. Уйланган. Турмуш ўртоғи **Оқибатхон**, исми жисмига монанд оқибатли келинимиз, у тиббиёт техникумини тугатган. Уларнинг учта ўғил (Шерзодбек, Хамиджон, Салоҳиддин) фарзанди бор. Оқибатхон 2019 йилда умра ҳамда Хаж амалларини бажариб қайтди.

Эркинжоннинг иккинчи ўғлига турмуш ўртоғим “отамнинг исмини қўямиз”, деб унга Хамиджон исмини қўйишган. Мен ҳам “отамнинг исмини қўямиз”, деб Эркинжоннинг кенжа ўғлига Салоҳиддин деб исм қўйганмиз.

Эркинжон мен билан бирга 2014 йил муборак Хаж амалларини бажариб қайтган. Алоҳида ҳовлида яшайди. Биздан ҳар ҳафта хабар олади. Телефонда доим гаплашиб тураммиз.

Қизим Раънохон 1974 йилнинг 10 февралда туғилган. Илмга чанқоқ бўлиб ўсди, мактабда фан олимпиадаларида совринли ўринлар соҳибаси бўлди. Мен ва рафиқам каби у ҳам ўрта мактабни олтин медалга битирди ва Андижон давлат тиббиёт институтининг талабаси бўлди. У институтни ўз кучи билан имтиёзли тугатиб, Асака шаҳридаги туғруқ уйида акушер-гинеколог мутахассислиги бўйича иш бошлади. Унинг қайнонаси ҳам акушер-гинеколог эди. Иккаласи хусусий поликлиника очишди. Қизим лимфотерапияни,

лаборатория текширувларини ва бошқа даволаш усулларини мустақил бажаради, бу бўйича ойлаб малакасини оширган.

Кейин унда ультратовуш текширувига ҳавас уйғонди. Бошқалар бир ой ўқиб, ультратовуш текширувини олиб боришарди, бу бир ой малака ошириш учун оз эди. Шуларни ҳисобга олиб, менинг тавсиямга асосан, қизим олти ой Тошкентда академик А.Фозилов раҳбарлигида ультратовуш диагностикаси бўйича малакасини аъло даражада ошириб келди. Яна малака ошириш даврида шахримизда бу соҳада таниқли бўлган мутахассислардан ҳам маслаҳатлар олиб турди.

Орадан уч йил ўтиб, у яна Тошкентда ўша даргоҳда қайта малакасини оширди. Ҳозирда унинг кўригида беморлар бисёр, арзон нарҳларда беморларга хизмат кўрсатмоқда. “Энг ёш тадбиркор” номинацияси бўйича ҳам тақдирланган.

Унинг турмуш ўртоғи – курсдоши **Абдулбоқи** ҳам теританосил касалликлари мутахассиси, у ҳам олти ой Тошкентдаги ультратовуш текшируви бўйича ўша даргоҳда малака ошириб қайтган.

Уларнинг иккита фарзанди (бир қиз ва бир ўғил: Ҳилолаҳон ва Абдулазиз) бор. Қизи тиббиёт институтининг 5-курс талабаси. У турмушга чиққан, битта фарзанди бор.

Кенжамиз Шокиржон 1976 йил 10 декабрда туғилган. У ўрта мактабни тугатиб, Майлисойдаги институтда таълим олган. Касбнинг ҳар хил соҳаларида фаолият кўрсатди ва ҳозирда фирмага раҳбарлик қилаяпти. Оиласи **Оҳистахон** ақли, меҳнаткаш аёл. Улар тўрт фарзандни (икки ўғил, икки қиз: Муҳаммаджон, Саодатой, Робияхон, Асадуллоҳ) тарбиялашапти. Мен унинг қизларидан бирига онамнинг исмини (Робияхон) қўйганмиз.

Шокиржон муборак Хаж амалларини, умра амалларини бажарган. Ҳозирда оиласи билан тинч яшаб, фарзандларини комил инсон қилиб тарбиялашмоқда.

Мен рафиқам билан барча фарзандларимиздан, уларнинг фаолиятидан хурсандмиз. Уларнинг барчаси бизга меҳрибон.

Ҳозирда бизнинг 5 фарзандимиз, 15 та набирамиз ва 5 та чеварамиз бор. Аллоҳга беадад шукрлар бўлсин!

АЙРИМ МАКТАБДОШ ДЎСТЛАРИМ

Абдуллоҳон Эшонов билан бир маҳаллада ўсганмиз, бир партада ўтирардик, у аълочи ўқувчилардан эди. Мактабни битириб, Самарқанддаги савдо институтини тугатган. Узоқ йиллар шаҳримиздаги “Общепиттрест”ни бошқарган. Дўстимиз интизомли, олижаноб инсон. У ҳам Хаж амалларини бажариб қайтган. Ҳозирда кексалик гаштини суриб юрибди. У билан тез-тез кўришиб турамыз.

Темурмалик Юнусов билан ҳам ҳаммаҳалламиз. Унинг отаси ва онаси шаҳримиздаги театрда фаолият юритишарди. Дўстимиз тиришқоқ, санъатсевар эди. У мактабларда ўтказиладиган маданий тадбирларда фаол бўлган. Мактабни битириб, театр ва рассомчилик институтига ўқишга кириб, уни битирган. У кинорежисёр бўлди, Олий Кенгашга ноиб бўлди.

У “Ўткан кунлар” фильмида Худоёрхон образини ижро этган. Ўзи ҳам бир қанча кинофильмлар яратган. У ҳозирда Тошкентда яшайди. У билан ҳам бир йилда 2-3 марта кўришиб турамыз. У жуда маданиятли, одобли ва хуштабиат инсон.

Муҳаммаджон Каримов. У билан биринчи синфдан бошлаб бирга ўқиганмиз. У мактабни битириб, Намангандаги тиббиёт техникумида ўқиб, уни битирган. Сўнг Андижон давлат тиббиёт институтига кириб ўқиди. Узоқ вақт институтда ассистент, доцент лавозимларида фаолият кўрсатди. Дўстим кичиккўнгил, меҳнаткаш инсон эди. 2017 йилда вафот этди. (Охирати обод бўлсин!)

Ҳалимжон Наеридинов. У амакимнинг ўғли. Мен билан тиббиёт институтига ўқишга кириш учун имтиҳон топширган. 18 балл олган. Лекин институтга қабул қилинмаган. Мен институтнинг 5-курсига етгунимча, у институтга кириш учун имтиҳон топшираверди, лекин омади чопмади.

У касиблар оиласидан бўлгани учун яхши касиб эди. Умрининг охиригача шу касбни улуғлаб яшади. У ориятли, меҳнаткаш, меҳроқибатли инсон эди. У муборак Хаж амалларини бажарган. Унинг беш қиз ва битта ўғли бор эди. Ўзи етиша олмаган касбга ўғли етишди. Ҳозирда ўғли Носиржон Андижон тумани шифохонасининг терапия бўлими мудирин, олий тонфали шифокор. Дўстим Ҳалимжон 2017 йилда вафот этган. (Охирати обод бўлсин!)

ТАЛАБАЛИК ДАВРИДАГИ АЙРИМ ДЎСТЛАРИМ

Маҳмуджон Эсонов. Бу дўстим Ўрта Шаҳрихонлик эди. Институтга киргач, бир гуруҳга тушганмиз. У пайтлари талабалар ётоқхоналари етишмас эди. Кўпчилик ижарада туришарди. Устозларимиз “яхши шифокор бўламан, десангизлар, дарсларга икки-уч киши бўлиб тайёргарлик қилинглари”, деб уқтирардилар. Мен уйга келиб бу ҳақида ота-онамга гапирдим. Улар: “Шаҳрихонлик Маҳмуджон ўртоғингизни бизнинг уйимизда яшаш учун олиб келинг, бирга ўқийсизлар”,–деди. Унгача Маҳмуджон бизнинг уйда бир-икки марта меҳмон бўлган эди.

Бизнинг уйимиз уч хона уй ва бир узун айвондан иборат бўлиб, айвон полсиз эди. Дадам шу айвоннинг бир чеккасидан икки кишилик хона қилиб, стол, стул, кроват қўйиб, печка қуриб берди. 1959 йил сентябрь ойида институтда 15-20 кун ўқиганимиздан сўнг уйимизга Маҳмуджонни олиб келдим. У институтни битиргунча 6-йил бизнинг уйимизда яшади.

Биз ўша пайтда ўртаҳол яшардик. Маҳмуджонлар оиласини акаси боқарди. Ота-онаси кексалик гаштини суришарди. Маҳмуджон ўз одоби, муомаласи билан оиламиз аъзосига айланди. Ота-онам Маҳмуджонни ҳурмат қилиб, “кечки овқатга нима қилайлик?” деб ундан сўрайдиган бўлишди. Унинг кийимларини онам юварди.

1-курсни битириб бўлгандан сўнг оилавий борди-келдилар бошланган. Мен Ўрта Шаҳрихонга кўп бориб келиб, у ердаги маҳаллаларда яшовчи биз тенги ёшларни таниб олганман.

Маҳмуджон 6-курсда ўқиётганда уйланди. Институтни битириб, жарроҳлик касбини эгаллади ва Шаҳрихонда ишлади. Яхшигина жарроҳ эди. Лекин унинг ишчанлик қобилиятини ҳисобга олиб, 2-3 йил ишлагандан кейин туман шифохонаси бош врачлари этиб тайинлашди. Шаҳрихон, Холдевонобек қишлоқларида фаолият кўрсатди. Сўнг Бўз туманида очилган тиббиёт коллежига бир неча йил директор бўлди, сўнг туманлараро болалар сил касаллиги бўйича санаторияда бош врач лавозимида ишлади. Нафақага чиққач, Шаҳрихон шаҳар шифохонасининг статистика бўлимида фаолият кўрсатмоқда.

Биз ҳар куни телефонда гаплашамиз, 1-2 ҳафтада кўришиб турамиз. Бир-биримизнинг, қариндош-уруғимизнинг тўймаърақаларида бирга бўламиз. У менинг энг қадрдон дўстим ҳисобланади. Бунинг ҳамма билади. У рафикаси билан бирга муборак Ҳаж амалларини бажарган.

Эркинбой Арифбоев У чортоқлик дўстим. У билан бир гуруҳда ўқидик. У мактабда яхши ўқиган экан. 1-курсдан бошлаб дарсларга бирга тайёргарлик кўрардик. Институтда аъло баҳоларга ўқиди. 1-курсда ўқиётган чоғларимиздаёқ унинг оиласи билан борди-келди бошланган.

Институтни битиргач, 1-2 йил терапевт бўлиб ишлагандан сўнг, унинг ташаббускорлигини сезган туман раҳбарияти уни туман бош шифокори лавозимига тайинлашди. У бу лавозимда узоқ ишлади. Шу туман шифохонасига қарашли бўлган физиотерапия бўлими биноси ва майдонини хусусийлаштириб, “Эркин” номи санаторияга айлантирди. Чортоқда яна битта санатория пайдо бўлди.

Ҳозирда Эркинбой шу санаторияни бошқармоқда. Туманда обрўси баланд. Дўстим олижаноб, саҳоватпеша, меҳмондўст, мард инсондир. Ҳар ойда у билан албатта гаплашиб турамиз. У ҳам 2016 йилда Ҳаж амалларини бажариб келди.

Бахтиёржон Ниёзматов. У институтимизга “Резерв” оркали кирган. Аввал шунақаси ҳам бўлар эди. Агар 1-курс талабаси

кишки имтиҳонни икки марта топширса-да, ўтмаса, у институтдан ҳайдалиб, унинг ўрнини шу “резерв”дагилар тўлдирарди. У институтда яхши ўқиди.

Институтни битиргач, тез орада Жалақудуқ туман шифохонасига бош врач этиб тайинланди. У ерда бир неча йил ишлади, ўз қобилиятини намоён этди. Сўнг уни кўплаб туман, вилоят ташкилотларига раҳбар қилишди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасини бир неча йил бошқаргач, у Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирининг ўринбосари лавозимида ишлай бошлади. Шу орада у номзодлик, докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди. Республикада катта обрў қозонди. 2016 йилда бевақт ўлим уни ўз домига тортди. Дўстимиз кўпчиликка яхшилик қилиб кетди. Инсонларга эзгулик қилиш унинг шиорларидан бири бўлиб қолган эди. Дўстимизнинг охирати обод бўлсин!

Толибжон Асронкулов. У билан ёнма-ён мактабда ўқиганмиз. У институтда яхши ўқиди. Гурӯҳдоши Қаноатхон билан турмуш қурди. Кўп йиллар турли шифохоналарда бош врач лавозимида ишлади. Биз иккаламиз узоқ йиллар шаҳар шифохонасида, у бош врач, мен кафедра мудири лавозимида ишладик. У билимли, хушчақчақ инсон эди. У 1965 йилда энди ташкил топаётган Улуғнор совхозидан жарроҳлик бўлимини очган ва кўплаб жарроҳлик амалиётларини бажарган. Унгача Улуғнор аҳолиси жарроҳлик амалиёти учун қўшни Бўз туманига борардилар.

Толибжон рафиқаси билан муборак Хаж амалларини бажариб қайтган. У ўта хушчақчақ, пазанда ва меҳмондўст инсон эди. 2017 йилда маълум хасталиқдан сўнг вафот этди. (Охирати обод бўлсин!)

Хамдамжон Шерматов институтни аъло баҳоларга битиргач, патологик физиология кафедрасида ишлаб қолди. У ерда у оддий ассистентликдан кафедра мудири, профессор лавозимига кўтарилди. У бир йил институтнинг маънавий ва маърифий ишлар проректори лавозимида ҳам фаолият кўрсатди. У ўз ишига ўта

масъулиятли, виждонли, ҳалол инсон. Талабаларга жуда яхши маърузалар ўқирди. Талабалардан меҳнат интизомини каттиқ талаб қиларди. У 2016 йилдан буён кексалик гаштини суриб келмоқда.

Шаробиддин Холиқов – марғилонлик дўстим. У институтни битиргач, жарроҳлик касбини эгаллаб, бу соҳада кўп шаҳарларда малакасини оширган. У Фарғона вилоятининг Охунбобоев туманида ошқозон ярасини операция қилишни ташкил этди. Бошқа туманларда бу операцияни камроқ қилишарди. У ўз ишига виждонан ёндашарди. Унга давлатимиз томонидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими унвони берилган. У ўта пазанда, меҳмондўст, олижаноб инсон. Унинг қўлидан шифо топганлар бисёр. У туманда катта обрў-эътиборга эришган. Ҳозир нафақада. У ҳам муборак Хаж амалларини бажарган.

Абдуманноб Сотволдиев – кувалик дўстим. У институтни битиргач, жарроҳлик касбини танлади ва бу бўйича кўплаб беморларга шифо улашди. У Қува тумани бош врачлари лавозимида ҳам хизмат қилди. У мустақиллик йиллари Олий Кенгаш ноиб ҳам бўлди.

Туманда катта обрў-эътиборга эга бўлган. У ўта виждонли, билимли, меҳр-оқибатли инсон эди. 2007 йилда юрак хасталиги туфайли бевакт оламдан ўтди. (Охирати обод бўлсин!)

Марат ака Хожибеков институтда аъло баҳоларга ўқиди. У рентген-радиолог касбини эгаллади. Тошкент тиббиёт академиясида ишлаш жараёнида оддий ассистентликдан кафедра мудири, профессор даражасига кўтарилди.

Бир неча йил Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ўринбосари лавозимида Бахтиёр Ниёзматов билан бирга фаолият кўрсатган. У қайси лавозимда ишлаганини, масъулиятлилиги, адолатлилиги, ҳалоллиги унинг биринчи шiori бўлди. Ҳозирда у кафедра профессори лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Булардан ташқари, Тўхтасин ака Юлдашев (Андижон), Турғунбой ака Исаков (Андижон), Одилжон ака Мирзаев (Шахрихон), Иброҳимжон Хўжаев (Тошкент), Олимжон

Холмирзаев (Наманган), Аюбхон ака Юсупов (Наманган) каби курсдошларим билан фахрланаман. Улар ўз фаолиятларида Гипократ қасамёдига содиқ қолдилар. Узок вақт туман бош врач лавозимларида фаолият кўрсатдилар.

Курсдаги қизларимиздан кўконлик Муяссархон Мирзаева, Махсудахон Обидова, Марғилондан Рўзахон, Фарғонадан Собирахон Ибрагимова, Андижондан Қаноатхон Асронкулова, Донохон Нигматшоева, Турсуной Ниёзматовалар ҳам эл севган шифокор бўлиб, обрў-эътиборда, ўз касбини улуғлаб ишладилар.

МУАЛЛИФ КАСБДОШЛАР ВА ТАЛАБАЛАР НИГОҲИДА

БИРИНЧИ ШОГИРДИМ

Дунёда ҳар қандай ҳунар бўлмасин, албатта унинг устози ва шогирдлари бўлади. Тиббиётда ҳам устоз-шогирд анъаналари, мактаблари мавжуд.

1968 йилда институт ректорати мени педиатрия факультетининг ички касалликлар курси раҳбари лавозимига тайинлашди. Курсга учта штат: курс раҳбари ва иккита ассистент лавозими белгиланди. Битта ассистентни институт ректорати таклиф этди. Иккинчи штатга ассистентликка ўзим номзод топаман, деб мен Одилжон Салоҳиддиновни танладим. Биз уч киши шу курсни очишга тайёрладик.

Кейинги йиллари бизнинг курсда 4-6-курс талабалари ҳам ўқийдиган бўлганлиги туфайли ассистентлар сони ошиб, курс кафедрага айлантирилди. Тўрттала курсда маърузалар ўқилиши керак. Мен ўзим улгуролмасдим. Шунда бу ишга Одилжонни таклиф этдим. У бу ишга масъулият билан қараб, мен билан бирга тўрттала курсга маъруза ўқий бошлаган.

Одилжон Салоҳиддинов кафедрада ўқув-услубий ишларга масъул эди. Институт педагоглари илмий-тадқиқот ишларида ҳам фаол бўлишликларини инобатга олиб, менга қийин бўлсада, унга аспирантурага ўқишга киришни таклиф этдим. Адашмаган эканман, унга топширилган мавзу мураккаб, кўп вақт олишига қарамай, у бир ярим йилдаёқ диссертацияни ёзиб бўлди ва муддатидан илгари Москвадаги кардиология институтида муваффақиятли химоя қилди.

Шу вақтгача бизнинг институтдан ҳеч ким диссертацияни муддатидан аввал ёқламаган. Москвадаги кардиология институтига ҳам бизнинг институтдан ҳеч ким диссертация химоя қилишга бормаган эди. У бу нуфузли институтга институтимизни танитган.

Унинг илмий иши натижалари Москвадаги кардиология ва генетика институти олимлари орасида кенг муҳокамага эга бўлди. У диссертация ёклаган менинг биринчи шогирдимдир.

У 1983 йилдан мен бошқарган кафедрага мудир бўлди ва докторлик ишини бошлади. 1987 йилда докторантурага кириб, 8та педагог ичидан биринчи бўлиб, 1989 йилда докторлик диссертациясини Москва шаҳрида химоя қилди. Унинг докторлик диссертацияси мавзуси ҳам долзарб бўлиб, Собик Иттифокда биринчилардан бўлиб бажарилган иш эди. Уни вилоятимиз туманларида бажарган ишларини Собик Иттифокнинг 23та шаҳарларидан келган кардиолог олимлар ҳам ўрганиб кетишган.

Одилжон кафедрадаги бошқа педагоглардан ўзининг тиниб-тинчимаслиги, мақсадга интилувчанлиги, масъулиятлилиги, гайритабний шижоати, улкан ижтимоий фаолияти, кенг дунёкараши билан ажралиб туради. У ҳар бир ишда ташаббускор, маънавий етук, журъатли олим сифатида институт жамоаси ва халқ орасида обрў-эътибор қозонди. Бундан ташқари, у институт ходимлари ичида жамоат ишларида энг фаол бўлган педагогдир.

Мен шу биринчи шогирдим билан мана, ярим асрки битта кафедрада фаолият кўрсатаёпман. Ҳозирда у кўплаб шогирдларга устоз. У оилапарвар инсон. Унга икки марта муборак Хаж амалларини бажариб келиш насиб этди. Мен шундай шогирдим борлигидан фахрланаман.

С.Ю.Турсунов

*Ўзбекистон Республикаси
фан арбоби, профессор*

УСТОЗ ОТАНГДЕК УЛУҒ

Маълумки, ҳар бир жамоада ўз ортидан кимнидир эргашира оладиган, тўғри йўл кўрсатадиган, инсонлар қалбидан жой оладиган, ҳалол меҳнати билан халқимиз орасида обрў-этибор қозонган, ўз касбининг фидойиси, соф виждонли, адолатли, бағрикенг, эл-юртга айниқса, ёшларга ўрнак бўладиган устозлар бўлади.

Бизнинг институтимиздаги шундай инсонлардан бири профессор Одилжон Салоҳиддиновдир.

Инсоннинг кимлиги шунчаки умргузаронликда эмас, балки яшаш тарзида зуҳрланади. Кимдир у эшикдан кириб, бунисидан чиққан каби, дунё ҳикматини англамай ўтади. Кимдир сониялардан сабоқ излайди, қадамида ҳаёт магзини чақишга интилади.

Мен узоқ йиллар профессор О.Салоҳиддинов билан ёнма-ён туриб, ҳамнафас, ҳамфикр ва ҳамқадам бўлиб ишлаганим, уни яхши билганим туфайли унинг хайрли босиб ўтган ҳаёти ва ижоди ёшлар учун ибрат намунаси бўла олишига ишонганим учун уларни қоғозга туширишга ҳаракат қилдим.

Мен институтни битириб, Наманган шаҳрида шифокор-терапевт бўлиб ишладим. Илмга бўлган иштиёқим туфайли 1976 йилда институтнинг ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасига клиник ординатурага кирдим. Ўша пайтда кафедранинг доцент С.Ю.Турсунов бошқарарди. Доцент О.Салоҳиддинов эса кафедрада ўқув ишлари бўйича масъул эди. Клиник ординатурадан кейин мен илмий изланиш қилиш иштиёқида номзодлик диссертацияси бўйича илмий-тадқиқот ишларини бошладим. Текшириш натижалари бўйича мақолалар чоп этилиши керак эди. Бу соҳада менга О.Салоҳиддинов ёрдам қўлини чўзди. Кунлар, ойлар, йиллар давомида у менга қанчадан-қанча ўғит, маслаҳатлар берди, қанча иш ўргатди.

Раҳматли онам О.Салоҳиддинов билан кўришганларида ҳар сафар “Ўғлимни кўллаб-қувватланг, унга тўғри йўл кўрсатинг, болам”, деб тайинлардилар. Онаминг кўнглини у хотиржам қиларди ва уни амалда бажарарди. Онам уни доимо ғойибона дуо қиларди. Мен О.Салоҳиддиновни биринчи устозларимдан деб биламан ва буни ҳамма жойда, ҳамма вақт айтиб келаман.

У ҳаётнинг мазмунини чуқур англаб етган, ҳаётга, одамларга алоҳида эътибор, меҳр-муҳаббат билан қарайдиган, ҳар бир кунни, ҳар тонгни қувонч ва шукроналик билан қарши оладиган инсон.

Маълумки, инсон ҳаётининг муҳим мезонларидан бири – ҳалолликдир. У бор жойда хайр-барака, тўкинлик, хотиржамлик ҳукм суради. Устоз О.Салоҳиддинов қайси лавозимда ишlamасин, ҳалоллик фазилатига амал қилиб келади. Шу боис, у кам бўлмади, обрў-эътиборга эга. У шижоати жўш уриб турадиган, тиниб-тинчимас, фидойи инсонлар тоифасига киради.

Устоз исми жисмига монанд ОДИЛ инсон. У ҳар бир муаммони, ҳар қандай шароитда ҳам, кенг мулоҳаза билан холисона адолатли ҳал этишга интилади. Буни жамоамиздагиларнинг ҳаммаси билади. Устоз О.Салоҳиддинов инсонлар дуосини олишни, шифокорлик касбида меҳнат қилишни ҳам фахр, ҳам бурчга садокат деб билади. Ундан шифо топган беморлар сони бисёр. Шу сабабли у қаерга борса, уни азиз кишилардек қабул қиладилар.

Устоз ҳамма вақт ўз фаолиятида, энг аввало, юксак талабчанлик, ҳалоллик, адолатлилик ва ташаббускорлик ҳислатларини ўзига шиор қилади, шу йўлдан ҳеч ҳам чалгимайди. Мен устозга доимо мустаҳкам соғлик, ижодий муваффақиятлар тилаб қоламан.

Н.Мамасолиев

АДТИнинг врачлар малакасини

ошириш факультети

Ички касалликлар кафедраси мудири,

ТФД, профессор

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ СОҲИБИ

Мен профессор О.Салоҳиддиновни ярим асрдан буён биламан. У ўз касбининг билимдони, юксак салоҳият эгаси, олижаноб, хушчакчақ инсон. У, ҳар бир топшириқни масъулият билан бажаришни интизомлиликнинг биринчи талаби, деб билади.

Унинг чехрасидаги нурда кишини ўзига ром этадиган оҳанграбоси бор. Унда инсонни эзгуликка руҳлантириш қобилияти кучли. Унинг дўстлари кўплигига ҳавасимиз келади.

Маълумки, олим изланишдаги одам. Ўз билим доирасини кенгайтириши устида тинимсиз ишлаётган чин олимни мавжли дарёга киёслашади. “Бешиқдан то қабргача илм изла”, деб бекорга айтишмайди-ку! Мен О.Салоҳиддиновни шу тоифадаги олим деб биламан. У нафақат катта олим, балки кўпчилик ҳамкасбларидан фаркли ўларок, катта қалб эгаси, юксак маънавият соҳиби ҳамдир. У бир неча йиллардан бери “Маънавият” рукнида ҳам қалам тебратиб келади. Унинг “Инсон кўнгли гулдек нозик”, “Эл-юрт ардоқлаган олим”, “Кўнгил табиблари”, “Эъзоз ва эҳтиромга лойиқ зот”, “Оила маънавияти”, “Фарзанд ва набираларимга айтганларим”, “Ҳаётнинг ўзи сабоқ”, “Ўғил фарзандлар учун”, “Қиз фарзандлар учун”, “Миллий удум ва кадриятларимиз”, “Шифокор маънавияти”, “Шифокорга хос ва ёт фазилатлар”, “Тиббиёт деонтологияси”, “Ибратли ривоятлар ва ҳикматлар”, “Одамийликнинг гўзал фазилатлари”, “Тиббиёт институти талабаларининг деонтологик тарбияси” каби рисоалари аллақачон китобхонлар қўлига етиб борган.

У бу рисоаларида миллий кадриятларимизни улуғлаш, ёшлар тарбиясида ватанпарварлик, ҳалоллик, меҳр-оқибат, одамийлик, саховатпешалик, ташаббускорлик, ота-онага ҳурмат каби фазилатларни сингдиришни асосий мезон қилиб олган.

Унинг бу рисоалари билан танишган вилоятимизнинг кўпгина мўътабар инсонлари, меҳнат фахрийлари, олимлар, талабалар уларга юксак баҳо беришиб, оғзаки ёки телефон орқали ўз

миннатдорчиликларини билдиришганликларининг бир неча бор гувоҳи бўлганман.

Рисолаларни ўқиган инсонлар билан суҳбатда бириси “Мен О.Салоҳиддиновнинг “Инсон кўнгли гулдек нозик” рисоласини бир марта эмас, эҳтирос билан 2-3 марта ўқиб чиқдим” деса, иккинчиси “Мен О.Салоҳиддиновнинг “Фарзанд ва набираларимга айтганларим” рисоласини ўқиганимдан сўнг, тунни билан тўлғониб чиқдим, эрта туриб, узок вақтдан бери хабар олмай қўйган холаларимдан хабар олдим, уларнинг дуосини олиб келдим, ўзимни қушдек енгил ҳис қилдим”, деган. Учинчи бир шахс эса “Мен О.Салоҳиддиновнинг “Миллий удум ва қадриятларимиз”, “Оила маънавияти” каби рисолаларини ўқиб, жамоамиз аъзоларини тўплаб, уларга бу рисолалар мазмуни билан таништирдим. Ишхонамиз кун тартибига ўзгартиришлар киритдик, ҳар ҳафта “Ота-оналарни зиёрат қилиш куни”ни белгиладик”, деган гапларни эшитганман.

Унинг “Кўнгли табиблари”, “Шифокор маънавияти”, “Тиббиёт институти талабаларининг деонтологик тарбияси” номли рисолаларидан 2011 йилдан буён Тошкент тиббиёт академиясининг малака ошириш курсининг педагогика дарсларида фойдаланиб келинмоқда.

Менимча, ўзини англаган инсон учун унинг “Маънавият” рукнидаги бу рисолалари бир олам мўъжиза ва ибратлардан иборат. Бу рисолаларни ўқиган ҳар бир инсон ана шу ибратлар оғушига шўнғийди, инсон ҳаёти, умр мазмуни ҳақида ўйлайди. Бу рисолалар баркамол авлод тарбиясида жуда-жуда муҳимдир.

Мен О.Салоҳиддиновга: “Маънавият” рукнида рисола ва мақолалар ёзиш жуда мураккаб жараён. Сиз шифокор олим бўлсангиз, бунга қандай эришасиз?”–деб берган саволимга, у: “Аждодларимиз маънавиятни инсон ҳаётининг асосий мазмуни, деб билишган. Биласиз, шифокор учун ақл, фаросат, шарқона майин мулозамат жуда-жуда зарур. Шифокор аҳлининг бир чеккасини лирика ва назм, иккинчи четини мусиқа ва наср, марказий қисмини

эса тиббиёт эгаллаган бўлса, бундай шифокор бемор билан дилдан суҳбат қура олади, унинг кўнглига осон йўл топа олади, уни даволанишга бўлган умидини ўстиради. Унидай шифокорнинг чехраси, боқиши, табассуми, сўзлар талаффузи беморни дарддан халос қилишга ёрдам беради. Бунинг учун шифокорнинг она тилимизга, унинг бебаҳо дурдоналарига меҳру-муҳаббати беқиёс, ихлоси баланд ва чексиз бўлиши керак. Халқ оғзаки ижодиётини, мумтоз адабиётимизни, сўз санъатини муносиб қадрлайдиган шифокоргина ўз халқининг азиз ва эъзозли ҳақими даражасига кўтарилиши мумкин.

Мен “профессионал ёзувчи” деган номга ҳеч қачон даъвогарлик қилмайман, бу шунчаки адабиётга қизиқиш, ҳолос. Агар мен рисола ва мақолаларим орқали кимларгадир тўғри йўл кўрсатган, маънавиятини бойитган бўлсам, демак авлодлар олдидаги одамийлик бурчимни адо этаяпман, дея оламан”,–деган.

Бемор саломатлигини тиклаш, дардига даво топиш айтишга осон ҳолос. Лекин унинг замирида вақт билан ҳисоблашмай ўқиш, изланиш, тажрибада синаб кўриш каби мураккаб жараёнлар ётади. Шифокор учун инсон тақдири биринчи галдаги вазифа.

Профессор О.Салоҳиддинов бу масъулиятни ҳар бир дақиқада чуқур ҳис қиладиган, ўз бурчини сидқидилдан бажарадиган шифокордир. У доимо инсонларга соғлом кайфият улашиб яшайди.

З.Салоҳиддинов
АДТИнинг 1-УАШТ кафедраси мудири,
ТФД, профессор

МЕҲРИБОН УСТОЗ

Мен устоз Одилжон Салоҳиддиновдан 3-4-курсада ўқиганимда сабоқ олганман. Инсонларнинг: “Қандай устоз шогирдлари учун ибрат бўла олади?”–деган саволига, бир доно: “У шогирдларининг пок орзуларига унинг ўзидек ишонса, муваффақиятларига ҳасад қилмай, улардан-да ортиқроқ қувонса, уларнинг ҳар бир ишига меҳрли ва эътиборли бўлса”,–деб жавоб берган экан.

Шу ўринда мен устозни ўз касбининг фидойиси, қаттиққўл, адолатли инсон, моҳир лектор деб биламан. Клиник ординатор, магистрлар билан суҳбатлашганимда улар устозни ўта гамхўр инсон дейишади. Чунки улар муаммоларини унинг олдига бемалол кириб айтиб, унинг беминнат маслаҳатларидан кўп марта наф кўрганликларини айтадилар.

Устоз ҳамма вақт ўз фаолиятида энг аввало юксак талабчанлик, ҳалоллик, ва ташаббускорлик ҳислатларини ўзига мезон қилади, шу йўлдан чалғимайди.

Айрим ҳаваскор шоира талабалар унга атаб шеърлар ҳам битишган. Мана шулардан бир шингил:

Меҳрингиз доимо тўлиб тошади,
Биз-ла шодлигингиз яна ошади,
Бизга дилингизда ҳурмат ошади,
Сизнинг ёнингизга ҳамма шошади,
Сизга қанча таъзим қилсак, шунча оз,
Эй, азиз устоз!

Эрталаб турамиз қалбларда қувонч,
Сиз бизни кутасиз, кенг очиб қулоч,
Сизга интиламиз, меҳрингизга оч,
Ҳар сўзингиз дурдек бошимизга тож,
Сизга қанча таъзим қилсак, шунча оз,
Эй, азиз устоз!

Мен 4-курсада ўқиётганимда шуни кўрдимки, у ҳар бир ўтилайётган мавзунинг тарбиявий томонларини ҳаётий мисоллар

билан очиб беради, бизни маънавият оламига етаклайди. Мен бу устозни “Маънавият” рукнида ёзган 20дан ортиқ китобларини ўқиб, кўп маънавий озуқа олдим, китобни ўқишни, уни севишни шу устозимдан билиб олдим.

Мен устознинг беморлар кўригида катнашиб, ўқиган китобларим сабоғи, ёди бемор билан мулоқот пайтида қанчалар зарур эканлигига тушуниб етдим.

Устоз кўригидан сўнг палатадаги беморлар билан суҳбатлашганимда, улар кўрик пайтида устоз сўзларини тинглаб, маслаҳатларига амал қилиб, дарддан фориғ бўлишга ишончлари ортганини, қайфиятлари кўтарилганини кўп бора таъкидлашади. Буларнинг ҳаммаси, менимча, кўп китоб ўқишдан бўлса керак. Мен ҳам устоздек шифокор бўлишга ният қилдим.

Мен устозимга мустақкам соғлик, ишларида улкан муваффақиятлар тилаб қоламан.

Ш.Арипова
АДТИ 5-курс талабаси

ХОТИМА

Азизлар! Мана, китобим ҳам ниҳоясига етди. Сиз уни ўқиб чиққач, китоб жавонингизга элтиб қўйишдан аввал, унда баён этилган фикрларни яна бир бор, такроран, яхшилаб мулоҳаза қилиб кўринг.

Бу китобдаги эзгу сўзлар Сизнинг пок қўлларингиздан ушлаб, эзгу ишларга йўллашга шубҳам йўқ.

Ҳаёт гўзал! Ундаги гўзалликлардан баҳра олмоқ учун Аллоҳ бизга умр инъом этди. Унда яшаш эмас, қандай яшаш муҳим.

Атоқли маърифатпарвар Ризоуддин ибн Фахриддин: “Балоларга сабр қилиш ва қазоларга бўйсунуш бало бўлмайдиган ва қазолар кўрилмайдиган жойга олиб борадиган бирдан-бир йўлдир. Инсон боласи қайғу, ҳасрат кўрмай умр кечирishi мумкин эмас. Турмуш ва ҳаёт чангалзор оралаб юришдан, машаққат тўлқинлари билан курашиб, сузишдан иборатдир. Ақлли инсон бу ҳолларда кўнглини чўктирмаслиги лозим. Ҳар оғирлик ортидан енгиллик келишини Яратганнинг ўзи ваъда берган. Оқил инсонлар шу ваъдани хотирлаб, ўзларига тасалли бериб юрадилар, ношукрчилик қилмайдилар. Яратганнинг амрисиз инсонга битта ҳам тикон кирмайди. Мусибатларни Яратганнинг синови сифатида қабул қилсангиз, бу бирор қилмишнинг жазосимикан ёхуд бирор хатоим эвазигамикан, деб хулоса қилсангиз, тўғри бўлади. Шу боис донолар: “Мусибатлар кўзга малҳам, дилга қувватдир”, деб бекорга айтмаганлар”, деган бўлса, улуғ адибимиз Мирзакалон Исмоилий: “Инсон қалби бамисоли денгиз – таги, туби йўқ бир нарса бўларкан. Кўрган-билганларимиз, эшитган-ўқиганларимиз қанчалик катта, қанчалик ҳаяжонли ёки аянчли бўлмасин, қалб денгизи ўзига синдирар, асрар, бетиним мавжи билан бизни тўлқинлантириб турар экан. Биз эса керагида бу бемисл денгиз тубидаги ибрат дурларини териб, шу дурлар туфайли ўзимизни ҳам, ўзгаларни ҳам қувонтириш, ҳаяжонлантириш бахтига муяссар бўлар эканмиз”, деган эканлар.

Китоб, таъбир жоиз бўлса, ёзувчи ва ўқувчининг юзма-юз бўлиш воситасидир. Бу учрашувда юрак тилга киради. Умр деб аталмиш машаққатли йўл узра ортда қолган эзгуликлар, алам-изтироблар Сизга нимадандир сабоқ беради.

Сиз ушбу рисола ни ўқиб, бизнинг оила аъзоларимизнинг ҳаётнинг мураккаб ва кўҳна манзилларида олган сабоқлари, касбларнинг сир-асрорларидан бохабар бўлдингиз.

Сизлар бахтиёр авлодсизлар. Ота-боболаримиз, она-момоларимизнинг сабоқлари, ҳикматлари, аччиқ-чучук тажрибалари Сизларга ҳар бир жабҳада қўл келади, деб ўйлайман.

Сизлар ёшлик шижоатингизни, билимларингизни ва қуч-қудратингизни шу Она юрт, шу Ватан, шу тупроқ, муқаддас истиклолга бахшида этиш бобида катта авлодлардан кўра кўпроқ имкониятга эгасизлар. Шу боис, окшом ёстикқа бош кўяркансиз, эрталаб тетик уйғонаркансиз, ҳар куни озод ва мустақил юртда яшаётганингизга шукроналар келтиринг. Мустақиллик абадий бўлиши учун курашинг, тинимсиз изланинг, ўқинг, ғайрат билан меҳнат қилинг. Бахтли, саодатли бўлиш учун, аввало, ҳар жойда теран илдиз отиш пайида бўлинг. Ўзингиздан яхши ном қолдиришга урининг. Эзгу, яхши ниятлар билан яшанг, ихлос билан фаолият олиб боринг. Шунда Тангри Таолонинг буюк инояти бўлмиш ҳаётнинг ўзи Сизни албатта, ижобий тақдирлайди.

Агар инсоннинг сўзлари ЭЗГУ бўлса, бошқалар қалбидан жой олган бўлса, унинг номи мангу қоларкан, тиллардан-тилларга, диллардан-дилларга кўчиб юраркан.

“Инсон фазилатини оширувчи ёқимли хулқлардан бири тўғрилиқдир”, дейишади донолар. Тўғри ўсган дарахтга ҳамма ҳавас билан қараса, тўғри одам ҳам халқ ўртасида обрў-эътиборда бўларкан. Яхши инсоннинг кўнгли пок бўларкан. Кўнгли пок инсон эса тўғри сўзларкан, камтар ва ҳалол бўларкан, фисқу-фасод билан шуғулланмаскан, доимо шукрона айтиб яшаркан. Агар “ТЎҒРИЛИК” сўзидаги бир “Т” ҳарфи тушиб қолса, “ЎҒРИЛИК” бўлиб келиб чиқади. Кўрдингизми?! Бунга эҳтиёт бўлинг!

Инсон ҳаёти узун ва машаққатли йўлга қиёсланса, бу йўлда бекатлар бўлиши табиий. Умри давомида бошқаларга наф келтира олган, ўздан ортиб кўпнинг дуосини ола билганларнинг борган манзиллари том маънода “эзгулик бекатлари” деб аталади, дейишади.

Сизларнинг ҳаётингизда эзгулик бекатлари кўп бўлсин. Ҳадисларнинг бирида: “Ўзида борини ўзгаларга илиниш, юзлаб қалбларни илм зиёси билан сугориш, қоронги юракларга ёруғлик олиб кириш омонат оламнинг энг хидоятли амалидир”, дейилган. Бу борада мен ва рафиқам оз бўлсада, бунга амал қилдик.

Билмоқ лозимки, бизнинг миллий удум ва қадриятлармиз авлодларимизнинг армонлари, орзулари, нозик таъби ва самимиятидан, кенг феъли ва саҳоватидан бунёд бўлган.

Сиз, азизларим, ўзимизнинг миллий удумларимиз ва қадриятларимизни эсга олиб иш юритсангиз, юриш-туришингизга, одобингизга, кийинишга, фарзанд тарбиясига эътибор ва теранроқ кўз билан қарасангиз, турмушингиз тинч, хонадонингиз обод бўлади, обрў-эътиборли бўласиз.

Ҳар қандай йўқотишларнинг ўрнини қопласа бўлади, аммо маънавий йўқотишларнинг ўрнини қоплаш мушкул экан.

Ҳаёт сабоқлари қандай бўлмасин, уларнинг ҳар биридан тўғри хулоса чиқариб, фойдалиларини ривожлантириб, зарарли ва беҳудаларини такрор қилмаслик керак экан.

Аллоҳ инсонга дунё, амал бериб уни синовдан ўтказаркан, қандай амаллар қилишини кузатаркан. Агар у ҳаддидан ошса, яъни ўз бурч ва масъулиятини унутса, шунга яраша жавобини бераркан. Унинг иши ўнгидан келмаскан, фарзандлари меҳрсиз бўларкан, уйдан барака кочаркан, омади чопмаскан, ҳар ишда ишқал чиқавераркан.

Аллоҳ яна бандасига синаш учун қувонч, ғам-ташвиш ҳам бериб кўрар экан. Шунинг учун инсон шу қувончли, шу ташвишли кунларга ҳам шукрона қилиб яшашга ўрганмоғи лозим экан.

Ҳар кун, ҳар лаҳза биздан шукрона сўраркан. Шукроналикда катта ҳикмат ва барака, ҳамжихатлик ва ҳамкорлик бор экан.

Инсон қалбини Аллоҳнинг мўъжизаси, дейишади. Уни тафтиш қилиб, яхши фикр, шукр ила охорлаб турилмаса, киши бошига сезилмас офатлар ёғилавераркан.

Донолар: “Улуғ кишиларнинг ёқимли ҳислатларидан бири қаноатдир. Қаноат туганмас бойлик. Қаноатли киши ҳеч қачон камбағал бўлмайди, чунки унинг ҳеч кимга иши тушмайди. Қаноатсиз киши эса гадойга ўхшайди, унинг ҳамма нарсаси бўлса ҳам кўзи тўймайди, кўпроқ топишга интилади, бирон нарса учун одамлар олдида бош эгади”, дейдилар. Қаноат қилиш ризқ қидириш ва касб билан шуғулланишдан тийилиш, дегани эмас, балки касб туфайли топган нарсасига шукрона келтирмоғи керак экан.

Ўтаётган умримиз мазмуни хусусида ўй сурганингизда, эл-юрт учун қилган катта-кичик хизматларингизга, касбингизга ихлос ва муҳаббат билан ёндашганингиз ҳақида ўйлаганингизда, барчасининг замирида кексаларнинг пурмаъно ўғитлари ётганини хис қиласиз. Шундай эмасми?!

Бу кўҳна дунёнинг чексизлиги олдида инсон умри бир лаҳзадек гап. Мутғасил курашлардан иборат бу ҳаётда инсон меҳнатидан, инсон камолотидан гўзалроқ нарса йўқ эканлигига беихтиёр иймон келтирасиз. Эзгулик ортида саодатли лаҳзалар яшайди. “Ўз умрини ибрат китобига айлантира олиш инсоннинг яшаш санъатига боглик”, дейди кўпни кўрганлар. Шу боис, кексаларнинг: “Ўзингиздан ожизларга раҳм билан, ўзингиз билан тенгларга инсоф билан, ўзингиздан устунларга ақл билан боқинг”, деган сўзларига амал қилиб яшамоқ лозим.

Одамзот танасида олтига аъзо борки, уларнинг учтаси ўзининг ҳукмида, учтаси эса унга бўйсунмайди. Кўз, қулоқ, бурун одамга бўйсунмайди. Кўргиси келмаган нарсани кўришга, эшитгиси келмаган гапларни тинглашга, ҳуш ёқмайдиган исларни хидлашга мажбур бўлади.

Оёқ, қўл ва тил эса инсон ҳукмида. Қўл билан агар хоҳланса, гўзал буюмлар яратилади ёки гўзаллик масканларини вайрон қилинади. Шу қўллар билан инсонларга меҳр-мурувват кўрсатиб, эҳсонлар қилиш ёки ўзгаларнинг мулкани ўзлаштириб олиш ҳам мумкин.

Оёқлар эса истаса инсонни ибодатга, илм масканига, истаса ёмон жойларга олиб боради. Тил билан илоҳий каломларни, яхши сўзларни ёки аксинча, игво, ярамас гапларни айтиш мумкин.

Шундан хулоса қилинги, яхши сўз яхши, пок қадам баракали, пок қўл Сизга доим шараф келтиради, турмушингиз тинч кечади.

Азизлар! Бу қисқа дунёда ишларингизни “беш” қилиб яшанглар. Бирок, инсоф-диёнатдан четга чиқманглар. Сизларга берилган эрк, хуррият ва ҳурматни суистеъмол қилманглар, гуноҳга ботиш мумкин. Зотан, бу дунёнинг ўз сарҳисоби бор.

Илоҳим, юртимиз обод, элимиз тинч, дилимиз тоза, ниятимиз улуг, ҳаётимиз тўкин бўлсин! Сизларнинг барчаларингизга мустаҳкам соғлик тилаб, шарафли хатти-ҳаракатларингизда Аллоҳдан мадад сўраб, сўзимнинг охирида қуйидаги шеърини мисраларга эътиборингизни қаратиб қоламан:

Тўзимли дунёда тўзмангиз, болам,
Бировнинг қўнглини бузмангиз, болам.
Хиёнат қилмангиз омонатига,
Ёрдам беринг эзгулик, саховатига.

Шиорингиз яхшилик бўлсин, ҳар қачон,
Иқболингиз кулгайдир шунда бегумон.
Яшангиз покиза, ростгўй ва ҳалол,
Сиздан ҳеч кимса топмасин завол.

Меҳр, табассумнинг қатраси шифо,
Сиздан ўрганишсин нимадир вафо.
Яранг эл-юртнинг корига ҳар вақт,
Кечиримли бўлинг, кўрсангиз шафкат.

Суянчигингиз бўлсин одоб, интизом,
Олмангиз ҳеч кимдан қасос, интиком.
Тўзимли дунёда тўзмангиз, болам,
Ўзгалар кўнглини бузмангиз, болам.

Мундарижа

1.Сўз боши-	3
2.Ота-онам, бобом, момом, акам ва келинойим ҳақида-	5
3.Отам ўғитлари-	17
4.Онам ўғитлари-	20
5.Болалик ва ўқувчилик йилларим-	22
6.Талабалик даврларим-	36
7.Шифокорлик даврларим-	43
8.Педагоглик фаолиятим-	56
9.Фаолиятимдаги айрим муҳим саналар-	71
10.Турмуш ўртоғим Муяссархон ҳақида-	72
11.Фарзандларим ҳақида-	73
12.Айрим мактабдош дўстларим-	77
13.Талабалик давридаги айрим дўстларим-	78
14.Муаллиф касбдошлар ва талабалар нигоҳида-	83
15.Биринчи шогирдим-	83
16.Устоз отангдек улуг-	85
17.Юксак маънавият соҳиби-	87
18.Меҳрибон устоз-	90
19.Хотима-	92

Босмахонага 2020 йил 10 апрелда берилди. Босишга
2020 йил 15 апрелда рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.
Ҳажми 5.75. босма табок, Times New Roman гарнитураси,
офсет қоғози, офсет усулида чоп этилди.

“Step by step print” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Андижон шаҳар Храбек кўчаси 94-б уй.
Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар
агентлигининг 12.07.2019 д.ги 12-3299. рақамли гувоҳномаси.